

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**  
Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ

**Бош муҳаррир:**  
Собир ЎНАР

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
Луқмон БЎРИХОН

**Масъул котиб:**  
Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир хайъати:**  
Муҳаммад АЛИ  
Иқбол МИРЗО  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Сирожиддин САЙИД  
Алишер НАЗАР  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

**Саҳифаловчи:** Фиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг  
компьютер марказида саҳифаланди.

**Манзилимиз:**

Тошкент. ш.  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а" уй.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/fax:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



© "Ёшлик" №2 (274) 2014 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги  
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

## МУНДАРИЖА

### АДАБИЙ ҲАЁТ

**Ваҳоб РАҲМОНОВ.** Миллат даҳоси. .... 2

### АДИБ ХОНАДОНИДА

**Баҳодир КАРИМ.** "Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен". .... 4

### НАСР

**Азим СУЮН.** Невараларим учун ҳикоялар. .... 12

**Луқмон БЎРИХОН.** Аёл кўз ёшларга ишонмайди. Қисса. .... 23

**Шукур ЖАББОР.** Катта оила. Ҳикоя. .... 47

### НАЗМ

**Хосият РУСТАМОВА.** Бир кун ишқ йўлида Мажнун бўлар тол. .... 9

**Ойдин НИСО.** Юриб кетмоқдаман тақдир оралаб. .... 19

**ЧОРШАМЪ.** Элга саодатни, дўст, дуоларингда сўра. .... 42

**Мадина БАХШИЛЛОЕВА.** Кўксимда кўнглингнинг изи бор. .... 55

**Ғайрат АСРАНОВ.** Замин – онасидир бор мавжудотнинг. .... 62

### МУШОҲАДА

**Санжар НАЗАР.** Оломончиликдан огоҳ бўлинг! .... 18

**Замира ҚОБУЛОВА.** Шаклга яширинган маъни. .... 60

### ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

**Бегойим ХОЛБЕКОВА.** Чемпионнинг туғилиши .... 40

### ХОТИРА

**Иқбол МИРЗО.** Улуғим. .... 44

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Хосият БЕКМИРЗАЕВА.** Гул ва булбул. .... 52

### ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ

**Ҳерманн ҲЕССЕ.** Соялар ўйини. Ҳикоя. .... 56

### БИРИНЧИ УЧРАШУВ

**Дилором РАҲИМОВА.** Мени кутиб олар порлоқ келажак. .... 54

**Нодира ЛАПАСОВА.** Шеърлар..... 59

### ЕЛПУҒУЧ

**Муҳаммад ОЧИЛ.** Бозорга ўхшайди бу дунё. Ҳажвиялар. .... 63

Бошишга 24. 02. 2014 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт.  
"HILOL-MEDIA" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма № 18. Адади 5750 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.



## МИЛЛАТ ДАҲОСИ

Башариятдаги ҳар бир миллатда бир ёки бир неча шундай улуғ фарзандлари бўладики, улар Аллоҳ ато этган буюк ғайрат, мислсиз ирода, теран ақл-идрок ва эзгу ахлоқ-одоблари билан шу халқ байроқлари каби муқаддас тимсолларга айланадилар. Улар андозаларга сиғмайдиган улуғ хизматлари туфайли эл томонидан бошга кўтариллади, эъзозланади, асрлар, ҳатто минг йилликлар давомида қадрланади.

Агар сиёсат ва давлатчилик соҳасидаги бундай буюклар турли даврлар ва ҳар хил халқларда гоҳ салбий, гоҳ ижобий баҳолансалар, адабиёт ва санъат вакиллари барча миллатлар, бутун башарият томонидан фақат севилади ва қадрланади.

Жаҳон адабиёти титанларини энг қисқа рўйхатда кўз ўнгимизда тизадиган бўлсак, булар – Ҳомер, Эврипид, Ли Бо, Рўдакий, Фирдавсий, Данте Алигъери, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Вильям Шекспир, Йоҳанн Волфганг Гёте, Александр Пушкин, Лев Толстой, Оноре де Бальзак, Фёдор Достоевский, Жек Лондонларнинг ҳамиша порлоқ сиймолари ўз ижод оламлари билан гавдаланадилар. Чунки уларнинг ҳар бири ўз халқлари ва башарият учун адабий даҳодирлар.

Адабий даҳоларнинг бошқа сафдош ва даврадош бўлган мумтоз шоир ва адиблардан фарқлари йирик бўлади. Чунончи, биз учун Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳофиз Хоразмий, Сайфи Сароий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Нодира, Гулханий, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбекларнинг ҳар бири мумтоз сўз санъаткори сифатида улуғ, ҳар бир китобхон учун азиздирлар.

Бироқ шундай мумтоз шоирлар даврасида ҳам, ҳамма биладики, ўзбек мумтоз адабиётимиз шоҳ-супасида уч киши тура олади. Булар Навоий, Бобур ва Огаҳийлар бўлиб, биринчи ўрин истисносиз Алишер Навоийгагина хосдир. Чунки Навоийгача ҳам, ундан кейин ҳам унинг истеъдоди даражасидаги инсон ҳали ёруғ оламга келмади. Бу ҳақиқатни XV асрдаёқ замондошлари Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандарий”, Бобур “Бобурнома”, Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” ва Муҳаммад Ҳайдар Мирзо “Тарихи Рашидий” асарларида аниқ-равшан ёзганлар, таъкидлаганлар.

Уш, Навоий даҳосининг қайси қирралари уни жаҳон сўз санъаткорлари сафига олиб чиқди?

Биринчидан, унинг миллатимиз адабиёти учун қилган хизматини қайд этайлик. Унгача ижод қилган мумтоз шоирларимиз сафлари сийрак ва адабий маҳсуллари озроқ, улар шуғулланган адабий жанрлар мундарижаси қисқа эди. Алишер Навоийдан кейин ҳам бу манзара унчалик ўзгариб кетмади.

Агар илмда муболаға қилиш мумкин бўлса, Навоий ўзбек мумтоз адабиётида ижобий маънода инқилоб ясади. Унинг бир ўзи юзга яқин истеъдодлар юкини ўз елкасига олди. Унинг биргина даҳоси XV асрда туркий адабиётни дунёнинг жуда бой адабиёти бўлган форс адабиёти билан бўйлатиб қўйди.

Навоийнинг бу соҳадаги хизматлари:

– туркий шеърятга тўрт девон – “Ҳазойин ул-маоний” билан кириб келди;

– туркий адабиётга мислсиз “Хамса”ни олиб кирди;

– тасаввуфнинг рамзий-адабий талқини – “Лисон ут-тайр”ни ёзди.

– аҷам халқлари тарихи ва маънавиятига доир “Тарихи мулуки аҷам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”ни яратди.

– туркий адабиётга маноктиб жанрини олиб кирди. (“Насойим ул-муҳаббат”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”).

– туркий шеърят назарияси асосларини аруз ва муаммога доир асарлари билан бунёд этди.

Хуллас, ўз даври подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний хулосасига кўра, Алишер Навоий сўз мулкининг сохибқирони эди.

Иккинчидан, агар унинг ўзбек тилига қўшган ҳиссасини қайд этмоқчи бўлсак, бунда уч нуқта инobatга олинади:

а) Ўзбек тилига давлат мақомини бериш хусусида жонбозлик кўрсатди.

б) Ўзбек адабий тилининг бой ва мислсиз имкониетларини назарий жиҳатдан асослади (“Муҳокамат ул-луғатайн”) ва амалий жиҳатдан ўз ижоди билан исботлади.

в) Алишер Навоийгача беш юз йил давомида яшаган туркий адабиёт намояндалари ўз асарларида қўллаган сўзларни бирма-бир ҳисоблаб қўшиб чиққаннимизда ҳам биргина Навоий асарларида ишлатилган сўзлар миқдори бир неча баробар кўплик қилади.

Энг нозик яна бир масала истеъдод даражаси бўлиб, Навоийгача ва ҳозиргача ҳам Алишер Навоий сиймосига насиб этган бу фазилат поғонасига ҳеч ким юксала олмади. Унинг адабий маҳорати сирлари ҳозирча энди очила бошлаган кўриқ бўлиб турибди.

Навоий даҳосининг энг муҳим нуқтасини унинг ўзи қайд этган, яъни, шоир асарларида “дард ва сўз (куйиш)” тантанасига кенг ўрин берган ва бу билан уларнинг воқеликка жуда яқинлигини таъминлаган.. Унинг романтик қахрамонлари – Фарҳоди, Мажнуни, Ширину Лайлиси ҳам китобхон учун афсонавий эртак қахрамони эмас, бугунги Отабегу Кумуш сингари бўлиб, уларнинг фожиалари, қисмат ва ҳиссиётлари туғени қалбимизга шундоққина яқиндан таъсир қилиб туради.

Навоий ижоди абадиятининг бош сири – унинг асарларида куйланган умумбашарий ўлмас ва қаримас ғоялар: инсонпарварлик, ахлоқлилик, ақлий ва ҳиссий комилликдир.

Инсонпарварлик – инсонни ирқи, миллати, жинси ва ёшидан қатъи назар ҳурмат қилиш: унинг бахт-саодатини таъминлашга қўлдан келганча ҳаракат қилиш, ўзгаларни бахтиёр қилишда ўз бахтини кўришдир.

Ахлоқлилик деганда-чи: Навоий фикрича шахс учун ахлоқ масаласи ҳаёт-мамонт масаласидир. Бахт ва бадбахтлик, солиҳлик ва фосиқлик, олижаноблик ва ёвузлик, вафо ва жафо, ҳақ ва ботил, ҳамма-ҳамма нарса ахлоққа тегишли. Жаҳон ёки бирор мамлакатда ахлоқлилик тантана қилса, шу жойнинг ўзи жаннатнинг бир гўшасига айланади.

Комиллик – касбда моҳирлик, табобатда ҳозиклик, ахлоқда камтарлик ва поклик, ақлда – ўқиш ва уқиш риёзати билан мислсиз юксалишга эришишдир. Бу даражадаги инсон билиш, яъни ўқиб маърифатли бўлишдан юксак бахт йўқлигига амин бўлади.

Ва ниҳоят унинг шахсидаги мислсизликка келсак: Навоий ўзбек халқидан чиққан ва ўз саховатли фаолияти билан араб Ҳотами Тойи саргузаштларини чўпчакка айлантирган кўёшсифат сиймо эди. Унинг шиори куйидаги мисраларида аниқ акс этган:

*Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,  
Ҳар кишида бу сифат йўқтур – анга бўлғай шараф.  
Сен агар тарки таъм қилсанг, улуг ишдур буким:  
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен – бир тараф.*

Навоий ўз шахсидаги тамаъ деган ахлоқий саратон касаллигидан қутулган ягона инсон бўлиб туюлади. Навоий ана шу фазилати билан жаҳон халқлари эҳтиромига абадий лойиқдир.

Ўз даври миллионери бўлган Навоий ўз даромадларининг 98 фоизини элга сочар, икки фоизини ўз шахсий эҳтиёжларига сарфларди.

Нега Навоий йиғилаётган бойликни муттасил хайрия учун сарфлаган? Навоий сўфий бўлгани учун унинг эътиқодича оламда Халлоқ – яратувчи Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Табиат – борлиқни Аллоҳ яратган. Табиат гултожи инсон эса, Аллоҳнинг жилваси, нури зарраларидир. Навоий шеъриятида рамзан кўёш тимсолида Аллоҳ талқин этилади. Зарра тимсолида ўзи ва одамлар тушунилади. Унинг Аллоҳни ёд этиб йиғлаб тўккан кўз ёшларининг ҳар томчисида Аллоҳ кўёш сифатида акс этади:

*Ҳар Навоий тўкти ул ой фурқатида баҳри ашк,  
Ҳар қачон боқсанг кўёш акси анинг ёшиндадур.*

Навоийнинг бойликни халққа сочгани, эҳсон – Аллоҳга чин дилдан қилган ҳадясибир. Ана шуни била олсак, тамаъсиз ва элга эҳсон сочувчи киши Худони танийдиган, хасис, ўзи ва оиласи учунгина бойлик йиғатганлар маълум маънода худобехабар эканлигининг кескин фарқига борамиз.

Ва беихтиёр: “Мен кимман? Мен Навоий ворисиманми, ё Худодан бехабар кимсаманми?” деган саволни ўзимизга бера оламиз.

Демак, Навоий биз учун адабий даҳогина эмас, ахлоқий намунагина эмас, комиллик тимсолигина эмас, эзгулик рамзигина эмас, бизни фаолиятимизнинг барча жабҳаларида кўз-қулоқ бўлиб туришга чорлаган виждоннинг огоҳлантирувчи кўнғироғидир.

Ўзбек миллатининг бахти борки, унинг Алишер Навоийси бор. Академик Конрад ана шу маънода, яъни Навоий келиб чиққан миллатнинг бахтиёрлигини алоҳида қайд этган эди...

Алишер Навоий умрбод эл-халқ билан бирга бўлди. Ҳусайн Бойқаро салтанати сиёсатини белгиловчи кучи, шоҳнинг дўсти ва тахти устуни бўлиб халққа хизмат қилди. Барча тоифалар аҳволи, минг бир хил феъл-атворли кишиларга дуч келди. Уларнинг ҳаммаси унинг лирик ва эпик асарларида акс-садо берди. Биргина “Хазойин ул-маъоний”да эллиқдан ортиқ касб-кор ва феъл-атворнинг тилга олингани (ғазалда-я!) бир жиҳатдан даҳо шеъриятининг воқеийлиги ва ҳаётлигини, иккинчи томондан қомусийлигини таъминлади.

Ўттиз йиллик сиёсат ва ҳаёт қозонида жонбозлик кўрсатиб қайнаган Алишер Навоий ўз халқидагина эмас, балки жаҳон халқида бош ўгитини баралла айтди:

*Олам аҳли! Билинғизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-биринғизғаким, эрур ёрлиғ – иш!*

Илк севгисига умрбод садоқати туфайли Навоий оиладорлик бахтисиз яшади. Унинг шеърларида танҳоликнинг энг фожиали азоб-уқубат эканлиги таъкидлангани бежиз эмас. У замон дарди билан ҳам, замондошлар дарди билан ҳам ўртанарди:

*Менга ишқ дарди эмас муҳлику бас  
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур!*

“Муҳлик” сўзи ҳалокатли эканлигини билсак, бу байтдан шоир ҳаёти фожиалар ичида кечганини идрок эта оламиз. Бу пўлат одам, бу халқимизнинг моддий ва маънавий кўёши шахсий ҳаётдаги бахтсизлигидан тамоман кўз юмиб, эл бахти учун умрини фидо қилиш намунасини кўрсата олган башариятнинг балки ягона фарзанди эди.

*Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий баридин.*

Халқда қанақа орзу-тилақлар бўлса, Навоий ўзи учун уларнинг ҳаммасидан воз кечди.

Унинг умр бўйи бинои хайрлари ҳақида замондоши Бобур мирзо ёзади: “Мунча бинои хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай”.

Муҳими шундаки, Алишер Навоий ўзининг кимлигини яхши биларди. Унинг ҳар куни, ҳар лаҳзаси, ҳар томчи қони онгли ҳолатда ЭЛ учун сарфланди.



## “БОШИМНИ ЗЎР ИШГА БЕРИБ ҚЎЙИБМЕН”

Одамни турмушдаги турли ҳолатлар, қувончли ҳодисалар, кўргиликлар шоир қилади, ёзувчига айлантиради. Ҳақиқий санъат асарлари дард, гўзал ҳис-туйғулар маҳсули. Адабиётшунослар ҳам дардли ва туйғун одамлар, бадиий ижод аҳлининг ҳамдардлари...

Муайян бир соҳага, дейлик, адабиётга қизиқиш ҳар кимда турлича кечади. Кимдир устозига эргашади, бошқаси китоблар билан ошно тутинади. Кундалик ҳаётнинг ўзи бир дунё.

**Болаликдан бир шингил...** Иккинчи жаҳон уруши биздан анча йироқ. Бироқ уруш даҳшати, унинг азиятини буви-энамдан кўп эшитдим. Карим бувам урушдан қайтмаган. Тўрт боласи билан йигирма уч ёшида энам бева қолади. Бошқа турмуш қилмайди. Урушнинг юракни ўртагани, оила таянчидан, бир қанотидан ажратгани шу. Етти ёшида етим қолган отамнинг хотирлашича, яқинлари энамни “ҳали ёшсан” деб мажбуран қайта турмушга бермоқчи бўлганларида, иложсизликдан ҳатто ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган эканлар. Аллоҳнинг марҳамати билан тирик қолади. Шундан сўнг яна олтмиш йил умр кўриб, саксон уч ёшида бандалик қилди. Бувимизнинг сўзи қатъий, суҳбати ширин эди. Айтаётган воқеалари бири иккинчисига занжирдек уланиб кетаверарди. Бундай ўйлаб топилмаган ҳикояларнинг “сюжет”ига, тугуни ва ечимларига ҳали-ҳалигача ҳайратланиб юраман. Энамнинг кўз ёшини деярлик кўрган эмасман. Тақдир ҳукмига бўйин эгган, дийдаси қотган, кунлик ибодатда қойим эдилар, раҳматлик. Муаммоларни жуда осон ҳал қиларди. Гаплари қисқа, кескир, буйруқли, мазмунли, мақолли ёки бир-икки сатр шеърий ҳикматли бўларди: “Тин-масанг тинарсан, тинсанг тинмасан”, “Истаганинг

эмгак бўлса, икки кўзинг кўмгак бўлар”, “Йўғлаганни сўрама – ўлгани бордир, кулганни сўрама – билгани бордир”. Агар кайфи чоғ бўлса, баъзан қўшиқ айтиб қоларди: “Тахта кўпир устидан, Тойиб тушдим ёр-ёр” ёки ўзи тўқиган “Қора киши қора телпак киярми? Бизни кўйиб тул ... суярми?” тарзда. Бу қўшиқлар унча кўп эмас, санокли, доим такрорланадиган. Эртак, чўпчакларни ёқтирмас эдилар. Сўралса, жавоби бир оғиз сўз: “Билмайман”. Ёки “Карим бувамизга турмушга чиққанингиздан сўзлаб беринг”, деган илтимосларга, ҳаё-ибо қилганиданми, ҳар тугул “Унинг нимасини сўзлайман. Совчи келди. Тўй бўлди. Бир туя арава юк билан келдим. Манглаймга сиғмаган экан, буванг кетди, мен қолдим” деб жавоб берарди. Энамнинг бошидан ўтган воқеалар шундай ҳазин, шу даражада қисқа, аниқ ва аксар ҳолатларда деталлаштирилган бўларди. Балки шулар изҳори мени сўз йўлига бошлагандир.

Адолатсизлик, тенгсизлик, тухматлар, камситишлар, ҳақоратлар, кўра-била туриб бировнинг кўзига чўп тиқиш – булар одамни руҳан толиқтиради. Кичик бир мактаб жамоасида, зиёлилар муҳитида ҳақиқат, тўғрилиқ, адолат учун яқка ўзи туриб, кўкрак кериб мاردона сўз айтган отам ноҳақликка, тухматга учрагани – болалик хотирамдан ўчмайдиған ҳодиса. Мактабдаги отам парваришлаган боғнинг меваларини еб, қолдиқ ва тошдек данакларини унинг ўзига қараб отишган. Бу ҳодиса энамнинг сочини оқартирган. Беш ёшларимда бир маҳкамага мен билан бирга кириб: “Боламни ерга урдинлар-а!” деб алам ва нафрат билан кўрқмай гапиргани ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглаб турибди. Онам раҳматли тиббиёт ҳамшираси бўлганлар. Бизга билдирмасдан онамнинг (Аллоҳ раҳмат қилсин,

### Баҳодир КАРИМ

1966 йилда туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни” мавзусида номзодлик, “XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси” (қодирийшунослик мисолида) мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

“XX аср ўзбек шеърияси антологияси”, “XX аср ўзбек ҳикояси антологияси”, “Ўзбек адабий танқиди антологияси” китобларининг ғоя муаллифи ва тузувчиларидир бири. “Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд”, “Қодирий қадри”, “Янгилашиш соғинчи”, “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин”, “Адабиётшунослик методологияси” каби китоблар муаллифи.



жойлари жаннатда бўлсин) йиғлаб олганларини бутун вужудим билан, юрак-юракдан ҳис қилган паллаларим бўлган. Эсимни танигандан бери билардим: қишлоқ аҳлига ёрдамни аямадилар. Уйимиз гўё дорихона – ҳар вақт беморга дори-дармон биздан. Кечасими-кундузи – фарқи йўқ. Ярим тунда деразани кимдир чертади ёки дарвоза тақиллайди: “Чечамни дард-тўлғоқ тутиб қолди, Зиёда опа, ёрдамнингиз керак”. Бориб энагалик этиб, тонг ёришганда уйга қайтадилар. Бундай ҳодисалар кўп бўлган. Аммо бирор марта қош чимирганини ёки оғринганини эслай олмайман. Бугун ўша мурувватларни тафаккур тарозисига солиб тортаман...

Шу хотираларнинг ўзи қизиқарли тарих, реалистик адабиёт. Ҳаёт одамни ижодкор қилади, кўнглида эзгуликни уйғотади. Балки шундай ҳодисалар боис йўлим Сўз томон бурилгандир. Яхши сўздан кўнгилик ўсади, ёмонидан чўкади.

Қолаверса, адабиёт билан шуғулланишимга мактабдаги адабиёт муаллимларим Худойберган Бексанов, Олим Тўраевлар баробарида кўпроқ отам сабаби бўлганлар. Ўзи физика-математика ўқитувчиси бўлсалар ҳам, адабиётни, шеърятни яхши кўрар эди. Оиладаги суҳбатларда, мактабдаги дарс маҳалларида бирор бир формула ёки теорема ёнига беихтиёр Алишер Навоий, Махтумқули, Ҳамид Олимжон, Маяковский ёки бошқа бир шоирнинг мисраларини мисол қилиб келтирар эди. Бу физика дарсидаги лирик чекиниш бизга завқ бағишларди. Физика, математикани яхши ўқиганман. Ҳозир ҳам шу соҳа мутахассисларининг суҳбатларини эшитиб қолсам, завқланиб кетаман. Бир ҳасадим ҳам келади. Агар филолог бўлмасам, физика ёки математика муаллими бўлардим, деб ўйлаб қўяман. Чунки мактабда шу соҳага тегишли маълумотларни кичкина ён дафтарамакчага ёзиб юрар эдим. Олимпиадаларга ҳам шу йўналиш бўйича қатнашиб, ўринлар ҳам олган эдим. Аммо ҳозир ҳам ўша аниқ фанларни соғиниб қолсам, болаликни кўмсаб баъзан адабиёт дарсларида уларга мурожаат қиламан. Университетда математик, физик ўртоқларим бор. Уларнинг мен тушунмайдиган рақамлар устидаги баҳсларидан завқланаман, аммо суҳбатларига аралаша билмайман. Адабиётшунослиқда ҳам шундай мураккаб нуқталар бор. Бу руҳият ва эстетик дид масаласи. Шуни англамаслик ва шу диднинг шаклланмаслиги бадий адабиёт кушандаси деб ҳисоблайман.

**Университет ёки таҳсил...** Миллий университетнинг ўзбек филологияси факультетига ўқидим. Бир соат дарс берган ҳар қандай муаллимдан миннатдорман, қарздорман. Устоз улуғ инсон, сўзи, маслаҳати табаррук. У зотлар сабоғидан баҳрамандлик, тавсия этган китобларини ўз вақтида ўқиш биз талабаларни ўстирди. Университетда катта авлодга мансуб адабиётшунос, тилшунос устозлардан филология илмининг сир-синаотлари бўйича маърузалар эшитдим; кейинчалик бошқа улуғ олимлар, кўплаб ижодкорлар суҳбатларидан баҳраманд бўлдим... Дарвоқе, ўқиган йилларимиз факультетда ёш, талантли мунаққид Раҳмон Қўчқоров “Ёш танқидчи” тўғарагини бошқарар эди. Баҳс-мунозара, ҳатто деворий газетада чиққан мақолалар муҳокамаси, сўнгра “Ёшлик”нинг анкета саволларига жавоблар, дастлабки қадамлар – буларни эслаш мароқли. Бир пайт шу тўғарак анжуманида маъруза қилдим. Бадий асар тили тўғрисида. Маъқул келиб, матнни Раҳмон ака “Шарқ юлдузи” журналига тавсия этди. Юракда ишонч улғайди. Орадан анча вақт ўтиб, талабаликнинг охириги йили шу “Насрдаги назокат” мақолам чиқди. Биринчи чиқишлар гашти бошқача. Қайта-қайта ёзганинга қарайсан, қувонасан, умидланасан, орзуларга бериласан...

Негадир биринчи чиқиш, биринчи китоб ёки умуман китоб чиқаришнинг кейинги даврларга келиб юки анча енгиллашиб қолди. Бунда ҳам гашт бормикин?

Тўқилмаган латифа: Бизнинг ўқув даргоҳимиз билан Лейпциг университети орасида шартнома бор эди. Улардан талабалар бизнинг университетга келар, ёзда биздан ўн-ўн беш нафар талаба у томонга борар эди.

1989 йил ёзи. Талаба эдик. Университет талабалари билан поездда Москва, Брест, Польша орқали Германияга бордик. Тунда Берлин вокзалига бориб тушилди. Очиққан эдик. Беш-олтитадан тамадди қилиш ниятида атрофга тарқалдик. Қоронғу тушган, шаҳар аҳолиси ширин уйқуда. Биз эса ошхона излаймиз. Бир оз юргач, ёш боласини елкалаб келаётган бир кишига дуч келдик. Энди хорижга чиққан киши тил билиши лозим. Талабаларимиздан ҳар ким қайсидир тилни билди. Нозим инглиз тилида, Неъмат француз, мен эса немис тилида шу атрофда ошхона борми, деган мазмунда чайналиб сўраймиз. Аммо қаршимиздаги кимсадан садо чиқмайди. Елка қисади. Жим. Шунда умуман бирор чет тилини билмайдиган Фаррух қўлини оғзига олиб бориб: “Ҳям-ҳям, ням-ням”, деди. Рўпарадаги кимсага жон кирди: “Наверно там, там, ребята”, деди қўли билан ишора қилиб. Шарақлаган кулгу кўтарилди, Берлин шохбекати ёнида. Чунки ҳаммамиз рус тилини билар эдик. Ҳалиги киши ҳам бизга ўхшаб энди поезддан тушган ва навбатдаги рейсни кутиб, айланиб юрган экан. У замонлар Германияда рус тили кенг қулоч ёйган эди. Шу-шу сабоқ бўлдики, бир ой давомида олмон юртида юриб бирор нотаниш кимсадан аввал: “Шпрехензи руссиш?” дея сўрайдиган бўлдик.

Ҳаётда бир умрга эсдан чиқмас воқеалар, ота-дек мўътабар инсонлар, табаррук масканлар бўлади. Шахсан мен учун Ўзбекистон Миллий университети – бешиқдек табаррук маскан. Бу даргоҳдаги устозлар ўғити бир умрлик сабоқ; топган кадрдонларим кўнгилик дўстларим. Инсон жисми заминнинг қайси бир

гўшасида бунёд бўлиши, туғилиши мумкин, аммо чин маънодаги маънавий масканларида руҳан таваллуд топади; фикри етилади; мева беради. Ўзбекистон Миллий университети муаллими сифатида хорижда ўтадиган анжуманларда қатнашиш ҳам кўнгилга сурур бағишлайди. Лейпциг, Берлин, Истанбул, Анқара, Қримга бордим. Айниқса, истеъдодли математик, физика-математика фанлари доктори, профессор Р.Р.Ашуров билан бирга 2005 йил баҳорида Пекиндаги Миллатлар Марказий университети раҳбарияти билан ўзаро ҳамкорлик, ўша университетда ўзбек тили бўлимини очиш масаласи бўйича ЎзМУ номидан музокаралар олиб борган эдик...

**Китобли хотиралар...** Болалиқда ўқилган яхши китоблар таъсирли бўлади, эсдан чиқмайди: “Робинзон Крузо”, “Том тоғанинг кулбаси”... – суратлари билан ҳали-ҳали ҳам кўз ўнгимда. Инсоният тафаккурининг энг бебаҳо, тенгсиз кашфиёти китоб. Китоб ёлғизга ошно, беморга дардқаш, муҳтожга маслаҳатчи, йўлсизга дарға; маънавий касалликларга дармондори...

Баъзан хотираларда китоб жонланади. Талабалик йилларида “Йиллар армони” китобининг қайта нашрига Хиёбон биқинида жойлашган Ёзувчилар уюшмаси остонасида туриб, Абдулла Орипов менга биринчи дастхат, ёнимдаги курсдошим, шоир дўстим Бобомурод Эралига “Дастхат №2” деб тилаклар ёзиб бергани, ноширлар китобини қайта чиқаришда шоир сувратини “ёдларидан чиқариб қолдирган”лари хусусидаги бир оғиз гапларини эслайман.

Ўша талабаликнинг беғубор паллаларида бошқа ижодкорлардан ҳам дастхатлар олганмиз. Улар беғараз, самимий, биз интилиб, излаб, ютоқиб, қувониб олинган дастхатлар. Қадрли, қадрдон, кўзга суртиладиган табаррук ва беғараз имзолар. Даврлар ўтгани сари дастхатларнинг мазмуни ҳам, одамига тақаладиган рост-ёлғон, самимий-носамимий, чин кўнгилдан-тил учиди каби сифат кўринишларига ҳам ажралиб боравераркан. Адабиётчи хонадонида китоб бўлади. Китоб жавонимдаги дастхатли китоблар бир дунё. Уларда ҳам ҳикмат бор. Китоблар мазмунига қараб эъзозланади. Улар ҳам одамга ўхшайди. Кўнглинг тиламаган, жининг олишмаган, ёқимсиз бирор кимсага рўбарў келиш, суҳбатлашиш кайфиятни туширади. Жавондаги китоблар ичида бебаҳолари руҳиятни кўтаради, уларни ўқиш, бамаъниликдан баҳрамандлик, завқланиш ва ҳайратланиш муаллифи билан ҳамсуҳбат бўлиш демақдир.

Талабалик йилларимиз “Йиллар армони”, “Муҳаббатнома”, “Сабр дарахти”, “Сени яхши кўраман”, “Дарс”, “Уйғоқ тоғлар”, “Болаликнинг овози”, “Ухлаётган киз” каби шеърий китобларни ўқиб чиндан завқландик, намуналар ёд олган эдик. Негадир кейинги давр китобларидан бундай завқни топиш қийин кечмоқда. Ё қалб қотиб бораётирми, мулоҳазакор бўлиб қолдикми, манфаатпарастликка йўлиқдикми, майдалашдикми ёки шеър устони аҳволи ночорми? Билмадим, билолмадим. Сабаби об-ҳавоми ёки нарх-наво? Билолмай ҳайронман.

Ёшлик йиллари катта орзулар денгизиде сузасан. Имкондан улкан орзу-ниятлар. Ўзинг истаб, китоб ўқиш сурури – бошқача завқ. Мажбурият учун, имтиҳон топшириш ёки машғулотлар ўтказиш учун ўқилган китоб билан кўнглинг тусаб ўқилган китоб ўртасида фарқ бўлади.

Ҳозир баъзан соҳамиз, касбимиз тақозосига кўра китобларнинг қўлёзмаларини ёки янги нашрга тақриз ёзиш учун ўқишга ҳам тўғри келади. Тўғриси, кўп ҳолларда тугай қолса эди, деган илинжда, охириги саҳифаларини қўмсаб, зерикиб, оғриниб, малолланиб, кинна киргандек тинимсиз эснаб, уйқусираб, ғижиниб, кўнгили айниб ўқийди одам.

Нима демоқчиман? Ёзаётган одам ўз асаридан ўзи завқланмаса, бировнинг қалбида туйғулар туғини кутиш керакмас. Ўз ёзганига ижодкорнинг ўзи ҳайратланмаса, бировдан ҳайрат кутиш тўғри эмас.

“Нима учун ёзасан? Ёзганинг кимга керак? Ёзма-санг бўлмайдими? Шу дарак гапларнинг эга-кесимини алмаштириб “шеър қилиб” ёздинг нимаю, ёзмасанг нима?” Ёш, бошловчи ижодкорни шундай саволлар ҳамиша безовта этсин.

**Ёзиш...** Ҳар ким ўзининг манглайига битилган тақдири ёзуви измида ҳаёт кечиради. Ҳар кимнинг ишлаш тарзи ҳар хил. Интизом асосида ишлангани яхши. Ҳозир вақт ва жой танлашга вақт йўқ. Адабиётчи учун фикр муҳим. Янгича қарашлар, янгича таҳлиллар, қиёслар... Фикр вақт ва жой танламайди, энг ёмони тутқич бермайди. Келади-кетади. Шунда “меҳмон”нинг иззатини ўз вақтида жойига қўйиб, бир парча қоғозга нимадир қайд қиламан. Сўнг ҳаммаси хаёлда юрган мулоҳазалар секин-аста тизилади, шаклланади. Режалар тузилади, манбалар жамланади: ёзиб ўчирилади, ўчириб ёзилади. Шаклланаётган фикрни аниқ бир изга солиш, ора-орада иборалар ёки ўхшатишларни қўллашни яхши кўраман. “Устоз, ёзишни қандай ўрганса бўлади?” Ёдимдан чиқмайди – бир вақтлар журналистика факультетини битирган йигит шу саволни берган эди. У радиода гапиришга ихтисослашган, шекилли. Аввалига ҳайрон қолдим, сўнгра тушундим. Нима дейман? Ёзишни фақатгина ёзиб ўрганилади! Ўхшамаган девор қайта қурилади, парчаланади, таъмирланади. Ҳофизларга ҳам, нотикларга ҳам, рассомларга ҳам – умуман ҳар қандай соҳада истеъдодли одамнинг машқлари оқибатда улкан тажриба ва санъат мақомига чиқади.

Баъзан ёзадиганларим режаларда, сарлавҳаларда узоқ қолиб кетади. Масалан, бир мақола учун “Тақриз нима? Тақризчи ким?” сарлавҳасини қўйиб, бир-икки жумла ёзганимга бир неча йил бўлди. Дейлик, унда ажойиб шоиримиз Нодир Жонузоқнинг: ёшлигида ўз



асарларига ўзи яширин тақризлар ёзган “устозим””, деган фикридан ҳам фойдаланишни мўлжаллаган эдим. Орадан анча вақтлар ўтди, лекин ҳалигача шу мақола ёзилгани йўқ. Эҳтимол, кўнгил тўладиган яхши бир мақола бўлар, балки шу ҳолича охиригача ёзилмасдан қолиб кетиши ҳам мумкин. Шунга ўхшаб йиллаб навбат кутганлари, ҳалигача кутиб турганлари бор. Бундан ўзим ҳам хурсандман. Баъзан фикрни синовдан ўтказиш-апробация учун талабаларни аудиториясига олиб кираман. Кўзлар чақнаса, саволлар ёзилса, манбаларни суриштириш бошланиб, қизиқиш ортса, демак, бунда бир ҳикмат бор, об-ҳаводан баҳор нафаси келади.

Ижод сурури, завқи бутунлай бошқа нарса. Уни бошидан ўтказган ҳис қилади. Бугун негадир ижод деганлари ямоқчиликка ўхшаб қолди. Айрим ёзадиганлар китоблардан, бировларнинг мақолаларидан китоблар яшаш йўлига ўтиб олди. Бунга рукн топиб қўйдим: “Кўрганларимдан кўчирганларим” деб.

Аслида ёзиш ҳар кимда ҳар хил кечади. Бу ижод ишининг ҳаммага татбиқ қилинадиган, ҳамма учун мос келадиган аниқ бир формуласи йўқ. Ҳар куни тинимсиз ёзиб, ҳар ойда битта китоб чоп эттирадиган ёзувчилар ҳам бор. Бундай асарнинг тез ёзилгани учун қиймати тушиб кетмаганидек, бир неча ўн йиллаб ёзилган асар узок давр мобайнида ёзилгани учун қадрли ошиб ҳам кетмайди. Гап асарнинг тез ёки секин ёзилганида эмас, ҳамма гап унинг ҳақиқий санъат намунаси сифатида яшаб қолишида, инсон руҳий-маънавий дунёсига озуқа беришидадир.

Одам табиятан насиҳатга, маслаҳатга, ўзи амал қилмайдиган гапларни айтишга уста. Аммо амал қилиш, сўзи устидан чиқиш – бу қийин гап. Мен ижодкорнинг сўзи ўзига, ўзи сўзига ўхшаши тарафдориман. “Ҳайҳот, мен тоза телба” деб ёзган шоирнинг “товламачи” эканини билиб қолиб, ёмон хафа бўлдим.

Ижодкорга аҳамият бу муҳим тамойил, жамиятнинг маданий, маърифий даражасини намоён қилади. Аммо аҳамият деганлари бу доимий опичлаб, етаклаб юриш, тувакдаги гулдек парваришланиш эмас, албатта. Бу аҳамият бир сониялик, бир соатлик, бир кунлик бўлиши мумкин. Аммо ана шу руҳий, маънавий, моддий қувватнинг инерцияси асарларга таъсир этади; асарларга етади.

Назаримда, “Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим” ёки “Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен” каби тамойил ҳақиқий ижодкорга хосдир. Ўз ишини билиш, унга муҳаббат, ўз ижодидан таажжубланиш ва ундан

қониқмаслик – бу муҳим туйғу ҳаракат манбаидир. Бирор ишни қойилмақом қилиб қўйдим, деган шоир, адиб, адабиётчи адашади. Чунки табиятан инсон заиф қилиб яратилган, унинг ижодида, китоби ёки мақоласида ҳамма вақт номукаммал ўринлар, баҳс-мунозарали масалалар, очиқ нуқталар, бўшлиқлар бўлади. Баъзан менга улкан, дабдабали илмий унвонлар билимсизлик юзига тутилган пардага ўхшаб кўринади.

Эҳтимол аввал ҳам айтгандирман. Ижодкорларнинг болалиги беғубор. Энди ижод майдонига биринчи асарлари билан кириб келган ҳар қандай ижодкор ўз ижодий биографиясининг гўдаклик даврини бошидан кечираётган бўлади. Ёш боланинг, энди дунё юзини кўрган чақалоқнинг кўзларига ҳеч қараганмисиз? Чақалоқ кўзида беғуборлик, тозаллик, ҳали дунёнинг турфа ўйинларига рўбарў келмаган бир покиза кўнгилнинг, ҳали ёзилмаган оппоқ қоғоздек тозаликнинг инъикоси бордир. Манфаатлар, унвонларга, мукофотларга, шуҳратга, ўзини тарғиб-ташвиқ қилишга ўчлик ижодкор кўнгли ва кўзини кўр қилади.

Узоқ тарихда шундай ижодкорлар бўлганки, уларнинг жисми аллақачон фоний дунёга юз тутган. Аммо асарлари ҳамон тирикдир. Бу асарлар ҳар куни одамлар билан мулоқотга киришади; ишқи, дарди, армони одамларнинг юрагига ўрлайди; юрагини ўртайди.

Яқин тарихда шундай ижодкорлар ўтганки, жилд-жилд асарлар ёзган ва улар ўз вақтида кўп минг нусхада босилган ҳам. Бироқ улардан ёлғиз “ёзғувчи” номининг ўзигина мерос қолгандек; ўзлари ҳам, асарлари ҳам раҳматли бўлиб кетгандек таассурот қолдиради.

Адабий жараёнда, ён-атрофимизда шундай истеъдодли ижодкорлар борки, уларнинг ўзлари ҳам, асарлари ҳам тирик. Ҳозирда жисман ва руҳан тетик. Улар ўзини, ўзлигини, кимлигини, “мен”лигини, даражасини, ўрнини қайсидир маънода жуда яхши англайди. Руҳи жонидан асарлари умрбоқийлик қувватини олади; тириклик сувини ичади. Мабодо бу тоифа ижодкорлар ажали етиб, фано диёрига йўл олсалар ҳам, асарлари узок умр кўрадиганга; кўркам ҳақ сўзи учун қалам эгаларига раҳмат эшигидан савоби етиб турадиганга ўхшайди.

Ижодкор учун ёзганини биров ўқимаганидан каттароқ фалокат ва фожиа бўлиши мумкинми? “Ўзим учун ёзаман”, деган камтарлик ортида манманлик ва худбинлик борга ўхшайди. “Танқидга эътибор бермайман”, деган ижодкор гапида ғайритабиийлик ва аразлаш борга ўхшайди. Бадиий асар адабий танқид воситасида адабиёт тарихида яшаб қолиш васиқасига эга бўлолмаслигига XX аср гувоҳ. Бадиий асарни адабий танқид соҳаси яшатирмайди, балки адабий-танқидий мақолани бадиий асар яшатиради. Дунёдаги энг машҳур адабиётшуносларнинг барчаси бетакор истеъдод ва улкан қалб эгалари бўлган адибларнинг хизматлари эвазига ном қозонганлар; нонини топиб еганлар. Бу ҳам ҳақиқат.

**Йўллар...** Бугунги бизнинг адабиётшуносликда таҳлил ва талқин методлари янгилашни керак. Жаҳондаги янги адабиётшунослик мактаблари ва талқин услублари жиддий ўрганилиши лозим деб ҳисоблайман. Бадиий асар сюжетини қайта сўзлаш, бадиий асарнинг бир қатор фазилатларини муаллиф кўнгли учун мактаб, “жузвий камчиликлари бор” тарзидаги анъа-



навий қолиплар ўзини оқламайди. Бу шаклдаги адабий мақолаларни асарни ўқимасдан ҳам ёзиш ва ўша типдаги ёпинчиқ мақолаларни исталган бир асарнинг устига ёпиш мумкин. Адабиётшунос бадиий асардаги бировлар кўрмаган нуқталарини топсин, фазилатини, индивидуал хусусиятини очиб берсин.

Бир даврлар бўлдики, ҳамма адабиётшунослар ёппасига жадидшунос бўлиб қолди. Ҳозирги кунда шу ёпирилишнинг ҳовури пасайди. Шахсан мен адабиётшуносликда шу соҳадаги кенг қамровли, қиёсий-типологик тадқиқотлар давом этиши лозим деб ҳисоблайман. Чунки ўша миллий уйғониш даври адабий манбаларининг табиладларида, ҳатто қайта нашрларида ўнлаб хатолар кузатилмоқда. Қайта нашрларда, бировлар ҳозирлаган манбани ўзлаштирамасдан, тайёр изоҳларини стилистик тарафдан ўз номига хатламасдан, зарур бўлса, асл манбанинг ўзини айнан кўриб, ўқиб ва шу асосда адабий матнлар билан мулоқотга киришган одам илм адабининг олтин калитини қўлида тутган бўлади.

Бадиий асарлар тўғрисида иншолар ёзилганда “фалон-фалон асар менда унга нисбатан нафрат, ҳаётга нисбатан муҳаббат уйғотди”, деган босмақолип (стереотип) фикрлар баён этилади. Аслида инсон ҳаётсевар, умидли бўлиши; ичкарисини такомиллаштириши керак. Бу жараён истайсизми-йўқми бир ҳақиқатни тан олмагунча кемтик бўлиб қолади. Бу ҳақиқат – ўлим ҳодисаси. Ҳар қандай инсон бошига келадиган ўлим ҳақида ўйлаш керак. Л.Толстойнинг, ҳақиқий файласуфлар охири-оқибатда ўлим масаласини муҳокама қила бошлашади, деган мазмундаги гапи бор. Ўлим – бадиий адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси. Дунё адабиётида ўлим билан ҳаёт чегарасини махсус тасвирлашни ўзлари учун асосий тамойил қилиб олган фалсафий йўналишлар бор. Демокриманки, бадиий адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири инсоннинг ўлим ҳодисасига табиий муносабатини ҳам тарбиялашдан иборат. Аслида бу вазифа моҳиятида ҳам эзгулик мавжуддир.

**Хонадонда туғилган фикрлар...** Чинакам санъат, чин бадиий адабиёт кеча, бугун, эрта – шу уч замон чегарасидан чиқиб, абадийликка юз тутуди. Ўзбек адабиётининг бугунги ҳолатига келсак, бу хусусида гапириш осон эмас. Ижод қилаётганлар, шеър, дoston, ҳикоя, қисса ва роман ёзаётганлар сони кўп. Китоблар,

шеъринг тўпламлар чиқараётганларнинг сони ҳам кўп. Аммо мазмун, оригинал бадиий кашфиёт масаласи доим муаммо. Биз учун мумтоз адабий сиймолар ва жаҳон адабиёти мезон вазифасини ўтайди. Адабиётда оригинал бадиий кашфиётлар юзага келса, албатта, янгидан-янги адабий назариялар пайдо бўлади. Бугунги адабиётни бойитишга адабий танқид ўз ҳиссасини қўшиши керак, деган мулоҳазалар айтилади. Бироқ адабий танқид учун адабий майдон, таҳлил ва талқин қилиши учун арзигулик бадиий асарлар керак. Чунки саксовулга ҳеч қачон мева битмаслигини, анор ё анжирга дўнмаслигини ҳамма билади. Саксовул ўтин бўлади. Сояси ҳам йўқ ҳисоби. Муҳими асар. Уйга ўхшатиб қурилган бир чайла атрофида гиргиттон бўлиб, “бино”ни Миср эҳромларига қиёслашда қандай мантиқ бор?

Маънавияти баланд, руҳи тетик, юраги кенг ижодкорларга ҳавас қиламан. Тасаввуримча, улар Сўзга хиёнат қилмайдилар. Шулар борлиги учун дунё гўзал, тинч, осойишта, файзли. Гарчанд бир қанча китоблари оммалашган бўлса ҳам, инсонийликдан тубан ва руҳан мажруҳларини кўриб ўз ҳолимга шукрона айтаман.

Бадиий адабиёт гўзаллик асосига бино бўлиши лозим. Инсон қалби нақадар гўзал, нақадар олижаноб ва холис бўлса, унинг асари шу даражада улғуворлик касб этади. Агар ижодкор ишқни тасвирламоқчи бўлса, бу бебаҳо мавзунини авайлаши, покиза юрак билан ёзгани маъқул. Ишқ-муҳаббат билан ҳирс ўртасида катта фарқ бор. Ҳирсий майллар баёнини айрим ёзувчилар муҳаббат йўлида асар битганига алмаштириб қўядилар. Ишқ жавҳари нафс ва ҳирс ботқоғига кўмилмасин.

Дарвоқе, маънавият хазиnasiдаги дурдона асарларни китобхон тирилтиради. Асарлари абадий ўқувчиларини топган қалби бутун ижодкордан кўра саодатлироқ инсон бўлмаса керак.

**Хонадон хотиржамлиги...** Бу ижодкор учун жуда муҳим неъмат. Шукр, алҳамдулиллаҳ, оила муҳитидан шикоятим йўқ. Хотиним иқтисодчи, ҳамшира. Аммо бу соҳаларда ишламайди; уйда болаларимнинг таълим-тарбияси билан машғул. Кундалик уй вазифаларига, дарсларига ёрдамлашади. Биз учун шарт-шароитни жуда ўрнига қўяди. Қизларимнинг катталари лицейда ўқийди, кичиги мактабда. Адабиётга ҳам, бошқа соҳаларга ҳам қизиқишлари бор. Уларнинг айрим ёзганларини кўриб ёзмасликни маслаҳат бераман. Баъзиларини ўқиб қувонаман.







# Бир кун шикъ йўлида Мажнун бўлар тол



\*\*\*

Тўхтадим манзилга ҳали етмасдан,  
Менинг дарду тушим ичидан пишиди.  
Катта бўлиб қолдим.

Энди кўркмасдан –  
Яқинда қўлингдан оламан ишни.  
Ёмгиру қорларни бер менга қўйиб,  
Сен эса хумордан чиққунча ўйна.  
Фақат Сен ҳам дунё тарафда бўлиб,  
Мени шамолларга силкитиб қўйма.



\*\*\*

Тирикманми ўзи?  
Борманми ё йўқ?  
Ўзимни суяига етишмас ҳолим.  
Ёнар вужудимда бошдан оёқ ўт,  
Қаерга қочшини билмайди жоним.  
Қайгадир йўқолган кўксимдаги тафт –  
Нимаки иш бўлса – қўл силкир қўлим.  
Кўзимда гўёки осмон ҳам бир кафт,  
Замин ҳам кўринар бир сиқим бўлиб.

\*\*\*

Ўрганиб кетганман.  
Бу ҳолат таниши –  
Фақат етмай қолар баъзан тоқатим.  
О, нима қиларди бўлмаса шу иш,  
Икки соат олдин пишиган овқатим?  
Шамоллар кўчамдан югуриб ўтди,  
Ховлига қаради менга ачиниб.  
Азизим, умримнинг ярмидан кўпи  
Сенинг йўлларингга кетди сочилиб.  
Сен яна кечикдинг.  
Биламан, иш кўп,  
Кўзимдан ўтасан ҳоргин ҳолингда.  
– Қутяпман, бошимда юлдузлар тўп-тўп,  
Ойни орқалаган осмон ёнимда.



\*\*\*

Чироқлар гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб чиқди,  
Бедор тун тўлгонди.  
Шамолда хатар.  
Юлдузлар бир ухлаб, бир чўчиб чиқди,  
Кўрқувдан югуриб чиқди дарахтлар.  
Тонггача тинмасдан тарақлади том,  
Чинқирди қайдадир қузғуну жинлар.  
Ниҳоллар ҳушидан кетди батамом –  
Жонидан умидин узди узумлар.  
Йўллар кўлмакларда йиқилди тойиб,  
Ёмгирда шалаббо бўлди чироқлар.  
Далли-девонадай сочини ёйиб –  
Куз каби кўрсатди ўзини боғлар.  
Кўзларга келмади адашган уйқу,

## ХОСИЯТ РУСТАМОВА

1971 йилда Наманган вилояти, Чуст туманидаги Олмос қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган (1993). “Осмондаги уй” (1997), “Нажот” (2003), “Ридо” (2004), “Девор” (2006) каби шеъррий тўпламлари нашр этилган. М. Цветаева, А. Ахматованинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

Дераза чарсиллар, дарвоза ихрар.  
Тутиб кетмасин деб дунёни қўрқув,  
Дардини ичига ютди балиқлар.

\* \* \*

Ҳоли нима кечар менсиз уйимнинг,  
Китоблар... Суратлар... Жигар ранг дафтар...  
Мени тополмасдан тенгиб, куйиниб,  
Ортимдан кўчага чиқади гаплар.  
Менсиз ҳушдан кетар дарахту борлиқ,  
Шамол кимнинг титиб ўйнар сочидан?  
Мен кетсам, тун ўлиб қолади аниқ,  
Мен кетсам, ой ўлиб қолар очидан.

\* \* \*

Бир кун ишқ йўлида Мажнун бўлар тол,  
Ҳайқирар юраги тўкилиб, тўлиб.  
Уни йиқитолмас ҳеч қандай шамол,  
Осмонда яшар у хаёлга чўмиб.  
На ариқ, на кўприк уролар йўлдан,  
Бежавоб қолдирар саволларини.  
Билмас у. Оққушлар ўғирлаб қўйган –  
Лайли дарахтларнинг хаёлларини.

\* \* \*

Ҳали муздан тушмасидан ер,  
Изгиб юрганида изгирин.  
Кўчаларга чиқмай улус, эл,  
Дарахтларнинг очилар сири.  
Ҳали совуқ кетмай танидан,  
Кўтарилмай туриб қад-басти,  
Бўртиб чиққан куртакларидан –  
Уялади олча дарахти.



\* \* \*

Ўтиргандай ҳаёт дарсида,  
Шамолларнинг чиқмас унлари.  
Деразамнинг рўпарасида –  
Хира тортиб қолар тунлари.  
Кўл силкиди... кетди... тонг отмай –  
Миниб олиб кўкнинг бўйнига.  
Тунда яна қушлар тап тортмай –  
Дарахтларнинг кирар қўйнига.

\* \* \*

Бутун ер юзини ташлади сочиб,  
Қўрқувдан калима келмас ёдига.  
Ўзини йўқотиб, шамолдан қочиб,  
Дарахтлар ёпишар қуш қанотига.  
Қайга учиб кетган осмоннинг ҳуши,

Алжираб тортади ипақларини.  
Қоронгу тунларга қоқилиб тушиб,  
Шамол йиртиб қўяр шиппақларини.

\* \* \*

Ишон, Сени хафа қилмайман бошқа,  
Кеч бўлса ҳам чиқдим. Қоп-қора адир.  
Бир осмон юлдузни кўтариб бошга –  
Сенинг йўлларингда турибман, ахир.  
Жоним, бугун ишинг тугайдими кеч,  
Қорнинг оч эмасми,

Омонми жонинг?

Итлар изгиб юрар.

О, менга бу кеч,

Айтгани шумиди Худонинг?..

\* \* \*

Яна қуюқлашди қоронгу осмон,  
Кўриб бўлмай қолди нариги бетни.  
Кўз олдимда бутун дунё зимистон,  
Шу баланд уйинг ҳам кўринмай кетди.  
Шамол гандираклар. Тонгга бор қанча  
Хазонлар ўзига келолмас ҳануз.  
Дарахтлар ер чизар. Энди ёзгача  
Богларда адашиб қолиб кетар қуз.  
Ой чиқди. Дош берармикин асабинг?  
Ёл-ёруғ кунлардан бордай ном-нишон,  
Қайга боришини унутган каби,  
Ой сенинг томингда турар парижон.

\* \* \*

Йўқ, йўқ!

Хафамасман у қадар,  
Бўлди. Дунё кўрсатди борин.  
Ҳаёт, Сен ҳам бўлмасанг агар –  
Менинг нима кечарди ҳолим?  
Чанг кўчадан чопиб ўтар от,  
Судралади шамол этаги.  
Сени ютиб олишга, Ҳаёт –  
Бир пиёла сув ҳам етади...

\* \* \*

Йиғлагим келади эслаган пайтим,  
Менинг гамларимни емаган вақтнинг –  
Кўзига кўринмай орқага қайтдим,  
Кўнглига қуш сизмай турган дарахтнинг.  
Сендан умидимни узгандим тамом,  
Яшардим ҳовучлаб дардманд юракни.  
Ҳаёт, ёқтирмайман ўшандан буён –  
Бизнинг ўртамизга тушган йўлакни.

\* \* \*

Олчадан узилган сўнгги барг каби,  
Диққатингни тортмас ҳолим. Унутман.  
Гўё қўшимизнинг ҳовлисидаги  
Олма дарахтидан тушган қуртман.  
Ҳаво ўрнида ҳам чарх урар хазон,  
Жон оро кирмайди.  
Шамол бўлмас эл.  
Бугун не кўйларга солар бу осмон,  
Эрта не кўйларга солар қаро ер.

## ШАМОЛ

Сувдан кирган ўтданми,  
Тирнар ўзини отиб.  
Уйдан чиқиб кетганми  
Эс-ҳушини йўқотиб.  
Ёмон кўрмасдим рости,  
Бу шамолнинг зарбларин.  
Ерга тушган гилоснинг  
Пўст ташлади лабларин...

\* \* \*

Келиб қолар қайдандир шошиб,  
Остин-устун қилиб қорларни.  
Шамол ёмон ҳаддидан ошиб –  
Уйқусини бузар боғларнинг.  
Босар нозик ниҳолларни гам,  
Ёқмас зарблик қушларнинг хулқи.  
Баҳор эшик қоқиши билан  
Еру кўкнинг очилар қулфи.

\* \* \*

Дунё улкан кемадай сузар,  
Тог ёнбошда товланар ял-ял.  
Жой талашиб қолар юлдузлар –  
Ой осмонда тўлишган маҳал.  
Йўл измига тушар йўлларнинг,



Юлдузларга тўлар ер шари,  
Қўрқиб кетган ўйчан гулларнинг  
Учиб кетар капалаклари.

\* \* \*

Совуқ шамол юзга урилди,  
Рўпарамда мулзам тортди куз.  
Ҳаёт!  
Ортга бурилмасдим. У –  
Йўл сўнггида турибди ҳануз.  
Оёқларим адашди йўлдан  
Шунча йўлни босиб ўтганда,  
Мен бормасам,  
Ўзим бормасам –  
Йўлда қолиб кетадигандай.

\* \* \*

Ўзимни пиширдим оловларингда,  
Жуда узоқ йиллар... Секин... Шошмадим.  
Музаффар руҳимнинг бежон танимдан  
Куйган жойларини олиб ташладим.  
Бир кун келиб қолсам Сенинг ёдингга,  
Кечир, танимасанг, кўриб чиройим,  
Шунча кутиб-кутиб Сенинг олдингга –  
Тирик боролмасам, Худойим.

\* \* \*

Гўё, йўқдай зиёни,  
Ер юзини тимдалар.  
Ошкор қилиб дунёни  
Силкинади пардалар.  
Мулзам тортади тунлар –  
Бу бир шамол ўйини.  
Деразадаги гуллар  
Эгиб олар бўйинини.  
Тунлар ўйнар пардани,  
Юлдузлар чиқар издан.  
Ойнинг кетмаган ҳали  
Она сути оғзидан.





## НЕВАРАЛАРИМ УЧУН

### Ҳикоялар

\*\*\*

#### Эй дўст!

*Меҳрингни бер бугун ғунча, куртатка,  
Эртага муҳаббат бўлиб қайтади.  
Ҳақ сўзинг айт бугун мурғак гўдакка,  
У ҳам эртан сенга ҳақ сўз айтади.*

### ИЛК КАКЛИК ОВИ

Тоғ қишлоқларида ҳар бир жойнинг ўз номи – атамаси бўлади. Айтайлик, мен туғилиб ўсган Накуртнинг Камаровул, Лолаҳовуз, Қизилолма, Улфатан, Бодомчали, Қўшилиш, Ёришган, Қоронғулсой, Қарисой, Қумушлисой, Тўптол, Каттақамишлоқ, Кичикқамишлоқ, Туятош, Чўққалисой, Алқорсой, Қўчқорўлди, Булбулсой, Оқбулоқ, Беллисой, Каттақорасой, Кичикқорасой, Катакли, Момотош, Сувлисой, Йўлтушган, Бештарам, Узунмўла, Довтепа, Қизилжар каби кичик қишлоқчалари, даралари, камарлари, булоқлари, сойлари, тоғ қоялари, чўққилари, яйловлари, ўтлоқлари, сувлоқлари, сайхонликлари, адирлари, қирлари бор. Улар ўз жойидаги ўзгармас белгиларга қараб ном олиб келган.

Шундай жойларимиздан бири Етимҳовуз. Етимҳовуз деб аталишининг сабаби, у ерда ёлғиз, ғарибгина булоқ сувларидан пайдо – ҳовуз бўлган. Ана шу ҳовузнинг офтобчиқар томони – баландлик. Керагатош деган тизма қоялар туя карвонлари янглиғ салобат билан тиз чўккан. Керагатошда каклик кўп. Ундан бир чақиримда Лиллойбулоқ деб аталмиш булоқ тарам-тарам эшилиб оқади. Керагатош какликлари шу булоқдан сув ичишади.

Мен беш-олти ёшимдан бошлаб, отамнинг чин ҳамроҳига айланганман. Гап шундаки, отам бир узокроқ қариндошимиз ҳам қўшнимиз билан ферманинг подамолини боқарди. Отам мулла Олим мулла Суюннинг,

### Азим СУЮН

*Атоқли шоир ва таржимон. 1948 йилда Нуротанинг Накурт қишлоғида туғилган. ТошДУ-нинг журналистика факультетини тамомлаган. "Менинг осмоним", "Зарб", "Замин тақдири", "Хаёлот", "Жавзо", "Олис тонглар", "Куйганим – суйганим", "Эй дўст" каби шеърӣ тўпламлари, бир неча дostonлари чоп қилинган.*

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.*



яъни “кулоқ”нинг ўгли эди-да, шу боис унга жазо сифатида подабоқар таёғини судратишган эди. Отам қишлоқ мадрасасида ўқиган, кўп саводли, оққўнгил киши бўлиб, Яссавий “Ҳикмат”ини, Машраб, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдоларнинг талайгина ғазалларини ёд биларди. Қуръони каримни изчил ўқирди, Бедил рубоийларини севарди.

Мен ўзимча отамнинг оғирини енгил қилмоқчи бўлибми (қирқ ёшида тилаб олган фарзанди эдим-да), олдида югургилаб, узоқроқ кетиб қолган сигирларни қайтарар, жар-пар сояларида қолиб кетганларини топиб келар, айниқса, ёз пайтлари – қаталоқ бўлган кезларда – дуч келган ёққа ўзларини урган пайтларда бир ерга тўплар эдим.

Гап бу ҳақда эмас, гап какликлар ҳақида. Ота маконимизда, Она юртимизда, тоғларимизда какликлар кўп. Ўша болалик чоғларимда ҳам мўл эди. Улар қора қош, тумшуғи, оёқлари қизил. Хўрозининг пешонаси қора, бош тепаси кулранг, қизғиш шуълали, жиғилдони билан кўкраги оч хаворанг, таг қисми сарғиш бўлади. Икки ёнидаги патларида қора-кўнғир тусли кўндаланг йўллари бор. Оёқлари пихли, макиёни эса тўқ кулранг, оёқлари пихсиз, жуссаси хўрозидан кичикроқ.

Какликлар ин-уяларини ўзларини ҳимоялаш қулай бўлган пана жойларга – тошларнинг остига, ҳар хил буталар, дарахтлар, шувоқлар тагига қўйишарди. Какликларнинг макиёни апрелдан июнғача тухум қўяди. Тухумлари беш-олтитадан йигирматагача бўлиши мумкин. Улар хол-холли, яъни холдор.

Мен мулла Суённинг синглиси Қизмон аммадан ажойиб шеър-терма эшитганман. Уни ёзиб олиб қолганман. Мана у:

*Бўғин-бўғин бўғинчак,  
Туғун-туғун туғунчак.  
Ўттиз элнинг энаси  
Ҳалда (ҳали ҳам) бўлса келинчак.*

Бу ерда “ўттиз элнинг энаси” деганда, ўттизта жўжаси назарда тутиляпти. Тухумларини худди товук каби она каклик, яъни макиёни босиб ётади ва жўжа очади. Жўжалари тухумдан чиққаниданоқ ота-онасига эргашиб кетишаверади.

Хуллас, пода боқиб, зерикиб юрган пайтларимда какликларга ишқибоз бўлиб қолдим. Какликлар тушга яқин Лиллойбулоққа келишларини кузата бошладим. Бу одат тусига айланди. Улар булоққа келгунларича думбул ўт-ўлан, кўкат-майсаларни чўқиб-узиб, юлқиб, чоғат, жона-қиялик, қумларини титкилаб, “ғат-ғат”лаб озикланишади. Керагатош қирларида чигирткалар, қурт-қумурсқалар, жазирама пайтида жизилдовуқлар мўл-кўл бўлади. Уларни чаққонлик билан тутишади. Ҳатто учган чигирткани қанот ёйиб, югургилаб бориб, осонликча ютишади.

Кўпинча оила бошлиғи – хўрози бирор айиқбош чўққими, қоями ёки анчайин баландроқ ғадир-будир тош устига чиқиб олади-да, тўлиб-тошиб, гоҳо ўқтин-ўқтин сайрашга тушади. Унинг овози узоқларга таралади. Айтайлик, сиз пастда – дараларда, жарликларда юрибсиз, лекин унинг юқорида туриб сайраётганини бемалол эшитасиз. Сайраётганда томоқлари булқулайди. Гоҳо хўрози олдида макиёни пайдо бўлиб қолади. Унга узиб-узиб жўр бўлади. Бироқ макиёни овозининг шашти суст. Иштиёксиз сайраётганга

ўхшайди. Нимагадир урилгандайроқ какирлайди. Баъзи жўжалари улар олдига чиқишиб-тушишиб юришади. Доим ота-онаси ёнидаги болалардай яйрашади.

Қорин қайғусидан қутулган какликлар тушликка яқин “пат-пат”лашиб, “ғийт-ғийт”лашиб, булоқ бошига энишади. Булоқ бошига яқинлашишдан олдин у ёқ-бу ёқни сергакланиб кузатишади. Айниқса, хўрози хушёр. Сувни мириқиб, шошмасдан ичишади. Бир ютум-бир ютум томоқларга олади-да, бошларини юқорироқ кўтариб ютишади, тагин навбатдаги ютумни олиб, бу ҳолатни чанқоқлари босилгунча такрорлашади.

Бир куни шундай бўлди. Ишқибозлик ортиб какликлар жўжасидан бир-иккитасини тутиб, уйимизда, қафасда боқмоқчи бўлдим. Бир теша-чўтни ўзим билан олдим. Подаларни катта камарга ҳайдадим-да, Лиллойбулоқ бошига келдим. Ҳовучлаб сув ичдим. Чанқоғим босилди. Ўйнаб-ўйнаб ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб ўттиз-қирқ қадам наридан ўзим бемалол жойлашадиган чуқурча-хандақча қазидим. Ҳар хил буталарни, шувоқларни, хас-хашакларни тўпладим, хандақчам қошига уйдим. Ўзим хандақча ичига тушиб олиб, уларни устимга ёпдим. Тирқиш очиб, какликлар келишини кута бошладим. Бир сўз билан айтганда хонаки, жайдари “овчи”га айландим.

Какликлар аста-аста, оҳиста-оҳиста келишди. Аммо, хўрози нимагадир булоқ бошидан анча нарида туриб қолди. Қолганлари бежавотир ўзларини сувга уришди. Хўроз хавотирда-ю, лекин жим...

Она каклик ва жўжалари сув ичиб бўлгач, булоқ бошидаги дўлана дарахти тагига, тупроққа ағнай-ағнай кетишди. Қанот ёйиб, ўмганларини чағотнинг майда тош-қумларига булашди. Кичкина тугмачадай кўзларини сузиб-сузиб оромлашди. Бирдан хўроз мен умуман эшитмаган ғалати овозда чинқирибми-кичқирибми юборди. Сесканиб тушдим. Энди вақтни бой бермаслик керак эди. Мен устимдаги лашлушларни отиб юбордим-да, жўжалар томон интилдим. Йўрғалаб қочаётган жўжаларни қувиб етдим. Мен биламанки, сувга тўйган какликлар, айниқса, уларнинг болалари тез югуролмайди, дафъатан учиб кетолмайди. Ҳаш-паш дегунча иккитасини тутиб олдим.

Хўроз Керагатошни ёқалаб учди. Макиёни ҳам ўрга бироз йўрғалади-да, Етимҳовуз тарафга қараб парвоз қилди. Жўжаларнинг бир қисми юқорилаб кетди, бир қисми эса буталар, шувоқлар, тошлар орасига беркинди. Мен бошқа қувмадим ҳам, изламадим ҳам. Қатқат тош устига ўтирдим, нафас ростладим. Қўлимдаги жўжаларга тикилдим.

Кўп ўтмай ота-она каклик – хўроз ва макиёнларнинг зорланиб, болаларини чорлаган овозлари эшитилди.

Мен икки жўжани уйга етказолмадим. Уларни қўлларимда ушлаб юриб, ўлдириб қўйдим. Ҳа, парранда дарранда ҳам эркинлик-озодлик фарзанди. Қўшлар кўкда, балиқлар сувда, жайронлару кийик, мароллар, алқорлар тоғда, одамзод адолату ҳақиқат эркинлигида яшовчан.

## ОНА КАКЛИК

Ҳаёт мураккаб. Унда умр кечириш ўз-ўзидан бўлмайди. Аммо қийинчилик, оғирчиликлардан, хатарлардан қўрқавермаслик керак. Инсон ақл, тафаккур чироғи билан ҳар қандай зулматни ёритишга қодир.

Йўлингиздаги кўринган-кўринмаган тўсиқларни, ғовларни суриб ташлашда собит.

Инсонни кўятурайлик, табиатдаги ҳар бир жонзот ҳам тириклик учун курашиб яшайди. Тирикчилик – тирриқчилик, деган айтимлар беҳуда яралмаган.

Каклик содда қуш. Лекин унинг содда бўлиб қолишга ҳаққи йўқ.

Ирғайли дарасининг чоғатли қир-адирларида мол боқиб юрган кезларим бунга ўзим гувоҳ бўлганман.

Май ойи ўрталарида она каклик тухум босиб ётганига дуч келдим. Унинг уяси бир туп шувоқ остида эди. Болалик экан-да, уни тутмоқчи бўлдим. Унга қараб йўналдим. Она каклик нохушликни тез пайқайди. Бирдан уясидан отилиб чиқди ва пастга – қиялик бўйлаб думалай кетди. Ҳа, у айнан думалаб борарди. Орқасидан қува бошладим, етай деганимда думалашни тезлатди. Қувавердим. Яна етай-етай дедим. У яна тезлади. Қувиб-қувиб даранинг ичига тушиб қолдим. Ва шунда она каклик думалашдан лаҳзада турди-да, уч-тўрт қадамча югургилади-ю учиб кетди.

Кўрдингизми, содда қуш деганимиз, она каклик мендай бир ақли чўпон болани қандай чалғитиб, тухумларини, бўлажак жўжа-болаларини асраб қолди. У айёрмиди, йўқ, дегим келади бугун, она каклик ақли, оқила эди.

Мен ўшанда, тагин ортимга қайтиб, унинг тухумларини олиб кетишим мумкин эди. Аммо, биринчидан, мен уядан кўп узоқлаб кетган эдим. Иккинчидан, тухумларни олиб, нима ҳам қилардим. Мол боқиб юрсам, мол боқиш эса осон эмас. Қолаверса, бирорта курк товуқ тайёр эмаски, тухумларни бостирсам, жўжа очтирсам. Учинчидан, отамнинг ўгити ёдимдайди: “Қуш уясини бузма, тухумларини синдирма, полапонларига озор етказма, ҳатто илон боласини ҳам ўлдирма!”

Мен подалар ўтлаб юрган сайхонлик сари кетдим.

### КАКЛИК ДУШМАНЛАРИ

Какликларнинг ёв-душманлари кўп. Тулки – айёр қароқчи. У ҳамиша какликларни пойлагани-пойлаган. Пайт етди дегунча, уларга хавф солади. Айниқса, қишнинг қаҳратон кунлари. Одатда, тоғ маликалари бу чоғлар гала бўлиб яшайди. Тунлари қоялар бағрида тўдалашади, ғуж бўлиб олишади. Тулки, кўзлари ёниб, уларга ташланади, какликлар патирлаб, ўзларини дуч келган томонга уришади. Тўзиб кетишади. Қор гуртикларига ботиб, учолмай қолишади. Кўплари “қароқчи”га ем бўлишади.

Какликларнинг яна бир душмани кобра, яъни кўзойнакли илон, уни капча илон ҳам дейишади. У рангдор. Каклик эса рангларни яхши кўради. Кобра ранглари тузоқ бўлиши мумкинлигини билмайди.

Нурота тизма тоғларида кобралар жуда кўп бўлмаса ҳам, тез-тез учраб туради.

...Баланд тошсупа устида нар каклик ўз овозига ўзи маст бўлиб сайради. Мен ундан кўп узоқ бўлмаган найза қоя тагида ёнбошлаб, уни томоша қилиб, сайрашини тинглаб ётардим. Каклик бирдан жимиб қолди. Нима бўлди экан деб, тикроқ турдим-да какликка қарадим. У бир нуқтага тикилганча тек қотиб турарди.

Кўзларим ўткир эди, бир нигоҳ-ла ҳар қандай нарсани илгардим. Кексайиброқ қолган овчи Деҳқонбой бобомнинг бир ғалати гапи эсимда: “Набирам Азимбой – менинг кўзларим!” Чунки, бобом нимани сўраса, айтайлик, “Азимбой, Муртак камарни бир қараб кўр-чи,

бирор нарса кўринмаяптими?..” “Ҳа-ҳа, – дердим мен, – бир тоштўрғай тумшугини тошга ишқаяпти, бирор нарса тутиб, еган бўлса керак...” “Уни сўрамаяпман, алқорлардан гапир, алқордан... каклик бўлса ҳам майли, овлаб кетишимиз керак...” ва ҳоказо.

Хуллас, бир қарашдаёқ ярим тик турган кобрани кўрдим. Кобра какликни ром қилиб, бир лаҳза ҳам ундан кўзларини узмай, жуда оҳиста у томон силжир эди!

Силжир эди... оҳиста... силжир эди... оҳиста... оҳиста... Каклик тамоман мафтун... жодуланган... сеҳрланган... Кобра яқинлашиб қолди... Ҳадемай, каклик тамом... бутун вужудим жимирлаб кетди... йўқ, бўлмади, ирғиб турдим-да, бир тошни кўлга олиб, кобрани кўзлаб отдим!

Каклик бир сесканди-ю ўзини тошсупадан пастга ташлади. Ҳадемай кўкка кўтарилди.

Сўнг... кўрганларимни отамга, чўлиққа, сўнг... кўшиб-чатиб кўни-қўшни болаларга айтиб юрдим...

Хўш... какликнинг энг ашаддий душмани – бу овчи! Овчилар какликни, асосан, гўшти учун овлайдилар.

Овлаш усуллари талайгина. Биринчиси, албатта, ов милтиғи билан овлаш. Милтиқ билан какликларни югургилаб кетишаётганда ёки учиб, кўкка кўтарилганда отишади. Иккинчи бир усул – бу тузоқ-жела қўйиб ов қилиш усули. Бунда милтиқ ишлатилмайди. Хонаки – қафасдаги бир сайроқи каклик тўлиб-тошиб сайрайди, қавамдошларини ёнига чорлайди. Ёнида эса жела. Жела қўйган жайдари “овчи” узоқроқда паналаб-писиб ётади. Учиб келган какликлар ихтиёрсиз желага тушаверишади. Ундан қутулиб кетмоқ учун потирлашиб, ҳаракат қилишаверади. Аммо, жела баттар уларни чирмаб олаверади...

Тагин бир усул бор. Аммо бу усул қонун йўли билан тақиқланган. Бу усул, асосан, қишда кўлланилади. Бу усулчиларнинг милтиқ кўтариб юришлари шарт бўлмайди.

Қиш какликлар учун ўта хатарли фасл. Аёз. Қаҳратон. Қалин қор. Бундай пайтларда улар емак тополмай, сою булоқ бўйларига тушади. Тоғ қишлоқлари атрофига яқинлашиб энишади.

Шундай вақтларда ҳар хил тоифадаги хонаки овчилар кўпаяди. Қиш кунлари, деярли бекорчилик. Шунинг учун улар тўда-тўда бўлишиб, тоғнинг бир камаридан у камарга, унисидан бунисигача қувлашади. Бундай кезларда какликлар тез толиқади, чарчаб, узоққа учишолмайди, қорларга ботиб қолишади. Қарабсизки, тайёр луқма!

Какликлар ҳамиша ҳимояга зор. Уларнинг тагин бир душмани қирғий.

Авиёбулоққа тутшиб кетган қир-адирларда мол ёйиб юрардим. Бу ерларда турли-туман буталар, тўптўп бодомчалар ўсиб ётади.

Ҳар-ҳар жойда ёйилиб ўсган ковуллар учрайди. Ковуллар анор гулларидай қип-қизариб гуллаган. Бир туп ковулнинг гулларини томоша қилиб турардим, шиддат билан ҳавони тўлқинлантириб, бир гала қуш ўзларини мен турган жойга урди. Бу шундай тез рўй бердики, ҳеч нарсани англай олмай, кўрқиб кетдим. Жон жаҳдда кўкка қарадим, бир қирғий қийқирганча кўздан йўқолди. Сўнг ковулга қарадим, не кўз билан кўрайки, унинг остида бир гала каклик жўжалар кўзларининг ўти чиқиб, менга тикилиб туришарди. Бирпасдан сўнг улар ҳам, мен ҳам ўзимизга келдик. Жўжалар

бирин-кетин ковулнинг у ер-бу еридан чиқди-да, ўр томонга йўрғалай кетишди. Улар мени қора тортиб, омон қолишган эди.

Кўп ўтмай бир бурум тарафдан она какликнинг болаларини ўз ёнига чорлови эшитилди.

## АЛҚОРЛАР

Алқор ноёб жонивор. Уни тоғ қўйи деб ҳам аташади. Ҳақиқатдан ҳам у қўйга ўхшайди. Аммо алқор кучли, шиддатли, югурик-чопағон, ўта зийрак, ҳушёр, кўзлари қоп-қора. Унинг орқа ва икки ёнидаги жунлари жигаркўнғирнамо. Бўйнининг таги, қорни, човлари оқиш. Кўчқорларининг шохлари бурама-бурама. Бурама шохларининг учлари ён томонга қараб йўналган. Урғочиларининг шохлари эса калта, орқасига қайрилган.

Алқорлар Нурота тизма тоғларининг Қоратов силласида яшайди. Оқтоғ тарафларда камдан-кам учрайди. Улар серўт тоғ ёнбағирларида, ёввойи дарахтзор – тоғ ўрмонлари ораларида ёйилишади. Айниқса, булоқли, сойли камарлар – даралар уларнинг суюмли жойи.

Ўтлаш учун қоялар тагидан, паналаридан очик кўкатзорларга, дара қирларига чиқиб келишади. Сахар-мардондан соат ўн-ўн биргача ўтлашади, сўнгра соя-салқинларда – дарахтлар, қоялар тагида дам олишади. Кечга яқин, то қоронгу тушгунча, баъзан тунда тагин ёйилишади.

Алқор кўчқорлари сурувдан апрел-май ойларида ажралиб чиқишади. Чунки, бу пайтда урғочилари кўзилаган бўлади. Асосан, улар битта туғади, эгизаги кам. Урғочи алқорлар кўзичоқлари ва вояга етмаган кўчқорлари билан бирга юради. Тўрт ёшдан бошлаб, вояга етган росмана кўчқорлари эса айрим-айрим ёки бир қанчаси тўп-тўп бўлиб юришади.

Мен туғилиб ўсган Накурт қишлоғидаги Қарисой дарасининг тўри – Бешбармоқота, Паррандозота чўққиларининг жанубий-шимолий томонлари алқорларга энг қулай маскан.

Бола-ўсмирлигимда отам билан ферманинг қорамолларини боққанман. У пайтлари баъзи алқорлар ҳатто подага қўшилишиб, ўтлашиб юришарди. Ўзим ғувоҳман. Овчилар кўп эди, аммо бир оз бўлса-да инсофли эди чоғи. Уларнинг кўчқорларидан – эркакларидан битта-иккита отишарди. Ёлғон бўлмасин, олчоқ-очофат овчилар ҳам йўқ эмасди! Шодибой исмли биттасини билар эдим. У бизга яқин қариндош эди.

Ўшанда тўққиз-ўн ёшларда эдим. Йигирма чоғли алқор – бир сурув бўлиб юрарди. Бу сурувнинг сардори улкан бурамашох кўчқор, айрича салобатга, маҳобатга эга эди. Нигоҳлари, қандайдир ўткир кўзлари бамисоли ёнарди. Катта отам (бобом) мулла Суюн овчиларга бу алқорни отмаслигини кўп уқтирарди.

Йўқ, бетавфиқ Шодибой барибир сардор кўчқорни отди. Гўштарини кимлар хомталаш қилганлигини билмайман. Лекин Шодибой кўп ўтмай тўшакка михланди. Шол бўлиб қолди. Қирқ йилдан ортиқ азоб-уқубатда яшаб ўтди.

Табиат ҳақиқати шундай! Табиат интиқоми шундай!

Йиллар ўтди. Қанча тоғ қорлари сув бўлиб оқди. Ўша подачи чўлиқ бола шоир бўлди. Таассуроти тиниқ шоир бўлди. Шеър ёзди: “Алқорлар”.

*Нурота тоғларидан*

*кешиб борар алқорлар,*

*Кетиб борар бўзлашиб*

*сарсари ва саргардон.*

*Бу тоғларга Заргардек*

*кўрк эди кўпдан улар,*

*Чин ошиқ-шайдоларга*

*фаттон кўзлари армон.*

*Бугун бунда кўкламнинг*

*зангори тошқинлари,*

*Оҳ, на бўлғай алқорлар*

*шу бағирга қайтсалар.*

*Майсаларга бурканган*

*ҳатто қушлар инлари,*

*Лекин тугиб қололмас*

*ҳеч қандайин майсалар.*

*Йўқ, ушлаб қололмагай*

*безавол булоқлар ҳам,*

*Фозилмонота кўлин*

*бўш қолди сўқмоқлари.*

*Ахир, жаннат эмас, ҳа,*

*ушбу ер, ушбу олам*

*(Айлангайдир жаннатга,*

*аммо баҳор чоғлари!).*

*Рост, битта жой иқлими*

*жонга тегар гоҳида,*

*Лекин улар жонига*

*тегмаган эди бу жой.*

*Аёзларда сақлади*

*ғорлар ўз паноҳида,*

*Фақат тубан овчидан*

*сақлай олмади бу жой.*

*Кўксида ўқ излари*

*кешиб борар алқорлар,*

*Бормисан сайёд кўзи*

*тушмаган жонбахш макон?..*

*Алқорларни қайтаргай,*

*энди мен айтсам, дўстлар,*

*Бехато, тикка учган*

*ўқларгина бу замон!*

*О, агар, қайтар бўлса*

*ўқлар дастидан фақат,*

*Рост бўлсин, тоғларимни*

*мангу тарк этганлари.*

*Рост бўлсин, сайёдларга*

*осиб минг тавқи лаънат,*

*Ўқ етмас манзилларга*

*бош олиб кетганлари!*

## БИР АЛҚОР ОВИДА

1954 йилнинг кузи.

Бодомчали қишлоғидан келган икки ҳаваскор овчи ва Дехқонбой бобом мулла Суюнни ҳол-жонига қўймай овга ундади. Мулла Суюн истар-истамас ханги эшагига минди. Мен ҳам бораман, деб туриб олдим. Мақсадимга эришдим. Улар билан йўлга тушдим. Алқор ови қизиқ-да, ахир! Бундан ташқари, мен ўта хангоматалаб боламан. Овга иштиёқмандман. Алқорларга, какликларга ишқибозман.

Ҳаво салқин. Тоғ ўрмони жунжиккандек, нимадандир хавотирга тушгандек. Дўланалар, итбурунлар, уқатлар меваси нам тортган. Арчалар вазминлашган.

Дара-камар бўйлаб кетган ёнғоқзор барглари турли тусда: яшил, сариқ, кўнғир... юзлари холдор. Улар сойни тўлдириб юборган. Шу боис сувлар сизилиб оқди. Сизилиб оққан сув тип-тиниқ.

Бешбармоқота қояларига яқин жойда тўхтадик. Шиғил мевали катта қизил дўлана остида ўрнашиб олдик. Бу ердан алқорлар чиқадиган қоялар яққол кўриниб туради. Овчи боболаримнинг нияти шу ердан туриб ов қилиш.

Ҳали қуёш чиқмаган. Аммо овчиларнинг кўзлари катта қояда. Мен ҳам унга тикилганим тикилган. Алқорларни, албатта, мен биринчи бўлиб кўришим керак. Шундай бўлди ҳам. Кўп ўтмай офтоб нурлари тоғ ортидан қояларни шуълалантира бошлади.

– Ана, алқор чиқди, катта қўчқор экан, – дедим хайратимни яширолмай.

Ҳақиқатдан ҳам қўчқор қояда сергак, бел бўлиб турарди. У биз турган тарафга мағрур кўз тикди. Аммо ҳеч нарсани пайқамади.

Асосий овчи Деҳқонбой бобом секин ўрнидан ярим турди. Шерикларига “қимирламанглар, мен бо-раман” ишорасини қилди. Шунда, кутилмаганда катта отам мулла Суюн укаси Деҳқонбойга шивирлаб маслаҳат бериб қолди:

– Деҳқонбой, – деди у, – бу қўчқор гўштани увол қилма. Ўқни қўчқорга отма, ёнига от. Шунда алқор қоядан ўзини пастга ташлайди. Ёнингга тушади. Сўйиб оласан. Ахир отиб, гўштни бузиб нима қиласан...

Бу гап мерган бобомга маъқул келди шекилли, “хўп” ишорасини қилди ва деярли эмаклаб қоя томон илгарилаб кетди.

Ўқ гумбуради. Кутилганидай қўчқор жон ҳолатда бир сакраб, ўзини пастга отди. Ҳавода муаллақ келар экан, чаққонлик билан бурама шохларини – бошини айлантириб пастга қаратиб олди. Ва боши билан бир зарбда ерга урилди. Дара жаранглаб кетди. Ҳамма бир зум тек қотиб қолди.

Воҳ-ҳ... Қизиғи бу ёқда бўлди. Деҳқонбой мерган ўлжаси тарафга чопганида... қўчқор сакраб туриб, дара эниши бўйлаб елдай югуриб кетди.

Мулла Суюн қаҳ-қаҳ отиб юборди.

– Деҳқонбой, югур, чоп-чоп, мерган, – деди у баралла. Ҳаваскор овчи шериклар нима бўлганини ҳали англамай лолу ҳайрон.

Ўша куни катта отам Суюн билан қишлоққа қайтиб келиб қўйдик. У йўлда келаётганимизда менга:

– Буни билардим, болам, қўчқор алқорни айтяпман, унинг тирик қолишини билардим. У алқорлар сурувининг бошчиси, тўдабошиси эди. Агар отилганда сурув йўлбошчисиз қоларди. Шундоқ ҳам уруш туфайли (Иккинчи жаҳон уруши назарда тутилмоқда) санокли қолган сурув сочилиб кетарди... Содда Деҳқонбой бобонгни бир бопладик-да, – дея кулиб-кулиб ўзидан мамнун-мамнун гапириб келди.

Бугун бобом дунёда йўқ. Аммо ўтиб кетгандан кейин ҳам уни кўрган-билганлар “Мулла Суюн катта илм эгаси бўлиши билан бирга товдаги алқорларниям чўпони эди-да”, дея менга кўп бор гапиришган.

## ОВ ИШТИЁҚИ

1973 йил. Мен Тошкентда толиб эдим. Кечкида ўқирдим, кундуз ишлардим. Меҳнат таътилига чиқдим у кишлоққа жўнадим. Бутун вужудим тоғларни

қўмсарди. Тоғларга талпинардим. Тоғларда кезишни жуда-жуда соғинган эдим. Ота-онам ёнида бир кун бўлдим у қадрдоним Олтибойникига йўл олдим. Олтибой билан биргалашиб, амаким Тиловқобилни топдик. Тиловқобил мулла Суюннинг иккинчи ўғли. Отамнинг она бошқа укаси. У дурустгина овчи эди. Тоғнинг тўрида яшарди.

Бир кун кечгача овга ҳозирлик кўрдик. Амаким кўрғошиндан қўлбола яккаўқлар ясади. Сочмаларни патронларга жойлади. Милтиқлар тозаланди.

Эртаси куни тонгда Каттақамишлоқ дарасига йўл олдик. Каттақамишлоқ ўз номига яраша. Бу дара-камарда қора, қизил дўланалар кўп ўсади. Айқашиб-чатишиб, бетартиб, исталган-исталмаган жойларда ўсиб ётаверади. Уларнинг орасидан оқбел учқатлар бўйлаб туради. Ирғайлар тўп-тўп. Хуллас, ёввойи қалин тоғ ўрмони.

Катта чошгоҳгача бирорта алқорга дуч келмадик. Аксига олгандек какликлар ҳам учрамади. Фақат қарлардандир уларнинг ўқтин-ўқтин овозлари эшитилиб қолади.

Мен чарчаб қолдим. Милтиқ ҳам оғирлик қила бошлади. Шаҳар, талабалик нуқси-да...

Амаким билан Олтибойга, сизлар айланиб келаверинглар, мен бироз дам оламан, дедим. Улар кетишди. Мен катта газанинг қоқ белида ўзимча жой ҳозирладим. Милтиқни ёнимга қўйдим. Тоғда милтиқ, ишлатсанг-ишлатмасанг, яхши ҳамроҳ, дўст бўлади. У ёнингда бўлса, кўнглинг тўқ. Аслида, менинг учун ов бирор ўлжали бўлиш учун эмас, гашт учун. Ҳа, гўшт учун эмас, гашт учун.

Хуллас, газада уйкуга кетдим. Қанча вақт ўтган, билмайман, мени “дев” босди. Турмоқчи бўламан, йўқ, бўлмайди. “Дев” даҳшатли оғирлиги билан устимда... Бир кўлим билан милтиқни қидираман... кўлим унга етмайди... Бирдан... “Калима” қайтариш кераклиги ёдимга тушди, шекилли... “Калима” қайтара бошладим. О, Худойим, “дев” устимдан кўтарилди... Нафас олдим, жуда енгил нафас олдим... терга ботиб кетган таним қандайдир оромижонликка ўтди. Даст турдим, тағин чуқур-чуқур нафас олдим. Милтиққа ёпишдим. Уни олдим осмонга қарата ўқ уздим. Тоғ гумбуради. Амаким ва Олтибой ҳовлиқиб етиб келишди. Уларга нима бўлганлигини айтиб бердим. Ҳа, деди, Тиловқобил ака, тоғларнинг деви бўлади, ҳар қалай, ота-боболаримиз шундай, деб келишган.

Яхшиям “Калима”ни эсингдан чиқармаган экансан. “Калима” кучли дуо... дуода гап кўп. Бошимдан ўтган, мени ҳам босган. Ухлаб қолма, дейиш эсимдан чиқибди.

Кўнглимиз озди. Нонушта қилиб олмоқчи бўлдик ва камар бошидаги Бошбулоққа кетдик. Булоқ қайнаб чиқяпти. Ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичдик. Олтибой белидаги белбоғни ечиб, ундан нон олди, сувга ботириб едик. Оҳ, бу ноннинг ширинлигини...

Ногаҳон ўқ қарсиллади. Бешбармоқота қоялари тарафдан... Жим бўлиб қолдик. “Ўқ тегмади”, – деди, Тиловқобил ака, “овчилар бор экан-да”... “Ўқ тегмаганини қандай билдингиз?”, – дедим акамга. “Овозиданда, – деди акам кулиб, – милтиқ овозининг фарқини ажратолмайдиган кишидан овчи чиқмайди”, – деб қўшиб қўйди у.

Тепа томонимиз потирлаб қолди. Қай кўз билан кўрайликки, бир кўзичоқли алқор совлиғи биз томонга



жон ҳолатда чошиб келарди. Акам зум ўтмай милтигини қўлга олди. Совлиқни нишонга олди. “Отманг! – деб бақириб юбордим беихтиёр, – отманг!”

Акам отмади. Она-бола алқор бизни кўрдию йўлини чап қияликка бурди... Енгил нафас олдим. “Раҳмат, ака, раҳмат...”, дедим ўзим ҳам нима деётганлигимни ярим англаб-англамай. Олтибой менга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

Бу олис йиллардаги бобом Мулла Суюн сабоқларининг хулосалари эди.

## ОДАМ БЎЛМИШ

Накурт қишлоғидан қирчиллама ёшли бир мулла йигит йўрға эшагини халалаб, Қоратоғни ошиб Можрим қишлоғига ўтди. Ошноларини зиёрат этиб, кўп сийлиқлар кўриб, келган йўлидан ортга қайтди.

Қоратоғда ноёб жонивор – алқорлар яшайди. Алқор гўшти жуда ширин, танқис. Улар доим бетавфиқ овчилар нишонда. Хуллас, салласини силлик ўраган йигит Қоратоғ белига чиққанида бир бўйдор аччиқ бодом дарахтининг чайир айри шоҳига етти-саккиз ёшли қўчқор алқор шоҳи кириб, ўралиб қолганини кўрди. Ёнига борди. Бир-икки силкиниб, депсиниб икки қайирма шоҳни айридан ажратмоқни жон ҳолатда истаган бе-нажот шўрлик алқор ниҳоят чиройли кўзларини мулла йигитга тикишдан ўзга чора тополмади. Кўзларида ўлим даҳшати. Вужудида сарҳадсиз титроқ. Мулланинг нияти бузилди, нияти бузуқ чиқди. Алқор гўштининг танқислигини у ҳам билади, ахир. О, аммо милтиқ йўқ, пичоқ йўқ, халачўп билан эса алқорни сўйиб бўлмайди.

Чорасизлик чора ахтаради. Эшак айили... ва қуюшқони бор-ку... Мулла йигит уларни бир-бирига улаб, қўлбола арқон ясади. Эшагини бир тепиб ҳайдаб юборди. Уйни ўзи топиб боради. Арқоннинг бир учи билан алқорни бўйнидан боғлади. Иккинчи учини эса белига боғлади. Тамом! Алқорни етаклаб кетади. У алқор шоҳларини бодом шоҳлари айрисидан ажратди. Алқор... бир зарб билан бир қўлч қўкка сакраб, ўй-хаёл тезлигида ўзини қияликка олди. Мулла йигит ағанаб тушди. Белидан қўлбола арқонни ечишга улгурмади. Тоғу тошлар садо берди. Чўққидаги бургут бамисоли учиб елаётган алқорга, унинг ёнида тошдан тошларга урилиб, судралиб кетаётган одам бўлмишга ҳайратда тикилиб қолди...

## БЎРИ БОЛАСИ

Бўри боласи бўри, илон боласи илон...

Менглибой бобо бойсунлик галамерган тўдасидан. Ҳақиқатан ҳам ота-боболарининг кўпчилиги овчилик билан шуғулланарди. Улар Ҳисор ва Боботоғда ов қилишарди. Бу тоғларда кийикнинг марол аталмиш тури, алқорлар, какликлар кўп. Ҳатто какликнинг ноёб хили – ҳилол каклик ҳам шу тоғларнинг энг юксакликларини эгаллаган. О, бўриларни айтмайсизми? Қаерда емак-емиш мўл бўлса, улар ўша ерда ҳозир нозир.

Катта урушдан эсон-омон қайтиб келган Менглибой овга ружу қўйди. Эртаю кеч оёғи тоғда. Кунлардан бир кун она бўрини отиб олди. Унинг болалари бор экан. Бир нарини уйга олиб келиб боқа бошлади. Боққанда ҳам ҳеч бир нарсага зориқтирмай боқди. Кийик, алқор, каклик гўшти билан меҳрибонлик қилди. Бир сўз билан айтганда, меҳр берди. Ошна тутинди. Ит каби эргаштириб, овларга чиқиб юрди.

Кунлардан бир кун навбатдаги овга чиқишди. Лекин бугун Менглибойнинг ови бароридан келмади. Алқорлару кийиклар юқорилаб кетган эди. Тўрт-бешта каклик отиб, жилдираб оқиб ётган жилға бўйидаги туғдона дарахтининг тагини қўналға тутди. Жилғадан чоғроқ ҳовузча ясади. Тонг-саҳарда ов қилмоқчи бўлди. Қуруқ шох-шаббалардан ўтин тўплади. Тоғ туни совуқ бўлади, гарчи ёз бўлса-да этни жунжиктиради. Оловни гуриллатиб юборди. О, тоғ дарахтларининг чўғи... жоннинг ҳузур. Какликлар гўштини ирғай шоҳларидан ясалган қўлбола сихларга ўтказди. Оромижон чўғда тоблаб-пишириб еди, роҳатланди. Албатта, бўри боласини – ошнасини ҳам унутмади. Каклик гўштидек мазали таом билан сийлади.

Алла маҳал бўлиб қолди. Ухламоқ керак. Барвақт туради. Ўриндиқ солди. Қайроқтошлардан ёстиқ ясаб олди. Милтигини ёнига қўйди. Ётиб, чакмонини ойқара ёпинди. Ногаҳон Менглибойнинг кўзлари нимадан безовталанаётган бўри боласининг кўзларига тушиб қолди. Ҳа, бўри боласи қандайдир безовта эди. Кўзлари қизарган. Беихтиёр отаси раҳматлининг “лоп” этиб “...бўри боласи бўри, илон боласи илон” деган гаплари ёдига тушди. У отаси гапларини бир синовдан ўтказмоқчи бўлди. Бу ҳам бир гап-да.

Менглибой ўзини уйқуга солди. Лекин чакмон остидан нигоҳлари ёнидан сал нарида ётган бўри боласидан узилмади.

О, бўри! Бўри! У Менглибойга бир қараб олди-да, силкиниб ўрнидан турди. Жилға томон йўналди. Жилғадаги боя Менглибой ясаб қўйган ҳовузчага ағанади, бир-икки думалади-да, ҳамма жойини сувҳўл қилди. Орқасига қайтиб, бозиллаб турган чўғлар устига силкинди. Бу ҳолат иккинчи бор такрорланди. Овчининг ҳайрати ошди. Нима қилмоқчи у? Учинчи бор бўри боласи жилға ёққа кетганда, апил-тапил ўрнидан турди. Чакмон остига тошларни, бир-икки тарашани, худди ўзи ётгандай қилиб тахлади ва милтигини олиб, дарахтга чиқиб, жойлашиб олди. Бўри боласи қайтиб келиб, тагин чала ўчинқираган чўғлар устида силкинди. Чўғлар ҳали ўчмаган, чала ёнаётган тараша буриқсираб тутарди. Бўри боласи яна жилға томон кетди... келди... ниҳоят, ўт батамом ўчди!

О, бўри! Бўри... ўзини чакмон устига зарб билан олди! Чакмонни ғажиб ташлади.

Менглибой ҳаммасини кўрди, тушунди ва... қўшоғиз милтиқдан отилган икки ўқ тун сукунатини бузди!

Бўри боласи бўри, илон боласи илон, деганлари ҳаққост-рост бўлиб чиқди!





## ИЖОДКОР – ЛОКОМОТИВ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ



1. Ўзни англаш дегани нима?
2. Бахт деганда нимани тушунасиз?
3. Истеъдод ва имконият: қай бири муҳим?
4. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?
5. Ёзганларингизнинг ҳаммаси ростми?

1. Бир қарашда, жуда олифта савол бу. Сийқаси ҳам чиқиб кетган. Лекин унда не сабабдан бу савол доимо долзарб бўлиб қолаверади?! Чунки баъзан жавобни билишнинг ўзигина кифоя эмас, уни яшаб ҳам ўта билмоқ даркор ва ўша яшашгина жавобнинг тўғри-нотўғрилигини белгилаб беради.

Билган, лекин амал қилмаган одамнинг илми ҳақиқат эмас деб ўйлайман. Ҳақиқатни билиш уни англашни ҳам билдирмайди. Билиш бу – нусха кўчириш. Англаш – жараённинг ичида бўлиш ёинки жараёни ичинга олиб киришдир. Демак, ўзни англаш ҳақидаги назарияларнинг яшалмай қолганлари мутлақо ёлғон. Яшалгани эса битта. Ҳар қанча жўн туюлмасин, ўзни англамоқ ўз ўрнини англамоқдир. Келган еринг, юрар йўлинг ва борар жойинг жам бўлган бир манзилдадирсан. Ўзингни шу манзилда кўра олмоғинг – кимлигинг ва қаердан эканлигингни унутмасдан, кимга ва қаерга боришинг (қайтишинг)ни билган ҳолда тўғри йўлдан юриш – ўзни англаш деганидир.

Албатта, кимгадир бу қадар жўнлик ёқмаслиги мумкин. Аммо ўзлигини мана шундай жўн англашга мувофиқ яшашда жами улуғворликлар, баланд-парвозликлар, жимжималар мужассамдек туюлади менга.

2. Альбер Камюнинг “Бегона” деган асарини биласиз. Асарнинг бош қаҳрамонини осийга ҳукм

қиладилар. Тонгда осилиши керак бўлган одам чексиз бахт ҳиссини туяди. Нимадан? Қандай? У тун сокинлигида ўзи осиладиган дорни қуриш жараёнидаги такур-туқурларни эшитиш бахт(!)ига мушарраф бўлади. Бу инсоннинг бахтли бўлиши учун қанчалик кам нарса керак эканлигига, одамзоднинг бахти қанчалар шартли эканлигига бир мисолдир. Аммо бу бахтмикан? Эрих Фромминг бир фикрини кўп такрорлаб тураман. Маъноси қуйидагича: “Инсоният ғалати-да, ўзи ясаб олган машинанинг жимитдекки-на эҳтиёт қисмига ҳам ном қўйиб олган-у, миллион тусда товланадиган муҳаббат деган ҳисни биттагина ном билан атайверади”. Бахт ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Оний қониқишлар, ўткинчи лаззатлар, нафснинг хузурларини бахт билан адаштирмаслик лозим. Уларнинг ҳар бирига ном топиб қўйиш даркордир, балки?!

Одамларга бахтли бўлишни ўргатишга ҳам зарурат бор десам, нима дейсиз?! Фақат бировларга азоб етказиб бахт ҳиссини туядиганлар бор. Аксинча, кимлар учундир азобланишдан ортиқроқ бахт йўқ. Бировнинг бошига тушган кулфатдан тепакалин булут билан беркитадиганлар қанча. Ҳеч эътибор берганмисиз, жамият пароканда бўлганда, ўтиш даврларида кўплаб ҳис ва қадриятлар мажруҳлашади. Мурғаклар ва ожизаларнинг жонини олишдан бахт туядиган Чикатиллар урчий бошлайди. Ҳаммаси бахт ҳисси тарбиясининг узилиб қолишидан эмасмикан?! Балки бунақа эмасдир. Аммо бахтли бўлишни эплай олмоқ зарур. Худди ибодатдан ёки, олайлик, симфоник оркестр ижросидан лаззатланишни эплай олгандек.

Булар шунчаки мушоҳадалар. Агар фикрлашга эринмаганимизда туяётган “бахт”ларимизнинг ҳар бирига алоҳида ном топиб қўярдик-да, том маънода-

### Санжар НАЗАР

1974 йил Қашқадарё вилоятида туғилган. ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Идеал жамият – мажнунлар жамияти”, “Унутилган “мен”нинг исёни”, “Имкон исканжасидаги исён”, “Миллатга таҳдид”, “Мафкуравий зидди заҳар” каби илмий ва публицистик мақолалар муаллифи. Ҳозирда “Akadempashr” нашриёти Бош директори лавозимида фаолият юритмоқда.

ги саодат деб ўзни англамоқ ва англаганимиз каби яшаб ўтмоқ, алал оқибат бу яшашнинг мукофотига эришмоқни айтардик.

**3.** Кимсасиз оролга иккита одам икки хил замонда тушиб қолган бўлсин. Имкониятлари бир хил. Истеъдодлиси яшаб кетишининг, нари борса яхшироқ яшашининг эҳтимоли юқорироқ.

Кимсасиз оролга иккита одам икки хил замонда тушиб қолган бўлсин. Ҳеч қандай имконияти йўқ, фақат тош ва қумдан, шўр сувдан иборат орол бўлсин. Истеъдодидан қатъи назар, иккаласининг ҳам холига вой.

Муҳими, истеъдодли одамга имконият яратиб беришдир. У кейин истеъдодсизларга имконият яратиб бераверади.

Лекин истеъдодлилар жуда ёқимсиз бўлишлари бор гап. Осойиш дунёингга ўз оламлари билан бостириб келишади. Ишлаб турган машинангни тузашга уринишади. Тик турганни ётқизиб кўришади, оқимга қарши сузмоқчи бўлишади, ҳақиқат тошини излашдан тўхташмайди. Хуллас, тинчгина ухлашга кўйишмайди, уйғотаман деб турткилайверишади.

Истеъдодсизлар эса тескариси. Их деб, хала ниқтаб хоҳлаган томонингга йўрғалатаверасан уларни. Тинчингни бузишмайди, уйқунгни хурраклари билан қувватлаб туришади. Бошига олма тугул тарвуз отсанг ҳам “эврика” деб кўйишмайди. Шунинг учун одатда имкониятни уларга берамиз. Одамлар эса “истеъдод муҳимми, имкониятми” – билолмай қийналиб юришади.

**4.** Ҳозир “санъаткор” деса яллаци, нағмакаш, “ижодкор” деса ёзувчи, қаламкаш назарда тутила-

диган бўлиб қолди. Аслида, кимёгар, иқтисодчи ёки муҳандиснинг зўрлари ҳам ижодкор, санъаткор бўлишади. Хуллас, қаламкашларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида сўраяпсиз-да, а? Бундан бирон йиллар олдин: “Шубҳасиз, жамиятнинг ардоғида бўлмоқлари лозим ва лобиддурур”, – деб жавоб берган бўлардим. Яқин-яқинлардан фикрим ўзгара бошлади. Менимча, бизда зиёлилар (ўзим ҳам уларнинг орасида бўлсам керак), айниқса, “ижодкорлар” миллатнинг локомотиви бўлгулик қувватга эга эмас. Бунинг сабаблари жуда кўп ва улар ушбу ҳолат учун бевосита “айбдор” ҳам эмаслар. Мен бу ҳақда бир таҳлилий “нимарса” қоралаш хаёлида юрибман. Саволга қайтсак, шўро жамиятида ижодкорнинг ўрни жуда баланд эди. Чунки улар мафкуравий қурол эдилар. Жамиятнинг бундай қуролга эҳтиёжи баланд бўлганидан ўрин ҳам баланд эди. Орамизда у даврларни қўмсаганлар ҳам учраб туради.

Ҳозир қандай бўлиши керак? Узунасига ўлчанганда ижодкор жамиятдан олдинда бўлмоғи лозим, жамиятни ортидан эргаштирмоғи, маёқ бўлмоғи, локомотивлик қилмоғи даркор. Ана ўшанда тиккасига бўйланганда ўрни жамиятнинг энг тепасида бўлади.

**5.** Мен журналингиз қачон чиқишини билмайманда. Агар эртага чиқса, ҳаммаси рост дердим. Бир ойдан кейинга кафолат беролмайман. Ҳақиқатлари тафтиш қилинмайдиган одамнинг устидан тупроқ тортиб юборса ҳам бўлаверади. Бироқ айрим ҳақиқатлар мутлақо тафтиш қилинмайди, ўшалари рост. У ҳақиқатлар менга тааллуқли эмас, мен уларга тааллуқлидирман.



### *Кения макқоли*

\* *Бир ёлгон қанчалик тезкор бўлса бўлсин, ҳақиқат уни ортда қолдиради.*

### *Венгер макқоли*

\* *Шутқунлик тузган жойда бахтиёрлик бошланади.*

### *Амайка макқоли*

\* *Кичик фойдалар бойлик келтиради.*





## Юриб кетмакдаман тақдир оралаб

\* \* \*

Мен – сайёҳ,  
Мен – қўрқоқ, девона сайёҳ.  
Яна йўлга чиқдим бахтимни излаб.  
Хатардир,  
хатардир,  
хатар ҳамма ёқ,  
Қай йўлдан юрай  
қай манзилни кўзлаб?

Мана, сон-саноқсиз дордир  
сочларинг,  
Ҳар қадамда таъқиб этмоқда ўлим.  
Хавф ошди,  
юряпман манглайинг сари,  
Қарашга қўрқаман:  
ким ёзилган? Ким?!

Кўз юмиб ўтдим ва  
келдим қошинга,  
Дарҳол сергак тортди  
икки камонинг.  
Ҳатлаб кипригинга тушдим,  
бағримга  
санчилмоқда  
сон-саноқсиз пайконинг.

Энди кўзларингга қочайми?  
Кошки,



Уларда сирпаниб,  
йиқилиб ўлсам.  
Энг хатарли йўлдир  
сенинг кўзларинг,  
Қандай чидай  
унда ўз ҳолим кўрсам?!

\* \* \*

Кўйиб юбор вақтнинг ёқасин,  
Сен ҳаводан симиргин тўйиб.  
Юрагинга ёқсин-ёқмасин  
Фаслларни ол тезроқ тўйиб.

Кўзларингни юмиб ёдлаб ол  
Куёш нурларининг жарангин.  
Очиқ кўзларинг-ла ёдлайқол  
Кун ва туннинг, ҳаётнинг рангин.

Мендан пинҳон ҳамда нопинҳон  
Ўйларингни сургин дасталаб.  
Совиб олгин ҳали бор имкон,  
Ёнгин юрагинга ўт қалаб.

Қаттиқроқ қуч қочганим сари,  
Токи кетолмайин умрбод.  
Мендан кейин тугайди бари,  
Мендан кейин тўхтайдди ҳаёт!



\* \* \*

Кўйинг, яшаб олай озгина,  
Кўйинг, бироз адашиб олай.  
Лайча эмас, бўри-одамман,  
Кўлболага айланиб қолмай.

Мен ўзимни ўз иродамга  
Кўйинг, бир бор бахшида этай.  
Шамол йўлин тўсайин тонгда  
Ё қўшилиб улоқиб кетай.

Гарчи сизга юмуш уззукун –  
Фош қилиш ва огоҳ этиш – бахт.  
Не истасам қила олиш-чун  
Мен исташни ўрганишим шарт.

Ёниб турсин бўғзимда бир сас,  
Улуғ нафрат билан севайин.  
Сувга эмас, дунёга эмас,  
Ўт-оловга ташина бўлайин.

Кўйинг, ҳаққим бордир-ку ахир  
Бир бор бахтсиз бўлиб кўрмоққа.  
Кўйинг, бир бор очайин багир,  
Кўйинг бахтдан ўлиб кўрмоққа!

\* \* \*

Юрагимни таҳрир қиламан,  
Ўчираман ундан  
исмингни.  
Тагин ўчираман  
у билан бирга  
Согинчдек ортиқча ҳиссимни.

Бир-бирига қовушмай ҳислар  
тентирайди  
узук, бемантиқ.  
Сени эслатгувчи  
нимаики бор,  
Ўчиришига тушаман қаттиқ.

Оққа кўчираман  
бўм-бўш юракни...

\* \* \*

Бошқача бўларди  
сен келганингда:

Уйғониб  
ширин ўнг кўрардик,



Ором олар эдик  
дилгир тушлардан.  
Умрбод  
қизганиб олиб юрардик  
Ўнгимизни  
оқар сувлардан,  
учар қушлардан.

Унутиб қўярдик  
кимлигимизни –  
Дур каби чўкардик  
дил сатҳимизга.  
Ҳовучлаб ўйнарди  
дур кўнглимизни  
Биз исмини билмаган  
сезги.

Ҳалол деб суярдик  
гуноҳимиз ҳам,  
Емак тутар эдик  
оч туйғумизга.  
Бизники бўларди  
бу телба олам,  
Бизники бўларди  
бир юрак севги.

Сўнг қандай яшашни  
ўйлама эди,  
Асло кузатмасдик  
бу тансиқ бахтни.  
Ўзгармасин дея  
таъми ва ҳиди,  
Музлатиб қўярдик  
хотирда вақтни.

Бошқача бўларди  
гар келганингда,  
Бироқ...  
бошқачадир келмаганинг ҳам...

\* \* \*

Юриб кетмакдаман  
тақдир оралаб,  
Кечиб ўтмакдаман  
хоҳ сув, хоҳ гирдоб.  
Ҳали олдиндадир  
ҳамма-ҳаммаси,  
Ҳали бу –  
ҳаётнинг қораламаси.

Гар тўлиб қолмаса  
умр дафтарим,  
Сиёҳи битмаса агар  
дил қаърин,  
Чиқиб кетмасам гар  
мен ўз ёдимдан,  
Битта софлик қолса  
шу ҳаётимдан,

Ўшанда  
умримга бергайман сайқал,  
Қолмагай бирор гард ё  
тугун, чигал.  
Кирчин ёзуқларни бўяб  
шошмасдан  
Росмана ҳаётни  
кечиргум бошдан.

Ҳали олдиндадир  
ҳамма-ҳаммаси,  
Ҳали бу –  
ҳаётнинг қораламаси...

\* \* \*

Умрим ўтмоқда.  
Жийданинг тагидан  
ўтмоқда у –  
Гандираклаб,  
сармаст тўлғониб.  
Боқар,  
Ҳаёт солади гулу,  
Юраклари  
кетмоқда ёниб.

У на соғдир,  
на телба ошиқ,  
Маккор Ҳаёт  
солар ҳар кўйга.  
Ўтмай деса,  
тўхтовчи он йўқ,  
Ўтиб борар,  
ҳар тараф жийда.

Кулманг,  
фасллар бор олдинда.



Туғаб қолмаса гар  
манзиллар,  
Умрим текис ўтар  
келганда  
жийдалари гулсиз  
фасллар.

\* \* \*

Келдим, капалакман,  
уйгон, қозозгул,  
Табассуминг кўрсат,  
сочгил ифоринг.  
Офтобни қулдиргин,  
шамолни чақир,  
Сенга олиб келдим  
севган баҳоринг.

Ҳалиям  
баҳорда яшайман мен,  
Ҳу-ув ўша баҳорда,  
ҳу-ув ўша кунда.  
Умрим менинг бир кун –  
фақат ўша кун,  
Тирил, ҳой,  
умримни келтирдим сенга!

\* \* \*

Кўнглим оғрияпти,  
иситмаси бор,  
Босриқиб,  
алаҳлаб ётибди.  
Музлаган  
нафас ва нигоҳнинг  
Эпкинидан  
ўтдай ёнибди.

Тескари дунёдай  
терсдир бу кўнгил,  
Топиб бергин  
унинг дорисин.  
Кел, бир илиқ сўз айт,  
табибим,  
Бир ёниб қарагин,  
совисин.



Наср  
Наср Наср Наср  
Наср

Луқмон БЎРИХОН



# АЁЛ КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ

Саргузашт қисса



Луқмон БЎРИХОН

1965 йилда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида таваллуд топган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. “Жазирамадаги одамлар”, “Темирйўл”, “Хизр кўрган йигит” каби қатор роман, қисса ва ҳикоялар муаллифи.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Кўп қаватли уйлардан бирининг йўлагидан отилиб чиққан Латиф гўё қаён юришини билмагандай бир зум жонсарак туриб қолди. Теварак тун чодрасига бурканган. Баланд-паст симёғочлардаги чироқлар қизғиш-сарғиш ёғдулар сочиб, уйлар атрофини, кўча-кўйни хира ёритади.

Латиф қатнов анча сийраклашган йўл ёқаси томон илдам қадамлади. Худо хоҳласа, у бу йил кузнинг ўрталарида роппа-роса ўттиз икки ёшга тўлади. Лекин афт-ангори хануз йигирмани қаршилаётган бўз боланикидай: уста сартарошнинг нақ бир соат тинкасини қуритган жингилтоб, қуюқ сочлари энг сўнги урфда пардозланган, эғнидаги энги калта кўйлагию оёғидаги бигизбурун туфлисигача замона зайлини нозик ҳис қиладиган ёш-ялангбоп. Бунақа пардоз-андозли йигитларни оддийгина қилиб – олифта деб аташади. Айниқса, қишлоқ одамлари бундай нусхаларни кўришганида гижиниб, тескари қарашади. Латиф бу хил муомаллага кўп дуч келган. Лекин парво қилмай, мийиғида илжайиб кўйган.

Латиф кўчада туриб, физ-физ елиб ўтаётган машиналарга қўл силкитиб, бирортасини тўхтатиш ҳаракатига тушди. Ниҳоят эскигина бир “Жигули” оҳиста келиб, унинг ёнида тўхтади.

– Ака, вокзалга, – деди Латиф, машина эшигини қия очиб.

Ўрта яшар, хумкалла ҳайдовчи бир зум йўланиб тургач, бош ирғади.

– Ўтиринг.

Латиф шоша-пиша орқа ўриндиққа ўзини ташлади. Кўркам, бежирим йўлқопини ёнига кўйди.

– Анча кеч чиқибсиз, ука, йўл бўлсин? – деб сўради ҳайдовчи, машинани елдириб кетар экан.

– Давлат ишини биласиз-ку, командировка, – деб кўйди Латиф одатдагидек ўзини ўта жиддий ва муҳим одам кўрсатишга тиришаркан, – Фарғара поездига улгуриш керак.

– Хўп, хўп.

Латиф етти йилча аввал университетни тамомлаб, машхурдан-машхур журналист бўлиш илинжида шаҳарда қолди. Қалами ўткир бўлмаса-да, ҳарнечук сўзга чечан, тили ўткиргина эди. Хушомадни, сийловни қотирарди. Шунинг шарофатидан анча йиллар гоҳ у, гоҳ бу газета таҳририятида ишлаб юрди. Қотган қон тусидаги гувоҳномасини пеш қилиб бировларни авради, бировларни кўрқитди. Ишқилиб, тирикчилиги ёмон кечмади. Ҳатто, роппа-роса бир йил аввал нуфузи баланд газета таҳририятига ишга ўтиб олди.

Латиф ҳозир чиндан ҳам Фарғарага отланган эди. Лекин ўзи писанда қилгандек “командировка”га эмас. Беш яшар қизчаси – Шайдони олиб келиши керак. Уни бир ҳафтача аввал Фарғарада яшайдиган катта хола-си олиб кетганди. Афтидан, қизалоқ йиғлаб хархаша қилган бўлса керак, кеча уйга кўнғироқ қилиб, тезроқ Шайдони олиб кетинглар, дейишибди. Хотини Амира бугун саҳармардондан инжиқлик қилиб туриб олди. “Ҳозир отпускадасиз, тезроқ Шайдомни олиб келиб беринг”, – деди ҳатто кўзига ёш олиб. Латиф ниҳоят кечки поездга ўтиришга ваъда бериб Амირани овутиди.

Амира сарвқомат, гўзал жувон. Ўқувчилик даврларида рақс мактабига қатнаб, гимнастика билан астойдил шуғуллангани учунми, ҳарқалай, эрга тегиб, бир фарзандли бўлгандан кейин ҳам қадди-қомати ўзгариб,

тўлишиб-буришиб кетмади. Аксинча, чиройига чирой кўшилиб, барқ уриб яшнади. Устига устак, тадбиркор, ширинсўзлигини айтмайсизми? Болалар ўйинчоғи савдоси билан шуғулланади. Чегара яқинидаги шаҳарчадан улгуржи олиб келиб, Отчопар бозорида ўтириб савдо қиладиганларга улгуржи топширади. Ҳарнечук, топиш-тутиши чакки эмас. Рўзғорга сиздан кўпроқ нафим тегяпти, деб баъзан эрига иддао ҳам қилиб кўяди. Латиф минғирлаб-минғирлаб қаршилик кўрсатишга уринадию, лекин охир-оқибат таслим бўлади. Амира ҳам ортиқча гап кўзгаб, ўлганнинг устига чиқиб тепадиганлардан эмас. Эрини мағлуб этгач, шўх табассум билан унинг пинжига суқилади. Шу-шу олам гулистон, Латиф ҳам аччиқ-гинани дарров унутиб ёгдай эриб кетади. Шундай муросою мадора сабаблими, ҳарнечук, уларнинг турмуши илиққина кечмоқда. Кичкинагина, бир хоналик бўлса-да, ҳарнечук бошпаналари бор. Жажжи қизалоқлари – Шайдога термулиб диллари яйрайди. Бир-бирларига мамнун-мамнун термулишади.

Амира гоҳо Латиф узоқроқ сафарга кетса, уй хувиллаб қолганини сезади. Ҳатто, чинакамига соғина бошлади.

Мана, ҳозир ҳам қизи Шайдони холасиникидан олиб келиш учун эрини жўнатди-ю, бирдан дилгир бўлиб қолди.

Гоҳ хонада, гоҳ ошхонада бемақсад тентида. Сўнг телевизорни ёқиб, бир зум паришон термулиб турди. Лекин негадир дили ғаш бўлаверди.

“Энди ётиб дам ола қолай” деб хаёлидан ўтказди у, телевизорни қайта ўчиради экан.

Амира курсидан оғир кўзгалди. Шу пайт йўлакдаги уй телефони устма-уст жиринглаб юборди. Жувон, бемаҳалда ким бўлди экан, деган хаёлда телефон аппаратига бир зум тикилиб тургач, оҳиста гўшакни кўтарди.

– Алло, эшитаман.

– Ассалому алайкум, – деб нариги тарафдан дўриллаган эркак овози салом берди, сўнг алиқни ҳам кутмай, шоша-пиша давом этди. – Сиз Амирахонмисиз?

– Ҳа, мен...

– Кечирасиз, бемаҳалда безовта қилдим, Ғаниман.

Амира тузуккина эшитиб турган бўлса-да, андак ҳадик, андак таажжуб оғушида беихтиёр қайта сўради: – Ким?

– Ғаниман, ўтган кун эрталаб Ҳалимаҳоннинг дўконидан учрашган эдик-ку.

Амиранинг кўз олдидан калтабақай, семиз ва тепакал, қирқ ёшлар теварагидаги нусха лоп этиб жонланди. Чиндан ҳам жувон уни Ҳалимаҳоннинг дўконидан учратган эди. Ғани қадимий бир тилла билагузукни сотиш илинжида юрган экан. Тилла буюмни кўриб, ҳамма аёллар сингари Амირанинг ҳам кўнгли суст кетди. Гарчанд Ғани билагузукни анча арзон нархлаб турган бўлса-да, бироқ Амირанинг уни сотиб олишга барибир пули йўқ эди. Шунинг учун билагузукни обдон томоша қилгач “ҳозирча керакмас”, деган мужмал жавоб билан эгасига тутқазди. Ғани минг бир тавалло қилди, ҳатто, нархни тағин бироз пасайтирди. Охири Амира “эрта-индин гаплашамиз” дея аранг қутулдию, ўзича наридан-бери уй телефони рақамини ҳам ёзиб берган бўлди.

“Агар пулингиз бўлса, сира иккиланманг”, – дея пишанг берди Ҳалимаҳон ҳам Ғани дўкондан чиқиб



кетгач, – жойини топсангиз, сўнг беш баробарига пул-лайсиз”.

Амира мийиғида жилмайиб кўйди. Чунки Ҳалима-машоннинг маслаҳатисиз ҳам, агар билгузук кўлига тушса, нима қилишини у жуда яхши биларди.

Ўша учрашув, ўша савдо, бошқа ташвишларга чалғибми, Амиранинг ёдидан кўтарилган экан. Ҳозир туйқусдан бўлган кўнғироқ...

– Ҳа, сизни эсладим, – деди жувон дарҳол хушёр тортиб.

– Ҳалиги нарсани ҳали сотганимча йўқ, – деди Ғани пихиллаб, – эрта-индин гаплашамиз дегандин-гиз, шунга безовта қиялман...

Амира эркак овозига қулоқ солиб тураркан, кўз ўнгида ўша қадимий билгузук бутун гўзаллиги билан жилваланарди. Аёл ногоҳ илк муҳаббатини учратиб қолган қиздай беихтиёр ҳаяжонлана бошлади. Хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди. Лекин минг афсуски, нақд пул йўқ. Лекин минг афсуски, тилла билгузукни рад этишга куч ҳам, хоҳиш ҳам йўқ. Шунинг учун Амира бутун вужуди билан чора-тадбир излай бошлади. Чора-тадбир излаш баробарида, гўшакка ботинмайгина минғирлади:

– Савил нақд пул йўқ эди-да...

– Балки кўни-кўшнилардан сўраб кўрарсиз, – деди Ғани ҳам ботинқирамай.

Бу маслаҳат жувонга хўп маъқул тушди.

– Яхши, ярим соатлардан кейин тагин кўнғироқ қилиб кўринг.

– Бўпти, – деб тўнғиллади Ғани, гўшакни кўйиб кўяркан.

Амира ҳеч бир кўшнисини безовта қилмоқчи эмасди. У вақтдан ютиб миясида чарх уриб юрган баъзи бир режаларни обдон ўйлаб кўрмоқчи эди, холос.

Аёл қониди макр ва тадбир ҳужайралари қуюндай кўзгалди. У ўриндиқ суюнчиғини оҳиста чертган кўйи хаёлга толди.

Ғанини меҳмон этиш баҳонасида, уни маст қилиб билгузукни ўғирлаб олса-чи? Бирозгина ҳусну жамолини кўз-кўз қилиб, эркакнинг хаёлини ўғирлаб, кўнглини эритса ҳам бўлади. Бир-икки ўптириши мумкин, лекин анақа-анақа ҳаракатларга асло йўл қўймайди. Эрта-индин учрашамиз, деб алдайди, аврайди, хуллас, бир амаллаб тилла билгузукни кўлга киритади.

Амира шахд билан ўрндан турди-да, эгнидаги уй халатини ечди. Кийим жавонидан енг-ёқасиз, этак томони тилим-тилим кўйлагини олиб кийди. Кўнғиртус сочини ёйиб юборди. Кўп ўтмай йўлакдаги кўзгуда оппоқ, бўлиқ кўкраклари, силлиқ сонлари чала-ярим очиқ, қош-кўзлари хумор билан сузилган гўзал жувон пайдо бўлди. Амира ўз қадди-қоматига, ўз малоҳатига ўзи суқланиб қараркан, хийласига Ғани албатта учшига ишонч ҳосил қилди.

Шу пайт телефон яна жиринглаб қолди. Аёлни беихтиёр титроқ босди.

– Алло, эшитаман, – деди у бир амаллаб ҳаяжон ва ҳадигини босаркан.

– Бу, яна мен, Ғаниман, – деди ўша хириллоқ эркак товуши, – нима гап, масала ҳалми?

– Ҳа... келишсак бўлади...

– Унда эрталаб бирор ерда учрашайлик.

Амира бир зум гангиб қолди. Чунки у Ғанининг ҳозир этиб бораман дейишини кутиб турганди. Лекин

қониди кўпираётган макр ва тадбир ҳужайралари яна кўллаб юборди.

– Мен сахарлаб товарга кетишим керак, – деди Амира дарҳол баҳона топиб. – Имконингиз бўлса... Ҳозир учрашайлик...

– Ҳозир?! – телефон эркакнинг таажжуб тўла товушидан титраб кетди.

– Ҳа, уйимга келишингиз мумкин. Адресни ёзиб олинг.

Амира апил-тапил манзилени тушунтирдию, эркакнинг жавобини ҳам кутмасдан гўшакни шарақлатиб кўйиб кўйди.

Айтар гапни айтди-ю, бироқ Амирани яна ваҳима босди. Тўғри қилдими, ё...

Аёл ирғиб туриб беихтиёр у ён-бу ён юра бошлади. Юраги дук-дук урарди. Хаёлида маккорона режасини пишитаркан, гоҳ тошойна ёнида туриб қолар, гоҳ бир нуқтага тикилиб бармоқларини тишлар эди. Туйқус уни ток ургандай бўлди. Ногоҳ кўнғлидан кечган ўйдан аъзои бадани жимирлаб кетди, “Ғани алдовларига учмаса-чи?! Баҳоналарига қулоқ солмай тўшакка судраб қолса-чи?!”

Амира ўзини бегона, семиз эркак кучоғида тасаввур қиларкан, гўё ҳаммасини кимдир кузатиб тургандай уят-номусдан бўғриқиб, афт-ангори қип-қизариб кетди.

“Йўқ, бекор қилдим, ҳозироқ уни тўхтатишим керак”, – дея хаёлан ҳайқирди у, телефон гўшагини шахт билан кўлига оларкан. Бироқ шу аснода Ғанининг телефон рақамини билмаслиги лоп этиб эсига тушдию, аёл бўшашди-қолди. У телефон гўшагини маҳкам сиқимлаган кўйи анча пайт хаёлчан турди. Сўнг чуқур тин олиб ўрндан тураркан, беихтиёр теварақка ўгринча кўз ташлаб кўйди. “Нима бўлса бўлар... бир амаллаб тилла билгузукка эгалик қилсам бўлди-да...”

Амира қарахт бир аҳволда дастурхон тузатишга киришди.

\* \* \*

Латиф киракаш билан ҳисоб-китоб қилгач, ичу таши чароғон вокзал биниси томон юраркан, уни ҳожатбарорлар дувва ўрашди.

– Йўл бўлсин, ака?

– Билет излаб кассага бориб юрманг, ака. Ўзимиз проводник билан гаплашиб, вагонга чиқариб юборамиз. Билетнинг ярим пули ёнингизда қолади.

– Юқларингизга ҳам қарашворамиз, ака. Сиз ташвиш чекманг.

Латиф сон-саноксиз илтифотларга беътибор вокзал ичкарасига кирди. Ичкарида одам сийрак. Бир-икки йўловчи ўриндиқлар устида ғужанак тортиб, мизғияпти.

Йигит маълумотхона туйнугидан бош суқди.

– Кечирасиз, синглим. Фарғаранинг поезди нечанчи йўлдан жўнайди?

Маълумотхонада ўтирган кулча юз, жиддий қиёфали аёл йигитга лоқайд кўз ташлаб олди.

– Фарғара поезди жўнаб кетганига бир соатдан ошди-ю.

– Ия?! Қанақасига?!

– Шунақасига, графиклар ўзгарган.

– Об-бо, – деб пўнғиллади Латиф. – Унда нима қиламан-а?

– Шунинг учун олдиндан билет буюриб қўйиш керак. Бунақа овора бўлмасдингиз.

Латиф бўшаганича маълумотхона деворига суяниб қолди.

\* \* \*

Ғани бир пайтлар оқ кўнгил, очиқ кўл инсон эди. Номдор бир қурилиш ташкилотидан прораб бўлиб ишларди. Уни ичкилик ва қимор йўлдан урди. Молу давлати соврилди. Мактабда муаллима бўлиб ишлайдиган хотини икки фарзандини қўлтиқлаб отаюрти Қўқонга кетиб қолди. Ғани уларни йўқлаб бормади. Ҳали ўзлари излаб, остонамга бош уриб қайтишади деган такаббур хаёл билан ўзини овутди. Бу орада касби-коридан ҳам айрилиб кўчада қолди. Олиб-сотарлик, даллоллик билан шуғулланиб кун кечирди. Мўмайроқ даромад қилган кунлари одатдагидек қиморхонада кўкарди. Яратганининг раҳми келибми, ё бошқа сиру синоат рўй берибми, Ғанининг қиморда кўли баланд келиб, уйига уюм-уюм пул билан қайтган чоғлари ҳам кўп бўлган. Шундай пайтлари у ҳам орзу-ҳавасларга бериларди. Ҳаётга, келажакка қизиқиши ортарди. Қўйни-кўнжи ақчага тўлиб юрган ажойиб кунларнинг бирида у яна қайта уйланиб ҳам олди. Бу хотини билан аввал бошида турмушлари яхши кечди. Лекин ширин ҳаёт узок чўзилмади. Муҳаббат ўрнини нафрат, ҳарорат ўрнини совуқлик эгаллади. Ҳамма-ҳаммасига яна ичкилик ва қимор сабабчи бўлди.

Ғани ғирт шалоғи чиққан, эски “Москвич”ни ғингшитганича Амира айтган манзил томон бураркан, негадир шулар ҳақида ўйлаб кетди. Негадир аччиқ ва ачинарли қисмати бир-бир кўз олдидан ўта бошлади. Бу ҳолдан унинг ўзи ҳам ҳайрон бўлди, кўнгли ғашланди. Одатда иши юришмаган ё қиморда ютказган кезлари шундай маҳзун хаёлларга бериларди. Ҳатто, тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Ҳозир-чи? Ҳозир димоғи чоғ бўлиши керак-ку?! Ахир, кўз тегмасин, сўнгги икки-уч ҳафта ичида ишлари юришяпти! Ўтган якшанба кунини бир ўғриваччадан сувтекинган мана бу тилла билагузукни сотиб олди. Энди кўзлаган нархига қайта пулласса борми, кўзи ҳам, кўнгли ҳам яйрайдиган фойда қилади. Буниси-ку ҳолва! Уч кун аввал Абрай лочин уни чақиртириб қолди. Ёнида сап-сарик, кўзлари кўм-кўк, тақирбош икки нотаниш йигит ўтирган экан.

“Буларга қорадори керак, асл мўмиёсидан, топиб бера оласанми?” – деди Абрай лочин одатига кўра гапни лўнда қилиб.

Ғани дабдурустан нима деярини билмай чайқалди. Бир меҳмонларга, бир Абрай лочинга кўз ташлади.

“Ҳаракат қиламан”.

“Ҳаракат қилма, топ”, – деди Абрай лочин эътирозга ўрин қолдирмай, – топсанг, қимордаги қарзингдан қутулсан”.

Ғани хужрадан шиллиқ қуртдай сирғалиб чиқаркан, ҳам қувончдан, ҳам таажжубдан юраги ҳапқирарди. Қувонганига сабаб шулки, ўша мўмиёни топиш унга осон. Баъзи бир хуфя жойларни билади, аҳён-аҳён улар билан ишлаб туради. Бу фаолиятини ҳеч ким билмайди. Ажабланганига сабаб эса...

Қизиқ, Абрай лочин нега бунақа ишларга бош суқаяпти. Ахир, у қип-қизил қиморбоз бўлса ҳам бунақа

қинғирликлардан ҳазар қиларди-ку?! Ё, қарз-парзга бо-тиб, дўпписи тор келиб қолдимми?

Ғани минг бир ўйласа-да, барибир бу ҳолнинг сабабини билолмади. Лекин айтилган топшириқни бугун чошгоҳдан сўнг дўндирди. Ҳатто, Абрай лочин чамалаган нархдан хийла арзонга ишни битириб, қарзидан ташқари, яна анча-мунча даромад ҳам қилди. Шунинг учун ҳам у айна пайтда қувончдан қаҳ-қаҳ отиб кулиши керак. Лекин негадир ўтган-қайтган аччиқ хотиралар унинг таъбини тирриқ қилиб, кўнглини ғашляпти. Нима учун?

Шаҳар туннинг тимқора тўшига бош қўйиб ором қўйнига чўккан. Кўчаларда автоуловлар сийрак. Неон чироқлари теваракка ҳорғин нур сочади.

Ғани Амира айтган манзилни осонгина топиб борди. Лекин машинасидан тушмай, одатига кўра атрофни обдон кузатганича анча пайт кабинада ўтирди. Сигарет тутатди.

Ғани тилла билагузукни аввал бошида тезроқ сотишга ошиққанди. Сўнг “мўмиё” билан боғлиқ, бу сердаромад иш чиқиб қолдию, тилла билагузукни яшириб қўйди. Боя кечкурун чўнтақларини кавлаштира туриб қўлига бир қоғоз илашиб чиқди. Қараса, ўша кун дўконда гўзал жувон ёзиб берган телефон рақами экан. Шунчаки, қизиқсиниб кўнгироқ қилиб кўрди. Негадир аёл рад этмади, ҳатто бемахал безовта қилгани учун жеркиб ташлайди деган хаёлда эди. Йўқ, ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Аёл ҳатто уни уйига таклиф этди. Таклифдан Ғани шошиб қолди.

Вақти зиқлигини, қиморхонага “мўмиё”ни тезроқ етказиши керак эканини ҳам унутди. Хаёлида яна бир режа чарх ура бошлади.

“Жуда бойбичча хотинга ўхшайди, – ўйлади у. – Билагузук баҳона уйини бир кўздан кечириб қўйсам яхши бўларди. Шпана болалар билан бирор кун ов қилиб қолармиз. Униқидан чиқаману сўнг қиморхонага боравераман”.

Худди шу режа уни йўлга бошлади.

Ғани тагин битта сигарет чеккач, шалвираб қолган ўриндиқни аянчли ғижирлатган қўйи машинадан тушди.

\* \* \*

Латиф кеч қолганига ишонмагандай ҳануз маълумотлар хонаси туйнугига тирғалиб турарди.

– Нега қоққан қозикдай туриб қолдингиз? – деди хизматчи аёл, қош-қовоғини уйиб, – поезд энди фақат индин бўлади.

Латиф ўйчан бош чайқади.

– Негадир кўнглим ғаш. Ярим йўлдан ортга қайтиб кетиш ёқмаяпти.

Аёл билинар-билинемас жилмайди. Сўнг ёнидаги термосдан бир пиёла чой қуйиб узатди.

– Аламдан кўнглингиз ғаш тортяпти. Аччиқ чойдан ичсангиз, аччиқ аламни босади.

– Раҳмат, – деди Латиф, шоша-пиша пиёлани қўлига оларкан.

Туйқус меҳрибончилик қилгани учунми, шу тобда аёл унинг кўзига ғоят гўзал кўриниб кетди. Чойдан босиб-босиб хўпларкан, жувонга тикилиб-тикилиб қаради.

– Намунча бақрайиб қолдингиз, – деди хизматчи аёл ўнғайсизланиб.

– Жуда гўзал экансиз, – беихтиёр оғзидан чиқиб кетди йигитнинг, – тўғриси, шунинг учун ёнингиздан кетолмай қолдим.

– Илтифотингиз учун раҳмат, энди туёқни шикиллатиб қолинг.

Латиф бўш пиёлани қайтара туриб, тавозеъ билан илжайди.

– Чин кўнгилдан айтдим, ишонинг. Лекин жуда жиддий, сержаҳл экансиз.

– Эркаклар суюқ бўлгандан кейин, илож қанча. Жиддий, серзарда бўламиз-да.

Аёл минг бир қош-қовоқ уйса-да, лекин анча мулойимлашганини йигит пайқади.

– Менинг исмим Латиф, – деди у ҳануз илжайган кўйи, – биламан, барибир сиз исмингизни айтмайсиз.

– Розия, – деб кўйди жувон ҳеч қутилмаганда, сўнг бир оздан сўнг кўшиб кўйди, – сазангиз ўлмасин деб айтдим.

– Ҳамма гапларим чин юракдан, Розияхон, ишонинг. Узр, анча бошингизни қотириб кўйдим.

Латиф тавозеъ билан туйнуқдан узоқлаша бошлади. Розия уни зимдан кузатиб турарди. Сўнг қаршисидаги кўзгучага ўзини солиб аввал илжайди, сўнг йиғлаб юборгудек тарзда маъюс тортиб қолди.

\* \* \*

Шаҳарнинг кунчиқар томонида ястаниб ётган маҳаллани Кўкғумбаз деб аташади. Йўл бўйида, қари чинор панасида кўримсизгина чойхона бор. Лекин бу чойхонада бирор кимса мириқиб тановул қилганини, оёқ узатиб ҳордиқ чиқарганини эслаёлмайди. Кеч кириши билан чойхона атрофи кимсасиз бўлиб қолади. Лекин ичкари ҳужраларида ҳаёт қайнайди. Чойхона қиморхонага айланади.

Мана ҳозир ҳам қиморхона ширакайф кулгулардан аҳён-аҳён ларзага келиб турибди. Ҳужра ичи ёруғ. Тамаки тутуни тумандай қоплаб олган. Уйин қизгин бораётган хонтахта тўрида серсавлат, мўйловдор кимса ёнбошлаб олган. Бу – Абрай лочин. Қартани худди орқасидан кўриб тургандай тусмоллаб, устмонлик билан ўйнагани учун уни дўстлари лочин деб аташади.

Эшик қия очилиб икки давонгирдай йигит – Наби ва Рустам ичкарига сирғалиб кирди. Улар Абрай лочиннинг ишонган одамлари. “Ош ейилса, ўртада сарсон илик” деб бемалол шулар ҳақида айтиш мумкин. Уйин билан андармон қиморбозлар йигитларга деярли эътибор беришмади. Рустам ҳужра чеккаси бўйлаб тиззасида юрган кўйи Абрай лочинга яқинлашиб, унинг қулоғига шивирлади.

– Ҳани билан кўнғироқлашдик. Молни икки соат ичида етказди.

– Яхши, – деб кўйди Абрай лочин, қўлидаги қарталардан кўз узмай, – ишларинг билан шуғулланаверинглар. Анови сибирлик меҳмонларни тузук ерга жойлаштирдиларингми?

– Хотиржам бўлинг, хўжайин. Гап фақат молда қолди. Молни бир амаллаб қўлларига тутқазсак бўлди.

Абрай лочин негадир гумонсирагандай Рустам ва Набига бир-бир кўз ташлаб чиқди.

– Ҳани ҳозир қаерда экан?

– Билмадик, – деб чайналди Рустам, – уйда, шикилли.

Йўқ, Рустам адашди. Айни пайтда Ҳани Амირаникида, тузалган дастурхон ёнида мамнун ўтирарди. Енгёқасиз кўйлак кийган, юз-кўзлари ноз-ишвага лиммолим уй соҳибаси унга парвона.

– Ҳани ака, – деди Амира ўн йиллик қадрдондай калтабақай эркакнинг елкасига қўл кўйиб, – жуда тортинчоқ экансиз. Костюмингизни ечи-иб, бемалол ўтирсангиз-чи...

Аёл кўярда-қўймай устма-уст узатган икки қадах коньяқдан сўнг анча бўшашиб қолган Ҳани, унинг хоҳишига бўйсунди. Костюмини ечиб стул суянчигига ташлади.

Айни чоғда эркакни Амირанинг гўзаллигидан кўра, хонадоннинг кўркамлиги, харидоргир жиҳозларга бойлиги кўпроқ ҳаяжонлантирмоқда эди.

“Қулай пайт топиб, бу ерга яна ташриф буюраман ҳали” – дея хаёлидан ўтказди у, мамнун илжайган кўйи қадахларга бу гал ўзи коньяк қуяр экан.

Нозу ишва орасида эркакни хушёр кузатган Амира Ҳанидаги ўзгаришни яхшиликка йўйди. Ниҳоят, кўнглига йўл топдим деган хаёлга борди.

– Акажон, – деди у оппоқ, момиқ кўкракларини кўз-кўз қилиб, – тилла билагузугингизни ҳали тақиб ҳам кўрмадим-ку.

Ҳани индамай қадах бўшатди. Сўнг сузилган куйи илжайди. У эшиқдан кириши биланоқ аёлнинг мақсадини пайқаган эди. Шунинг учун олди-сотди ҳақида гап очиш бефойдалигини сезиб, билагузукни чўнтагидан чиқармаган, шунчаки, хонадонини бир кўздан кечириб, сўнг жуфтакни ростлаб қолишни ўйлаган эди. Бироқ тўкин дастурхонни кўзи қиймай анча ўтириб қолди. Димоғи чоғлигидан бутун вужуди ичкилик талаб қиларди.

– Марҳамат, жонгинам, – дея костюми чўнтагидан қимматбаҳо буюмни чиқарди Ҳани, – истаганингизча тақиб кўраверинг.

Амира тилла билагузукни кўзлари порлаб қўлига олди. Сўнг билагига тақиб чироқ нурига тутиб кўраркан, ёш боладай қийқириб юборди.

– Ву-уй, нақ мен учун ясалган экан-а! Товланишини қаранг.

– Ҳа, ярашди, – деб пўнғиллаб кўйди Ҳани, бир бўлак қовурдоқни оғзига соларкан.

У учинчи қадахдан сўнг тезроқ кетиши зарурлигини ҳам буткул унутган эди. Билагидаги тилла буюмдан сира кўз узолмай, ял-ял яшнаётган Амира ногоҳ эркакнинг бўйнига осилиб, семиз юзидан чўлпиллатиб ўпди.

– Энди билагузук ҳам, сиз ҳам меники.

Ҳани алланима деб эътироз билдирмоқчи бўлди. Бироқ оғзи тўла гўшт бўлгани сабаб, бир-икки бош тўлғашдан нарига ўтолмади.

– Сиздай мард эркакларнинг садағаси бўлсанг арзийди-да, – деди Амира бел-биқинларини диркилллатиб ўрнидан ирғиб тураркан, – келинг, умрбод дўстлашиб кетишимиз учун ичайлик.

Аёл қадахларга коньяк кўйди. Албатта, ўзига бир култумча томизиб, Ҳанининг қадахини лиммо-лим қилди.

Айни пайтда Латиф вокзал биносидан юраги ғашликка лиммо-лим тўлиб чиққан эди. У йўл бўйида турган киракашлар томон хомуш юрди. Қутилмаганда орқасидан Розия югургилаб чиқди.

– Латиф ака, бир минут.

– Тинчликми, Розияхон? – дея ажабланиб сўради Латиф, жувон томон юраркан, – ё поезд қайтиб келдимми?

Розиянинг юзида енгил табассум пайдо бўлди.

– Тўғриси, мен ҳам эркак кишининг ярим йўлдан қайтганини ёқтирмайман. Тўсатдан эсимга тушиб қолди, бир ҳамкасбимиз машинасида Фарғара томон кетмоқчи эди. Сўраб кўрай-чи, балки сизни олиб кетар.

– Жуда яхши бўларди-да, илтимос, сўраб кўринг, айтган ҳақини тўлайман.

– Юринг-чи.

Улар узун-қисқа бўлиб тагин вокзал ичкарасига киришди. Узун йўлак бўйлаб бироз юришгач, иккинчи қаватга кўтарилишди.

– Сизни ҳам овора қилиб қўйдим-а, Розияхон, узр, – деди Латиф хижолат чекиб.

Розия жилмайди.

– Йўловчилар қайғусини чекиш бурчимиз.

Улар қоп-қора дермантин қопланган эшик ёнида тўхташди.

– Мен ҳозир билиб чиқаман, – деди Розия шивирлаб. – Кутиб туринг.

– Хўп.

Жувон ичкари кириб кетди. Латиф ойнабанд пешайвондан туриб тунги шаҳар манзараларини томоша қила бошлади. Бироздан сўнг Розия хижолатланиб қайтиб чиқди.

– Узр, Латиф ака, бу киши эрталаб жўнарканлар. Агар соат саккизга етиб келсангиз, улов нақд.

Улар баб-баравар кулиб юборишди.

– Албатта етиб келаман, – деди Латиф кўнгил ғашлиги анча тарқаб, – ҳечқурса, сизни кўриб кетарман.

– Суюлманг. Энди шу ерда хайрлашайлик.

– Ҳозирча хайр.

– Хайр, яхши етиб олинг, кеннойимга салом денг.

Жувон Латифнинг орқасидан маъюс қараб қолди.

\* \* \*

Икковлари ҳам қуюшқондан чиқиб кетишди. Ғанини ичириб, маст қилиб ташлайману билагузукни қўлга киритаман, дея режа тузган Амиранинг ўзи ҳам бир қултум-бир қултум ичавериб анча гандирақлаб қолди. Бегона эркакка энди “режадан ташқари” осилиб, тирғала бошлади. Яхшиям Ғани табиатан ишқий саргузаштларни сира хушламайди. Шунинг учун ҳам аҳён-аҳёнда аёлни номигагина ўпиб, ўзини олиб қоча бошлади.

– Шу сўнггиси, – деди Ғани ўрнидан туриб дастурхон устидаги ичкиликдан қадаҳларга қуяркан. – Мен кетишим керак. Ишлар кўп.

– Йўқ, бугун ҳеч қаёққа бормайсиз, – деди Амира газак ўрнида қарсиллатиб олма чайнашга тушаркан.

Ғани аёлнинг суйкалишларидан бир амаллаб қутулиб, хона бўйлаб ўз уйидагидек кезина бошлади. Телевизор, видео аппаратларига бир-бир қўл тегизиб чиқди. Шу пайт жавон чеккасида ётган жажжигина диктофон унинг диққатини тортиди.

– Бу нима? Магнитафони? – дея таажжубланиб сўради Ғани, жажжи аппаратни қўлига олиб обдон кўздан кечираркан.

Амира шарақлаб кулди.

– Э, жиннимисиз, диктофон-ку бу.

– Жа-а ғалати экан-а, бунақасини ҳеч кўрмаганман.

– Японларники, – деди Амира диктафонни Ғанининг қўлидан олиб, – охирги модел, чўнтакка со-

либ қўйсанг, бас. Ўн метр радиусдаги тиқ этган товушни ҳам ёзиб олади. Бизнинг хўжайинга ўхшаш журналистлар учун-да бу.

Аёл яна ўз-ўзидан қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ғани ҳам хохолаб жўр бўлди. Сўнг яна диктофонга суқланиб тикилди.

– Қойил. Жа-а, зўр нарса экан. Менга ҳам битта керак-да. Баъзи бир гап-сўзларни ёзиб олардим.

– Истасангиз, шу сизники, – деб шивирлади Амира эркакка суйкалиб.

Ғани бу нарсани ҳатто тилла билагузукдан ҳам қимматбаҳо деган хаёлга борди шекилли, баттар ҳайрати ошди.

– Йўғ-е?! Қандай қилиб? Ахир эрингиздан балога қоласиз-ку?

– Қўяверинг, – нописанд ва мастона қўл силтади Амира, – яхшилаб ўшқириб берсам, сувга тушган мушукдек бўлади-қолади.

Аёл ўз гапидан ўзи нашъа қилибми, ё сархушлиги тобора ошибми яна ҳиринглаб кулди. Ғани икки кўзини диктофондан узмай қулгуга жўр бўлди.

– Раҳмат, Амирахон, қарзга қолмаймиз.

– Биламан, қарзга қолмайсиз, шунинг учун совға қиляпман-да, – деди Амира тантиғланиб, сўнг билагига тақилган тилла буюмга ишора қилди, – сиздан бугина.

Ғани диктофонга қўл узатди.

– Сиздан угина.

Иккови бир-бирининг пинжига суқилиб, қадаҳ чўқиштириб ичишди.

– Қаранг, – деди Амира дастурхон устидан нимадир олиб оғзига соларкан. – Бунинг қандай ишлашини кўрсатаман сизга.

Аёл диктофоннинг аллақандай мурватларини босди.

– Ишляпти, шекилли, – деб ғудранди Ғани, ғаройиботдан кўз узмай тураркан.

Амира диктофонни бепарво дастурхон устига қўйди.

– Ҳа, ишляпти. Қани, бироз ёзсин-чи, кейин эшитиб кўрамиз.

Шу пайт эшик қулфига калит солиниб шиқирлаб очилаётгани эшитилди.

– Во-ой, шўри-им! – деб қичқириб юборди Амира, ваҳима билан ирғиб тураркан. – Бу эрим! Қайтиб келди.

– А-а?! – Ғани таҳликада бақрайганича қотиб қолди.

Чиндан ҳам эшик очилиб, бўсағада Латиф пайдо бўлди. У хонадондаги аҳволдан бир зум гангиб тахтадай қотиб қолди. Тўкин дастурхон, ширакайф хотини ва унинг ёнидаги бегона эркак унга аччиқ бир ҳақиқатдан дарак бериб турарди.

– Ифлослар! – деб ғудранди у андак эс-хушини йиғиб. Сўнг беихтиёр эшикни қулфлаб калитини чўнтагига солди.

– Латиф ака, акажон, – дея Амира гандираклаган кўйи эрига пешвоз юрди, – сизга ҳозир ҳаммасини тушунтираман.

Латиф ғазаб билан хотинини бир чеккага итариб юбориб, Ғани томон ташланди. Ғирт маст ҳолдаги Ғани буткул саросимада қолган эди. Шу сабаб енгил бир зарбадан кулаб тушди. Латиф жон ҳолатда ўзини унинг устига ташлади. Ғани рақиб чангалидан қутулиш

илинжида зўр бериб типирчилар экан, ногоҳ дастурхон тузалган столни тепиб юборди. Кучли зарбадан идиш-товоқ, шишалар ерга тушиб, чил-чил синди. Хануз ишлаб турган диктофон ҳам ерга тушиб, диван остига юмалаб кетди.

– Башарангни қонга белейман, – деб бўкирди Латиф, рақибининг юз-кўзига тирноқ ботирар экан.

Ғани зўр бериб типирчилаган кўйи Латифнинг гоҳ биқнига, гоҳ кўксига мушт туширарди. Ҳирқираган, ҳансираган бўғиқ товуш бутун хонани тутиб кетди. Таҳлика ва ваҳимадан кўзлари катта-катта очилган Амира чинқириб юбормаслик учун кўллари билан оғзини беркитиб, бўғишиб ётган эркакларнинг гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ирғишлаб ўтарди.

Ғани устидан босиб тушган Латифни бир амаллаб итқитиб ташладию дастурхон устидан ерга тушган пичоқни қўлга олди.

– Чавақлаб ташлайман, сўтак!

– Ўзингни қўйдайд бўғизлайман, ҳароми, – деб хириллади Латиф, бир интилиб шиша синиғини қўлига оларкан.

Сўнг шиша бўлагини ўқталиб рақибига ташланди. Шошиб қолган Ғани пичоқни сермаб отди. Аммо Латиф чап бериб қолди. Зарб билан отилган пичоқ Амиранинг нақ кўксига санчилди.

Жувон инграб йиқиларкан, аранг ғудранди:

– Ваҳ, единг-ку мени, Ғани...

– Амира?! – Латиф хотини томон интилди, – Амира!

У қип-қизил қонига беланган аёлнинг бошига энгашиди. Амиранинг кўзлари сўнариб, сўнги нафасини оларди. Лаҳза ўтмай унинг боши шилқ этиб осилиб қолди.

Кўзлари қўрқув ва ваҳимадан чақчайиб қолган Ғани ҳансираганча ўзини балконга урди. Қўшни хонадон томонга ўтишни чамалаб балкон тўсинидан оёқ оширди. Ногоҳ сирғалиб кетиб, пастга қулади. Ғанининг аянчли ўкириги тун бағрини тилиб ўтди. “А-а-а!”

Амиранинг жасади ёнида турган Латиф отилиб балконга чиқидию пастга аланглади. Бироқ кўзи ҳеч нарсани илғамай яна хонага ўқдай учиб кирди. Гангиган куйи ҳансираганча у ён-бу ён юринди. Ногоҳ миёсида чақмоқдек чақнаган фикрдан ўзи ҳам кўрқиб кетди. “Тамом бўлдим, шўрим қуриди. Энди барибир мендан кўришади. Умрим қамоқда чирийдиган бўлди. Бас! Қочишим керак. Ҳозир оҳ-воҳ қилиб турадиган пайт эмас. Тезроқ даф бўлишим керак бу ердан”.

Латиф хотинининг жасадига ваҳима билан кўз ташладию, титроқ кўллари билан эшик қулфига калит солди.

Ғира-шира тонг оқариб кела бошлади. Кўп қаватли уйлар ўртасидаги майдончада Ғанининг лоши қонга беланиб чўзилиб ётарди. Теварагида орган ходимлари, изқуварлар ивиришиб туришибди. Улардан бири мурдани гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан “шиғ-шиғ” суратга оларди. Шу атрофда яшовчилар бўлса керак, бир тўп одам ҳам воқеа жойида йиғилишган. Ҳаммаларининг юз-кўзларида қўрқув, ҳаяжон. Бир-бирларига ваҳимали пичирлашади. Кулранг сочлари ҳурпайган, қоқсуяк кампир изқувар Шербек Узоқовга кўрсатма берарди.

– Вот эта дом мой, шу ерда яшайман. Учинчи этаж балконида чеккани чиққандим. Вдруг, хув свет ёниб турган балкондан этот человек чинқириб тушиб кетди. Точно видеела, худди ўша балкондан қулади.

– Балки бирортаси итариб юборгандир, – деди Шербек кампирнинг кўрсатмаларини дафтарига қайд қилиб оларкан, – мабодо эътибор бермадингизми?

Кампир лабига сигарет қистирган кўйи, бироз ўйланиб қолди. Сўнг кескин бош чайқади.

– Йў-ў... Помоему ҳеч ким итармади. Ўзи сирғалиб тушиб кетди. Ну... через какой-то минут бир йигит балконга югуриб чиқиб, вниз қаради, потом яна ғойиб бўлди.

Шербек Узоқов кампир ишора қилган тарафга тикланича бир зум ўйланиб қолди. Сўнг ўша уй чеккасига қантарилиб қўйилган эски “Москвич”га эътибор берди. Давлат белгиси рақамларини ёзиб олди.

– Қани ўша хонадонга кириб чиқайлик-чи, – деди бироздан сўнг шерикларига, – воқеа ойдинлашиб қолар.

Айни пайтда Кўкғумбаздаги қиморхонада ҳам хавотир-саросима кезиб юрарди. Қиморбозлар аллақачон тарқаб кетишган. Ачимсиқ тамаки ва спирт иси анқиб турган ҳужрада Абрай лочин тажанг қиёфада ўтирибди. Уйқусизликдан қизарган кўзлари чақчайиб гоҳ Набига, гоҳ Рустамга қадалади.

– Ўв, – деди Абрай лочин Набини оёғи учи билан туртиб, – Ғанидан дарак бўлмади-ю. Қачон келади энди?

– Икки-уч кўнғироқ қилдим. Негадир жавоб берма-япти, – деди Наби ўнғайсизланиб.

Рустам ҳирқироқ товушда гапга аралашди.

– Жа-а қотиб ухлайдиган одати бор.

– Яна кўнғироқ қилинглар, – деб ўшқирди Абрай лочин.

– Хўп, хўп, хўжайин.

Айни шу пайтда Шербек бошчилигидаги орган ходимлари Латифнинг хонадонига кириб боришганди. Ҳаммаёқ тўзғин. Ўртада Амиранинг қонга беланган мурдаси чўзилиб ётибди. Кўксида қадалган пичоқ. Бу ерни ҳам ходимлардан бири “шиғ-шиғ” суратга ола кетди. Шербек синчковлик билан хоналарни кўздан кечира бошлади. Шу пайт стул суянчиғига ташлаб қўйилган костюм чўнтагида мобил телефон жиринглаб қолди. Шербек чаққонгина интилиб, кийим чўнтагидан лип-лип ёниб ўтаётган қайроқтошдек аппаратни топди. Сўнг эҳтиёткорлик билан қулоғига тутди.

– Алло-о, – деди у овозини андак ўзгартириб.

– Алло-о, Ғани. Ўзингмисан?

– Ҳа, – деб кўйди Шербек эҳтиёткорлик билан.

– Қаёққа йўқолиб қолдинг. Биз сени кутяпмиз. Му-миёни тезроқ опкел, хўжайин хит бўляпти. Ўв, нега сасинг чиқмай қолди. Нима бало, тағин ухлаб қолдингми?

Шербек “ҳа, эшитаман” дейишга энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, нариги тарафдан бошқа бир дағал товуш ўшқириб қолди.

– Алло, ўв, ит эмган. Мен – Лочинман, тезроқ қимирла, ортиқ кутишга тоқат йўқ, тушундингми?

– Тушундим, хўжайин, – деди Шербек овозини ўзгартириб. – Ярим соат ичида етиб бораман.

Алоқа узилди. Шербек ҳозиргина ўзи билан гап-лашган телефон рақамларига ўйчан тикилиб қолди.

\* \* \*

Эрта тонг. Шаҳар чеккасидаги янги маҳалла аллақачон уйғониб тирикчилик куйига тушиб кетган. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилади. Киракаш машинани данғиллама бир ҳовли дарвозаси ёнида

тўхтатди. Ундан уст-боши тўзгин, безовта Латиф тушди. Дангиллама ҳовли дарвозаси ёнида болаларини мактабга кузатаётган аёл сергакланди. Болалар Латифни кўриб қувонч билан қийқиришиб, ирғишлай бошлашди.

– Ур-е, Латиф акам келдилар.

– Ойи, журналист амаким келдилар.

Латиф болаларни бир-бир кучиб, пешоналаридан ўпиб қўяркан, аёлга салом берди.

– Ассалому алайкум, кеннойи, яхшимисиз, уй ичилар тинчми...

Янга нохуш алик олди.

– Намунча каллаи саҳарлаб... игна еган итдек ҳаллослаб юрибсиз?

– Ўзим... – деб минғирлади Латиф хижолатомуз, – акам уйдаларми?

Янганинг юз-кўзида истехзо ўйнади.

– Уйдалар. Кеча аллақатдан бўкиб ичиб келган экан, ҳали ҳам чўқадай сасиб ухлаб ётибди.

– Зарил бир ишим бор эди-да.

– Кираверинг-чи, – деди аёл истамайгина, ичкари томон юраркан, – мен ҳозир... уйғотаман.

Аммо ака аллақачон уйғоқ, даҳлизда газета варақлаб ўтирарди. Хотини унга қўртдек эшилиб яқинлашди:

– Вой, туринг. Анови қаламкаш укангиз Латифжон келди.

– Латифжон?! – деди эр сергакланиб, – эрталабдан нима қилиб юрибди экан.

Аёл зарда билан қўл силтади.

– Билмадим. Ўзидан сўрарсиз. Ана, келяпти. – У шундай деди-да, эри томон ўқрайиб тикилди. – Аммо лекин билиб қўйинг, қарз сўраб келган бўлса, бир тийин ҳам бермайсиз. Нима баҳона қилсангиз қилинг, мен билмайман.

– Хўп, асабийлашманг, – деди эр ўрнидан кўзгалар экан. – Ҳали ҳеч ким биздан пул сўрамади-ку.

– Сўрайди, мана кўрасиз, сўрайди. Авзойи жа-а бузуқ, бир балага йўлиққан у.

Даҳлиз эзогида Латиф кўринди.

– Ассалому алайкум, ака.

– Ваалайкум, Латифжон.

Акаси бўшашибгина унга пешвоз чиқди.

\*\*\*

Ички ишлар идораси. Подполковник мундиридаги, юз-кўзидан қатъият ва жиддият ёғилиб турган аёлга Шербек Узоқов ҳисобот бермоқда.

– Манзура Ҳамидовна, дастлабки суриштирув ишларини яқунладим.

– Хўш-ш?

– Ўша – дея гап бошлади изқувар олдидаги қоғозга кўз ташлаб-ташлаб, 210-уйнинг 45-хонадонида яшовчи аёл Муродова Амира ўша тун жазмани билан бўлган. Тўсатдан эри келиб қолган. Ўртада олишув бўлган. Оқибатда, аёл ўлдирилган, унинг жазмани пастга қулаган.

– Бунақа маълумотларни қаердан олдингиз?

– Сўраб-суриштирдим, Манзура Ҳамидовна. Ўша Амира деган аёл ҳалиги, пастга қулаган эркак билан анчадан бери алоқадор эканидан хабардор одамлар ҳам топила қолди. Улардан бири ўша тунда ҳалиги эркак...

– Ҳалиги эркакнинг шахси аниқланмадимми? – дея дағал бир товушда сўради Манзура Ҳамидовна.

– Аниқланди, аниқланди, – деди Шербек шошилиб. – У, Мавлонов Абдуғани, шаҳарнинг Бешпанжа кўчасида, 17-уйда яшаган. Тайинли касби йўқ. Қиморбоз сифатида маҳалла куй яхшигина биларкан. Бундан ташқари бошқа қинғир ишлар билан шуғулланган. Мавлоновнинг фаолиятига оид менда яна бошқа муҳим маълумотлар бор. Манзура Ҳамидовна, рухсат берсангиз, у ҳақда кейин бафуржа гаплашсак.

– Яхши... биринчи масалага қайтинг.

Шербек бироз қоғоз титкилаб тургач, ҳисоботда давом этди.

– Хў-ўш... Ҳа, Абдуғанининг кириб кетганини кўрганлар бор, кейин... Соат тунги бирлар чамаси уй эгаси, яъни ўша аёлнинг эри таксида қайтиб келганини кўрган гувоҳлар бор.

– Об-бо, бу шоввоз қўшнилар-е, – деб кинояли кулди подполковник аёл, – ҳаммасидан хабардор-а. Балки қотиллик қандай юз берганини ҳам кузатиб туришгандир?

– Афсуски, бу ёғига ҳамма жим. Аммо суриштирув-текширув давом этапти, Манзура Ҳамидовна.

– Раҳмат, Шербекжон, яхши ишлабсиз, – деди подполковник аёл бироз чехраси ёришиб. – Хўш, ўзингиз шу воқеа юзасидан қандай фикрга келдингиз?

Изқувар йигит устма-уст томоқ қириб олди.

– Менимча... менимча, чиндан ҳам эри келиб қолган. У рашк, нафратдан ўзини тутолмай аввал хотинини пичоқлаган, сўнг эркакни пастга улоқтирган...

Подполковник Манзура Ҳамидовна шарақлаб кулиб юборди. Бу кулгуда озгина истехзо, озгина калондимоғлик ва яна озгина оқилалик силқиб турарди.

– Ҳали ёшсиз-да, Шербекжон, ҳали ёшсиз, – деди аёл ўзини кулгудан аранг тийиб, – кўпроқ ўз кайфиятингиздан келиб чиқиб фикрлайсиз.

Шербек Узоқов хижолатланди.

– Нега энди? Бу... бу ҳали тахмин.

– Ука, бу тахминингиз нотўғри, – деди Манзура Ҳамидовна, столи охишта чертганича кабинетнинг бир бурчагига маъюс тикилиб қоларкан. – Буни... буни менга аёллик юрагим айтиб турибди. – У узун тин олиб хўрсинди. – Отеллолар замони аллақачон ўтиб кетган, шекилли. Ҳозирги кунда рашк туфайли, севги туфайли бировни бўғизлаб қўядиган эркакни ҳеч тасаввур этолмаяпман.

Шербек бошлиқ аёлнинг кайфиятидан саросималаниб қолди.

Айни пайтда тунги воқеаларнинг яккаю ягона тиррик гувоҳи, шаҳар чеккасидаги янги маҳаллада, ўз акаси Лазизжонга ҳамма-ҳаммасини бутун тафсилоти билан айтиб берарди.

– Мана шунақа гаплар, ака, – деди Латиф чуқур хўрсиниб, – кутилмаган балага йўлиқдим. Энди ҳаммаси менинг бўйнимга қўйилади, шекилли. Ҳойнаҳой, бутун милиция оёққа туриб мени излаб юришгандир.

Лазизжон асабий ўрнидан туриб, у ён-бу ён юра бошлади.

– Об-бо-о, ишқал бўпти-ку, а, об-бо...

– Роса бошим қотди, ака, – деди Латиф ёш боладай жовдираб. – Бир-икки кун сизларникида туриб, сўнг Россия томонларга қочиб кетсаммикан-а?

Эшик орқасида гап пойлаб турган янгаси безовта-ланиб, маънодор томоқ қирди. Лазизжон сергакланиб ташқарига чиқди.

– Ҳа, нима гап? – деди у асабий шивирлаб.

Аёл эрига дарғазаб тикилди.

– Укангизни йўқотинг бу ердан! Роса расво бўлибди-ю, ўзимиз ҳам балого қоламиз. Алдаб-сулдаб жўнатиб юборинг.

– Қизиқмисиз, ойиси, ўз укамни қанақа қилиб кўчага ҳайдайман. Жигарим-а?!

– Ўв, меҳрибон эр, – деди аёл қўлларини пахса қилиб. – Укангиз жигар бўлса, биз юрагингиз. Бизни ўйламайсизми? Йўқ, дарров ҳал қилинг! Гап тамом.

\* \* \*

Подполковник Манзура Ҳамидовна хона бўйлаб у ён-бу ён юрина бошлади. Шербек Узоқов ўтирган жойида унга кўз қирини ташлаб кўярди.

– Шербекжон, – деди аёл жўшқин бир кайфиятда, – яна бу маълумотингиз ҳам диққатга сазовор. Адашмасак, яна бир жиноятнинг думидан тутдик. Қани, шовшилмасдан яна бир такрорланг-чи.

– Қотиллик содир бўлган хонадонда Мавлонов Абдуғанига тегишли костюм топилди. Бир пайт унинг чўнтагидаги мобил телефон жиринглаб қолди.

– Демак, – деди Манзура Ҳамидовна изкуварга қатъий тикилиб, – алоқага чиққан рақамни аниқ эслаб қолдингиз-а?

– Албатта, ҳатто ёзиб қўйибман.

– Хўш, кейин-чи, давом этинг.

– Хуллас, – деди Шербек фикрларини жамлаб.

– Бир хириллоқ товуш Ғани, мумиёни тезроқ келтир, хўжайин хит бўляпти, деди. Шу пайт, афтидан кимдир телефонни юлқиб олди. Ғанини бошлаб сўқди, ўзини... ўзини Лочин деб атади.

– Лочин? Наҳотки бу Абрай ака бўлса?!

– Нега ажабланыпсиз, Манзура Ҳамидовна? Қиморбоз одамдан ҳар бало кутса бўлади. Нима, қора дори савдосидан ҳазар қилади деб ўйлайсизми?

– Гапингиз рост, Шербек. Лекин негадир ишонгим келмаяпти. Тўғри, Абрай лочин қиморбоз, майда безори сифатида ҳисобимизда туради. Қонун-тартибга ҳам панжа орқасидан қарайдиганлар хилидан. Лекин шу пайтгача ҳеч бир жиддий сабаб билан қўлимизга тушмаган. Биласизми, Шербек, шу одамда аллақандай донолик бордай назаримда, – Манзура Ҳамидовна енгил кулди. – Гапнинг очиги-да, Шербек. Болаларининг ҳаммаси ўқимишли, зиёли.

– Доно деманг-а, садқаи ақл кетсин унга, – деди ёш изкувар бироз қизишиб, – шунчаки айёр тулки у.

Подполковник ўйчанлик билан стол қиррасини черта бошлади.

– Балки... балки... Одамнинг оласи ичида. Демак гап бундай, – Манзура Ҳамидовна яна жўшқинлик билан ўрнидан туриб кетди. – Телефон рақами эгасини аниқлаб уни кузатинглар. Хў-ўш... Ғани ўлди, уларнинг режаси бузилди. Демак энди типирчилик қолишади. Қандай қилиб бўлса ҳам анави “мўмиё” аталмиш товарни топишга ҳаракат қилишади. Ғанининг уйига, қотиллик юз берган хонадонга кузатув қўйинглар.

– Хўп, Манзура Ҳамидовна, – деди Шербек, стол устидан қоғозларини йиғиштириб оларкан, – ҳаммасини бажарамиз.

– Тунги воқеа билан яна бир бор жиддий шуғулланинг. Қочоқ эрни топинглар, Шербек, ўзингиз ўша хонадонни тағин яхшилаб кўздан кечиринг. Зора жиноят излари ойдинлашса...

Шербек тағин “хўп-хўп”лаб кабинетдан чиқиб кетди.

Айни пайтда Латиф ҳам бўшашган, дили хуфтон бўлган бир аҳволда акасининг ҳовлисидан чиққан эди. Лазизжон минг бир хижолатга тушган кўйи уни кузатиб кўярди.

– Латифжон, ука, яхшиси ўзинг мелисахонага бор. Ҳаммасини ҳовлиқмай тушунтир. Улар ҳам одам, дардингни эшитиб, тушунишар. Ҳақиқат барибир қарор топади-ку, тўғрими?

– Ака, – деди Латиф аллақарларга паришон тикиларкан, – қойил қолмадим сизга, қанча-қанча танишларингиз, дўстларингиз бор. Наҳотки, шу ишни босди-босди қилиб беролмасангиз?

Лазиз укасининг елкасига қўл ташлади.

– Латиф, тўғриси, бу машмашани бировга айтсам ғирт кулгуга қоламан. Ҳозирча дамимиз чиқмасин. Қолаверса... гап кўпайган жойда харажат ҳам кўпаяди.

– Чиқимга тобим йўқ, деб қўя қолинг чайналмай, – деди Латиф истехзоли илжайиб.

Ака бош қашлаб ўйланиб қолди. Аразлаган Латиф хайр-хўшин ҳам насия қилиб кета бошлади. Афтидан, калласига тузукрок фикр келди шекилли, бир пайт Лазизжон кўзлари чақнаб укасини чақирди.

– Латиф! Шошма! Тўхта, бир гап бор.

Латиф лўкиллаганича етиб олган акасига маъюс, саволчан тикилди.

– Шаҳарга қайтгин-у, Абрай лочинга учраш, – деди Лазизжон.

– Анови қиморбозгами?! Каллангиз жойидами, ака, унга нима дейман?

Лазиз яна укасининг елкасига қўл ташлади.

– Биласан-ку, у Носир тоғамизнинг энг яқин дўсти бўлган. Ўзингни таништир. Маслаҳат сўра.

Латиф тараддулланиб қолди. Чўкаётган чўпга ҳам ёпишади-да, деганларидек, у ҳам бир илинж, бир нажот ахтарарди.

– Бўпти, кўрамиз, – дея тўнғиллади у яна йўлидан давом этаркан.

Лазиз унинг ортидан қичқириб қолди.

– Кейин менга қўнғироқ қил, хўп? Қутаман-а.

Ука ортига қарамади.

\* \* \*

Тунда содир бўлган воқеа Шербек Узоқовнинг қотиллик билан боғлиқ илк жиддий иши эди. Шунинг учун ёш изкувар бироз ҳадик ва ҳаяжон билан ҳаракат қиларди. Бор билимини, иқтидорини ишга соларди. Эрталаб унга яна омад кулиб боқди. Шербек қотиллик содир бўлган хонадонни обдон, пухта кўздан кечираркан, олишув пайти диван остига юмалаб кетган диктофонни топиб олди. Шербек топилдиқни авайлабгина чарм папкасига солдию, воқеа жойидан хуш кайфият билан қайтди. Галдаги вазифа Бешпанжа кўчасидаги 17-уйга бориш эди. Ёш изкувар тун бўйи югуриб-елиб хийла толиққан бўлса-да, ишни пайсалга солмаслик учун дарҳол йўлга чиқди.

Шаҳарда янги кун бошланган. Кўчалар серқатнов, сершовқин. Йўлаклар, бекатлар одамлар билан гавжум.

Шербек кўзлаган манзилини қийналиб топиб келди. Бўёқлари унниқиб кетган, кўримсизгина дарвоза ёнида оёқ илди. Уст-бошини бироз тартибга олгач, те-варакка енгил бир кўз ташладию, дарвоза кўнги-рогини босди. Кўп ўтмай, ичкаридан қадам товушлари эшити-либ, бироздан сўнг, юз-кўзларида ҳорғинлик, маъюс-лик акс этган аёл эшикни қия очди. Бу ҳозиргина тунги навбатчиликдан қайтган, темир йўл вокзали ходимаси Розия эди.

– Кечирасиз. – деди Шербек енгил салом-алик қилгач, – Мавлонов Абдуғанининг уйи шуми?

– Ҳа, шу, – деди Розия ҳорғин бир товушда.

Ёш изқувар хизмат гувоҳномасини кўрсатди.

– Кирсам бўладими?

Розия тундлик билан индамай Шербекни ичкарига бошлади.

Айни пайтда Латиф Абрай лочиннинг шинам, сер-хашам меҳмонхонасида қунишибгина ўтирарди. Ўр-тада нозу неъматларга тўла дастурхон ёзилган хонтах-та. Абрай лочин ёстиққа ёнбошлаган кўйи йигитнинг дард-ҳасратини мудраб тинглар экан, уйкусизликдан қизарган кўзлари баттар қизариб кетгандай бўлди.

– Менга қара, оғайни, – деди у бир сўлиш оларкан, – Носирбекнинг жияни эканингни эшитиб ич-ичимдан қувонгандим. Лекин машмашангни эшитиб ҳафсалам пир бўлди. Тоғанга тортмабсан, ўв, бола. Жуда-жу-да хафа қилдинг мени. Ўша исқирт ўйнашларни ўзинг чавақлаб ташлашинг керак эди. Раз воқеа бунақа бў-либдими, демак икковингни ҳам мен ўлдирдим, деб мелисахонага ўзинг кириб боришинг керак эди. Ор-номусли эркаклар шундай қилади, жиян, тушундингми?

– Тушундим, – деб аранг гудранди Латиф.

Абрай лочин пиёладаги чойдан босиб-босиб хўп-лади:

– Хотинингни қинғир юришини илгари ҳеч сезма-ганмидинг?

– Йўқ, – деб юборди Латиф шоша-пиша, товуши алланечук илтижоли, шикаста чиқди. – Ўлай агар илгари пайқаганим йўқ.

Абрай лочин истеҳзоли илжайиб бош чайқади.

– Ёлғон, ўз аёлининг қинғир қадами тугул, қинғир хаёлини сезмаган эркак эркакмас! Сен бир умр ўз-ўзингни алдаб келгансан, сўтак.

Латиф гўё аччиқ ҳақиқатни тан олаётгандек, ер-дан кўз узмай, терга ботган кўйи жим қотди.

– Сен бола, – деди қиморбоз қўлини бигиз қилиб, – ё хотинингдан, ё ўша эркакдан тилинг қисқ.

– Йўқ, ёлғон, йўқ, ҳаммаси тасодиф.

– Энди яхшилиқча туёғингни шиқиллатиб қол. Сенсиз ҳам ташвишларим ошиб-тошиб ётибди.

Шу чоғ хонтахта устида ётган мобил телефон жи-ринглаб қолди. Латиф орқасига тисарила-тисарила, тавозеълар билан хонадан чиқиб кетди.

Аммо айни чоғда Шербек ҳануз Бешпанжа кўча-сидаги 17-уйда эди. У Розия билан гаплашиб ўтирарди.

– Хуллас, – деди ёш изқувар чуқур тин олиб, – шунақа гаплар, Розияхон. Ўша эркак сизнинг эрингиз, – Мавлонов Абдуғани экан.

Розия кўзларини бир нуқтага тикиб, худди эси оғиб қолгандай нафрат билан пичирлади:

– Итга ит ўлими. Охири, қарғишларим бошини еб-ди-да.

– Нега, эрингизни шунчалар ёмон кўрармидингиз? – деб сўради изқувар Узоқов эҳтиёткорлик билан.

Розия аввал товушсиз, сўнг ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошла-ди. Шербек ўнғайсизланиб ўрндан кўзгалди.

– Узр, Розияхон, билмай ярангизни тирнаб қўйдим шекилли. Лекин барибир баъзи бир расмиятчилик-ларни қилиб қўйишимиз шарт. Сиз эртага вақт топиб идорамизга ўтинг. Мурдани таниб-тасдиқлаб, керакли қоғозларга имзо чекишингиз зарур. Қолган масалалар-ни кейин гаплашамиз.

Розия столга бош қўйганича ўкраб-ўкраб йиғлашга тушди. Шербек бир зум унга ачинганича тикилиб туриб чиқиб кетди.

\* \* \*

Ўша серхашам меҳмонхона. Ноз-неъматлар би-лан безатилган хонтахта ёнида Абрай лочин, Наби ва Рустам дон талашган жўжаҳўрозлардек хурпайиб ўти-ришарди. Ҳар учовининг ҳам юз-кўзларида ташвиш.

– Йўғ-е, балки янглиш эшитгандирсизлар? – деди Абрай лочин, йигитларга бир-бир кўз ташлаб.

– Аниқ, хўжайин, – деди Наби бош ирғаб – Ишонч-ли маълумотлар олдик. Ўша маҳаллада дув-дув гап. Ғанининг мурдасини таниган бир-икки оғайнилари-ни ҳам кўрдик. Узунқулоқ гапларга қараганда, Ғанини ўша қанжиқ аёлнинг эри балкондан улоқтирган.

Набининг гапларини паришон эшитиб турган Аб-рай лочин сергақланди, неларнидир хаёлидан ўтка-зиб, сўнг истеҳзоли илжайган кўйи бош чайқади.

– Нега куляпсиз, хўжайин? – деб сўради Рустам ажабсиниб.

– Э, шунчаки, – деб бепарво қўл силтади Абрай лочин. – Ғанини ўйнашининг эри улоқтиргани ёлғон. Боягина ўша эрни шу ердан қувиб чиқардим.

Наби ва Рустам таажжуб билан кўз уриштириб олишди.

– Тушунмадик, Абрай ака, – деди ботинолмайгина Рустам. – У бу ерда нима қилиб юрибди.

Абрай лочин яна енгил қўл силтади.

– Э, аҳамияти йўқ. Ҳали бафуржа айтиб бераман. Ҳозир ишдан гаплашайлик, ишдан.

– Энди нима қилдик? – Ҳар учовининг афт-ангорига яна ташвиш, ҳадик оралади. – Ғани-ку ўлиб қутулиб кетди. Энди анови падар лаънати товарни қаердан то-памиз? Сибирлик меҳмонларга нима деймиз?

– Сибирликлар келишув бўйича яна икки кун кута-ди, – деб тўнғиллади Наби.

Абрай лочин ўйчан бир алфозда ияк қашлади.

– Шу... меҳмонлардан узр сўраб, совға-саломлар билан жўнатиб юборсак-чи? Нима зарил ортиқча бош оғриғи?

– Соддалик қилманг, хўжайин, – деди Наби бош чайқаб. – Бунақа ишда узр-пузр кетмайди. Ўзингиз яхши биласиз-ку?! Катта балого йўлиқамиз. Бунинг отини международний разбор дейишади, хўжайин.

Абрай лочин асабий тарзда бош чангаллаб, уф тортиб юборди.

Айни чоғда изқувар Шербек Узоқов ишлари юри-шаётганидан хурсанд кайфиятда эди. Айниқса қо-тиллиқ юз берган хонадондан топиб олинган диктофон кўп нарсага ойдинлик киритди.

Мана, бошлиғи Манзура Ҳамидовна билан дик-тофонга ёзилиб қолган гап-сўзларни, шовқин-суронни яна бир карра эшитиб кўришди.



– Хўш, ўртоқ катта лейтенант, бунга нима дейсиз энди? – деб сўради подполковник аёл шўхчан кўз ташлаб. Афтидан, ишнинг бу қадар тиниқлашиши уни ҳам қувонтириб юборганди.

– Манзура Ҳамидовна, диктофондаги ёзувларни ўзим ҳам уч-тўрт қайта эшитдим. Менимча, – Шербек елка қисиб, лаб буриштирди, – менимча, бу топилдиқ қидирувдаги эрнинг айбсизлигини тасдиқлайди. Албатта... текширувда давом этамиз ҳали.

Манзура Ҳамидовна одатдаги жўшқинлик билан ўрнидан туриб кетди.

– Давом этинг. Энг муҳими, аввал ўша қочоқ эрни топиб сўроқ қилиб кўриш керак. Кўрсатмаларини диктофондаги ёзувга таққосланг. Ўшанда ҳақиқат ойдинлашади.

– Тушундим, – деди Шербек ўрнидан кўзғалиб. – Ҳаммасини айтганингиздай қиламан.

Аммо бу орада Абрай лочиннинг меҳмонхонасидан ҳеч ким кўзғалмади. Уч ҳамтовоқ уч жойда азадор одамлардай буришиб ўтиришарди.

Абрай лочин туйқус қўлларини Набига бигиз қилиб ўшқира кетди.

– Сен мени шу ифлос ишга аралаштирдинг! Тинчгина қиморимни ўйнаб хуморимни босиб юргандим-а! Ҳаммасига айбдор сен, сен!

– Хўжайин, ахир Ғани биздан бир дунё қарз эдику? Бир йилдан бери тўлаёлмай юрганди. Ўзингиз қандай қилиб бўлсаям қарзини ундиришлар, деб бизни тезладингиз-ку! Кейин Ғани қора дори ҳақида гап очди. Хоҳлаганларингча топиб бераман, деди.

Рустам ҳам шоша-пиша Набини қўллаб-қувватлашга киришди.

– Устига-устак анови сибирликлар лоп этиб оёғимиз остидан чиқиб қолди. Фурсатни бой бермайлик, дедим-да, хўжайин.

– Билмадим... билмадим, – деб ғудранди Абрай лочин, гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ёнбошлаб. – Энди қандай қилиб бўлса ҳам бу балони даф қилишлар. Сибирликларга ваъда қилинган нарсани қай гўрдан бўлсаям топинглар. Шу бизга сабоқ бўлсин. Бошқа бунақа номаъқул ишга қўл урмайлик.

Наби ўйчанлик билан деди:

– Бир амаллаб Ғанининг ҳовлисига киришимиз керак. Ўшанақа молларни яшириб қўядиган бир-икки жойини биламан, балки топиб олармиз.

– Билмадим... билмадим, – дея бош чангаллади Абрай лочин. – Қай гўрдан бўлсаям топинглар, гап тамом.

Наби ва Рустам ўзаро кўз уриштириб, ўринларидан туришди.

\*\*\*

Тун. Шаҳар қорамойга беланган улкан чироққа ўхшайди. Ҳамма ёқ қоп-қора. Унинг қисматидек қоп-қора. Унинг бахтидек қоп-қора. Латиф чекка қаҳвахоналарнинг бирида андак тамадди қилиб чиққан бўлди. Лекин иштаҳаси ғиппа бўғилган эди. Кўнгли худди ташқаридек қоп-қоронғу, худди кўча чироқларидек хира. Қулоқлари остида хануз Абрай лочиннинг шафқатсиз танбехлари жаранглаб турарди: “Тоғанга тортмабсан, ўв, бола! Ўзинг мен ўлдирдим деб боринг керак эди, ўзинг...”

Латиф қаҳвахонадан чиққач, дарахтлар қуюқ ўсган бино панасида анча пайт туриб қолди. У қаён бош олиб кетишини, қаерга яширинишини билмасди. Гўё уни минг-мингга кўз, минг-мингга нигоҳ қузатиб тургандек, ёруғликка чиқса, қидириб юрганлар дарҳол топиб оладигандек туюларди.

Катта кўчада чинқириб келаётган машиналар қатнови бир зум ҳам узилмайди. Кечиккан-ичиккан йўловчилар шарпадек ўтиб-қайтишади. Баланд-паст иморатлар алланечук сирли, ваҳимали туюлади.

Баҳайбат кўнғир айиқдек итни етаклаб, сайр қилдириб юрган кампир тўппа-тўғри Латиф томон бостириб кела бошлади. Йигит довдирай-довдирай йўлак бўйлаб юриб кетди. Дарахтлар ичида ўралашиб қолган ит томон кўрқа-писа кўз ташлаб қўйди.

Латиф хотинининг нега бундай бузуқ йўлга кирганини ҳеч тушунолмасди. Назарида бунга ҳеч бир сабаб йўқдек туюларди. Ахир муносабатлари илиқ, рўзгорлари бут эди. Баъзи бир эрларга ўхшаб, хотинини сиқувга олмасди, тергамасди. Ўртада ишонч бўлиши керак деган ақидага амал қиларди. Амира мисоли эркин қуш эди. Балки хатоси айнан шунда бўлгандир? Хотинини қаттиқ назоратда ушлаш керак бўлгандир. Йўқ, йўқ, Латиф ундай қилолмасди. Бу ўзини замонавий, зиёли эркак санаган одамга тўғри келмайди. Агар минг бор қаттиққўл бўлса-да, минг бор назорат қилса-да, бузуқликни истаган аёл барибир ниётига етмай қўймайди.

Демак... демак, Амира аввал бошида енгилтак бўлган! Демак, у анчадан бери эрининг кўзига чўп суқиб келган! Жўфти ҳалолининг муҳаббатига, ишончига шундай хиёнат билан жавоб берган у!

Латиф изтиробли хаёллар оғушида беихтиёр инграб юборди. Қўлларини мушт қилиб бошига нуқиди. Шундоққина ёнгинасидан ўтиб кетаётган йўловчи шоша-пиша ўзини четга тортди. Димоғида ғудраниб алланима дея сўкинган бўлди. Бироқ Латиф унга эътибор бермади. Мастдек гандираклаб йўлидан давом этди.

\*\*\*

Розиянинг бир пайтлар орзулари осмон эди. Бир гапириб ўн куладиган, ерга урса осмонга сапчийдиган қизлар хилидан эди. Алоқа коллежини битирди-ю, институтга киришга улгурмади. Эрга тегди! Коллеж яқинида дўкон очиб олган йигит билан севишиб, аҳду паймон қилишиб, хуллас, бу ёғини тезлаштириб юборишди. Рауф яхши йигит эди. Кўнгли бўш, қўли очиқ. Лекин онаси... яъни Розиянинг қайнонаси аждаҳодан нари-бери экан! Келинини ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деявериб жонидан тўйғазди. Кўз очиргани қўймади. Устига-устак, ўртага бефарзандлик муаммоси чиқди. Турмуш қуришганига уч йил тўлди-ю, бироқ Розия оналик бахтига муяссар бўла олмади. Улар бориб учрашмаган на врач, на табиб қолди. Не бир дуохону фолбинларга дуч бўлмади дейсиз. Лекин барчаси бефойда. Қайнонасининг қаҳри эса кундан кунга ортарди. Ўртада Рауф шўрлик қийналиб кетди. Хотинини эплаб ҳимоя қилаолмади. Охир-оқибат онасига таслим бўлди. Хотини билан ажрашди. Розия дунёда севги-муҳаббат бор, у ҳамма нарсага қодир, ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтади, дея ишонарди. Лекин тақдир аёлнинг содда ишончлари устидан кулди. Шу-шу Розия бироз одамови, жиддий ва серзарда бўлиб қолди. У онасиникига

қайтиб келгач, темир йўл вокзалида ишлай бошлади. Ҳа адашиб-улоқиб кетган бахтининг йўлига кўз тикди. Орадан бир йил ўтди. Шу орада бир-икки сўққабаш эркаклар совчи қўйган бўлишди. Лекин Розия қатъий рад этди. Онаси лаб тишлаб, ерга қаради. У қизининг яна оила қуришини, бахтли, ували-жували бўлиб кетишини истарди. Лекин буни ошқора айтишга ийманар, қизининг онам уйга сиғдирмаяпти, деган хаёлга боришидан чўчир эди. Шу тахлит орадан яна бир йил ўтди. Розия ишдан ҳориб-чарчаб, паришон келган кунларнинг бирида, онаси, оҳиста гап бошлади.

– Қизим, амакиннинг ҳалиги дўстидан яна совчи келди.

Истар-истамас чой хўплаб ўтирган Розия норози чимирилди.

– Қанақа дўсти?

– Айтим-ку, Бешпанжа маҳалласида турадиган, Абдуғани...

– Ойижон, – дея гапни бўлди Розия, – қўйинг ўшани.

– Нега энди, жон қизим, туппа-тузук экан-ку?! Топиш-тутиши ҳам ёмонмаскан қизим, сендан атиги ўн беш ёш катта экан, холос.

– Атиги эмиш, – деб истеҳзоли кулди Розия.

– Гап ёшда эмас-ку, жон қизим. Эркакнинг ёши улўроғи тузук, қадринга етади. Устига-устак, у бечора ҳам тақдирдан қуйган экан. Хотини икки нафар гўдаги билан автобус ҳалокатида нобуд бўлган эмиш.

– Ойижон, – деди Розия бир чеккага маъюс тикилиб, – кўп куйинманг, хўп, мен рози. Биламан, эримдан ажралиб келиб, сизларни иснодга қўйдим. Начора, у шўрлик ҳам уч йил фарзанд кутди. Мен... мен умидларини пучга чиқардим.

– Қизим, – онаси изтироб билан интилиб, Розиянинг елкасидан кучган бўлди, – унақа гапларни қўй, асалим. Қанақа иснод, нималар деяпсан. Тақдиринг шунчалар экан, ноилож. Жон қизим.

Онанинг ҳам, Розиянинг ҳам кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Ойижон, рост айтаяпман, мен рози. Мен туғмас аёлга эр танлашни ким қўйибди. Ойижон, ўлсам ҳам энди бундан ажралишмайман.

Эртаси куни Розия бўлажак эр билан учрашди. Ҳа кунлари қиморда бир-икки қўли баланд келган Ғани бир соатлик халифа эди. Розияга саховат ва меҳр кўрсатган бўлди. Шаҳар айлангирди.

Ғоят серҳашам ресторанга олиб кирди. Хуллас, аёлнинг кўнглида илиқ ҳислар уйғотди. Орадан бир ойча ўтиб, кичкинагина тўй қилган бўлишди. Никоҳ ўқитишди. Кўз очиб юмгунча Розия Ғанининг хотинига айланди-қолди. Аввал бошида турмушлари ёмон кечмади. Муносабатлар ширингина эди. Рўзғор тўкин. Розия эрта кетиб, кеч қайтадиган эрини ортиқ тергамас, нималар билан машғуллигини сўраб-суришгирмасди. Ғанининг учига чиққан қиморбоз, такасалтанг эканини билганида анча кеч бўлганди. Бир куни Розия уйда, рўзғор юмушлари билан андармон бўлиб турганида эри кириб келди. Оғзи қулоғида, кўзи сузук. Димоғида хиргойи. Розия енгилгина салом-алик қилган бўлди.

– Жиз-пизингдан опкел, хотин, – деди Ғани ўзини кўрпача устига ташлаб. – Шошиляпман, кетишим керак.

Розия хонтахта устига дастурхон ёзди. Эри негидир ғалати бир тарзда сузилиб, уни жирканганнамо кузатиб турарди.

– Намунча тикиласиз, – деди Розия ўнғайсизланиб. – Яна бўкиб ичибсиз-а?

Ғани ўшайди.

– Йў-ўқ, адашдингиз, хоним, бу сафар бўкмай чекдим, – у чўнтагидан қоғозга ўроғлик нарса чиқарди. – Мана, истасангиз сиз ҳам татиб кўринг, жонгинам.

– Раҳмат, ўзингизга буюрсин. Мен унақа нарсалардан ҳазар қиламан.

Ғани артистларча қаҳ-қаҳ отиб кулган бўлди.

– Ҳазар қилармишлар, мисоли фаришта бу бизнинг ойимча. Ўвв, бу ҳалол нарса, ҳалол пулимга олганман. Мана, мана!

Эр гоҳ у чўнтагидан, гоҳ бу чўнтагидан пул чиқариб, хонтахта устига уйиб қўйди. Сўнг қўлларини паҳса қилиб ўшқира кетди.

– Истаганимча дори олиб чекаман, истаганимча ароқ ичман, маишат қиламан. Керак бўлса, бутун шаҳарни сотиб оламан, билиб қўй, бутун шаҳарни. Мени Ғани бойвачча дейдилар. Қиморнинг хўрозиман.

– Лекин ҳеч қачон бахт сотиб ололмайсиз.

Ғани яна қаҳ-қаҳ отиб кулган бўлди.

– Оҳ-о-о, нақадар гўзал сўзлар. Бахт, севги. Ўв-в! – деб бўкирди эр ногоҳ жиддий ва қаҳрли тусга кириб. – Ўв-в! Сен менга фалсафа сўққинча туғишни ўйла, туғишни. Бир йилдан бери кўзимиз тўрт-ку. Ойимча. Бор, чой-пойингни опкел. Э, ўргилдим сендақа қисир файласуфдан. Шошиляпман.

Розия аранг ошхонага етиб борди. Томоғига қаттиқ данакдек қадалиб турган хўрлик туйқус ташқарига отилиб чиқди. У баралла хўнграб йиғлаб юборди.

Бу ҳақоратлар ҳам ҳолва экан! Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас унинг шаънини, муқаддас туйғуларини ерпарчин қилган мудҳиш воқеа содир бўлиб ўтди. Бу кулфат қандай бошланганини кейинчалик Розия бир танишидан эшитди.

Кўкғумбаздаги қиморхона одатдагидек гавжум. Хўжрада айқаш-уйқаш бўлиб ётган қиморбозлар бутун диққатни ўртага қаратган. Кимдир узала чўзилган, кимдир чўкка тушган. Ўртада пул, тоғдай уюлиб турибди. Маст-алест Ғани терлаб кетган. Бит кўзлари теваракка тез-тез ташвиш-тахлика билан аланглайди.

– Ғани ака, мард бўлинг, – деди Наби эрмакка қарта чийлар экан, – мана, тўрт хонали уйингизни ҳам ютқаздингиз.

Даврадагилар хо-холаб кулишди.

Ғани шишадан тўкиб-сочиб ароқ қуйиб ичди.

– Мен мардман, авваллари қандай ютган бўлсам, энди шундай ютқаздим. Ҳозир яна ютаман, иншооллоҳ. Қани, суз.

– Ўв-в, чиранчик, – деб қад ростлади Абрай лочин. – Энди битингни тикиб ўйнайсанми? Бор-будингни бой бериб бўлдинг-ку?!

– Ҳовлимни тикаман, – деб мастона ғудранди Ғани.

– Ҳовлингни?! – деб қийқириб юборди Рустам. – У қанақасига сенинг ҳовлинг. Кимники эканини биламиз. Абрай лочин таҳдид билан Ғанига ўқрайди.

– Фақат ўзингнинг нарсангни тик. Бировларнинг мулкани аралаштирма, жанжалга тобим йўқ.

Ғани яна ароқ қуйиб ичди. Бурун катаклари пир-пир учаркан, кўзлари ғазаб билан ёнди.

– Хотинимни тикаман.  
– Хотинингни?! – беихтиёр қичқириб юборди Наби.  
Даврадагилар хангу манг қотди. Чунки Кўкгумбаз қиморхонасида ҳали ҳеч бунақаси бўлмаганди. Орага бир зум таҳликали жимлик инди.

Ғани яна тўкиб-сочиб пиёласига ароқ қуйди.

– Ҳа, хотинимни тикдим.

– Ўв, сўтак, – деди Абрай лочин ғазаб билан унинг ёқасидан оларкан, – ҳазилингни йиғиштир. Бу ер минг ўйлаб бир гапирадиган жой.

Ғани Абрай лочиннинг чангалидан бир амаллаб қутуларкан, мастона ғудранди.

– Гапим гап. Туғмас хотин қиморга ярамаса нимага ярайди. – У ўз гапидан ўзи нашъаланиб кулди.  
– Қани, қартани сузинглар.

Ўша тун Розия алламаҳалгача телевизор томоша қилиб ўтирди. Негадир ҳеч уйқуси келмасди. Кўнгли ҳамишагидек зим-зиё. У эринибгина кийимларини алмаштириб, кўзгу ёнида сочларини тарай бошлади. Шу пайт кўча эшиги тарақлаб очилди. Ғани кириб келди. Ипириқки, ғирт маст. У Розияга қараб тиржайди. Сўнг гандираклаган кўйи ёнига келиб, қучоқлашга ҳаракат қилди.

– Жонгинам, мен билан бир ерга бориб келишинг керак.

– Вой, қаёққа?! – сергакланди Розия. – Ярим кечаси-я?!

Ғани чайналганча тўнғиллади.

– Сен... сен агар чин хотиним бўлсанг, мени қутқаришинг керак.

Эрининг афтодаҳол, эзилиб туриши раҳмини келтирган Розия шоша-пиша сочларини йиға бошлади

– Қўлимдан келса жоним билан, Ғани ака.

– Сени... мен... – деди эр йиғлоқи бир товушда. – Қиморга ютқазиб қўйдим. Кечир мени, Розия.

– А! Нима?! – беихтиёр қичқириб юборди аёл худди бошига тўқмоқ теккандай.

Ғани туйқус тиз чўкиб, Розиянинг оёқларини кучди.

– Жоним, мени кечир, мени тушун, – деди ютоқиб ғудранаркан. – Розия, пул топиб сени яна қайтиб оламан. Ишон, жоним, ишон. Лекин сен ҳозир мен билан боришинг керак. Ишон, сени албатта қайтиб оламан. Бу воқеани ҳеч юзингга солмайман. Ҳамишагидай яшайверамиз. Розия, ишон менга. Ит теккан билан дарё ҳаром бўлмайди. Сени севиб яшайман, севиб. Бир марта мени қутқар. Қулинг бўлай, умрбод вафодоринг бўлай.

Розия тошдай қотиб турарди. Аввалига ҳаммаси ҳазил, мени кўрқитиш учун шундай қиляпти деб ўйлади. Сўнг туш кўряпман, туш, ҳозир уйғониб кетаман, деган хаёлга борди, кўзларини бир-икки очиб юмди. Йўқ, ҳаммаси ҳақиқат, аччиқ ва бешафқат ҳақиқат!

Розия ўпкаси тўлиб орқага тисарилди. Худди нажот излагандай теваракка аланглади. Шундагина эшик ёнида қўққайиб турган икки барзангига кўзи тушди. Кўзи тушдию, баралла хўнграб юборди.

Шаҳар қоп-қора тун куйиндисига қоришиб ётарди. Ўтиб-қайтаётган машиналар фарасидан таралган ёғду кўзларга тигдек-тигдек қадалади.

Улар зум ўтмай Кўкгумбазга етишди. Пастқам ҳужралардан ўтиб, қиморхонага киришди. Ичкарида тер ва тамаки иси анқийди. Йўлақда оёқ кийимлар остинустун бўлиб ётибди. Хона чироғи худди ҳоригандай хира нур таратади.

– Хў-ўш, – деди хужра тўрида ўтирган Абрай лочин. Наби орқасига имо қилди.

– Келишди, хўжайин.

Абрай лочин тавозеъ билан турган Ғанига нафрат ила юзланиб, ичкаридаги хонага имо қилди.

– Қани, Ғанишер, бошлаб кириг ютуғимизни. Ичкарига киргизиб, ўз кўлингиз билан ечинтиринг.

– Кейин ўзингиз қўл-оёғини ушлаб турасиз, – деб луқма ташлади кимдир.

Ғани бош эккан кўйи Розияни бошлаб кирди. Бутун давра уларни жим кузатиб турарди. Ғани хотинини қиморбозлар олдида бир зум кўз-кўз қилгач, ичкари хонага олиб кирди. Ўтирганлар жим, бир-бири билан маъноли-маъноли кўз уриштиришади. Ичкаридан Розиянинг ҳиқ-ҳиқ йиғиси, Ғанининг алланималар деб уни юпатиб, ечинишга ундаётгани эшитилади.

– Тайёр, Абрай ака, – деб ғудранди бир оздан сўнг қайтиб чиққан Ғани.

Даврага яна ваҳимали жимлик чўқди. Абрай лочин қош-қовоқ уйиб ўрнидан турди. Томоқ кирди. Сўнг туйқус Ғанининг юз-кўзи аралаш мушт туширди. Ғани бўсағага гурсиллаб қуларкан, инграб юборди.

– Мени ким деб ўйлаяпсан, даюс! – деб қичқирди Абрай лочин, унинг устига бостириб келаркан, сўнг ўтирганларга юзланди. – Олиб чиқинглар буни! Умрбод эсидан чиқмайдиган қилиб қўйинглар.

Наби, Рустам ва бошқалар Ғанига ташланишди. Кимдир тепди, кимдир биқинига мушт туширди. Сўнг ҳовлига олиб чиқиб янада кучлироқ дўппослашди. Ғанининг оҳ-нолалари тун бағрини тилиб ўтарди. Охири беҳол чўзилиб қолди. Қиморбозлар унинг устбошига сийишди.

Розия яна қайта кийиниб олгач, ёнига Абрай лочин кирди.

– Йиғлама, синглим, – деди у мўйловларини силаб. – Биздан ўтган бўлса кечир. Анови ифлосни бу даражага боради, деб ўйламагандим. Кечир, бизнинг ҳам опа-сингил, қизларимиз бор.

– Сизлар мени кечиринглар, – деди Розия аранг пичирлаб.

Шу пайт бўсағада Наби пайдо бўлди.

– Синглимизни яна уйига олиб бориб қўйинглар, – деди Абрай лочин.

Розия қиморбозга миннатдорона кўз ташлади.

– Раҳмат, ака. Яхшилигингизни унутмайман, – деди пичирлаб.

– Лекин, билиб қўй, – деди Абрай лочин, – барибир эрининг қарзидан воз кечмаймиз. Қимор ҳаёти шунақа. Фоизлари билан бўйнига илиб қўямиз. Секин-секин тўлаб юради. Йўқса ит кунини бошига соламиз. Ҳа, айтганча, унга тайинлайман, сендан эмаклаб кечирим сўрайди. Оёқларингни ўпади.

Дарҳақиқат шундай бўлди.

Эртаси куни эрталаб Розия ётоқхонада мағрур ва жиддий қиёфада тик турарди. Тунги калтак зарблари юз-кўзида акс этган Ғани ерга тиззалаганча хотинининг оёқларини кучмоқчи бўлади.

– Менга қўл теккизма, беномус! – деди Розия тисарилиб. – Сендан ҳазар қиламан.

Ғани тиззалаб яқинлашган кўйи йиғламсиради.

– Кечир мени, Розия. Сени бошимда кўтариб юрман, бу воқеаларни ҳеч қачон эсинга солмайман. Сен ҳам унут, жонгинам, унут!

– Ҳеч қачон, балки сен унутарсан, лекин мен... – аёлнинг кўзларида ғилт-ғилт ёш айланди. – Сени Худого солдим.

Ғани яна хотинининг оёқларини қучишга ҳаракат қилди.

– Ит теккан билан дарё ҳаром бўлмайди, Розия. Биз бахтли яшаймиз. Бой-бадавлат яшаймиз. Шоҳона яшаймиз, жонгинам, шоҳона. Сен... сен менга ишонмаяпсан, шекилли, а, ишонмаяпсан. Ҳозир... Ҳозир... Ғани аҳмоқ эмас. Улар шоҳида юрса, мен баргида рақс тушаман, ҳа-ҳа-ҳа. Ҳозир, жонгинам, ҳозир...

Эр шундай ғудранганча ичкари хонага кириб, уй жиҳозлари орасида ҳовлиққанча титкилана кетди. Розия уни жим ва бепарво, жирканганнамо кузатиб турарди. Ғани ниҳоят аллақадан истаган нарсасини топди.

– Мана, жонгинам, мана! – дея у банк омонат дафт-тарчасини тантанавор силкитди. – Уларни бопладим. Ўзимни пулим йўқликка солдим. Мана, қара, бу ерда нақ ўн беш йилга етадиган жамғарма бор. Ҳали яна кўпаяди.

Ғани ҳовлиққан, ҳаяжонланган кўйи омонат дафт-тарчасини варақлаб кўрсатди.

– Мана, сени зарга ўраб кўяман, хотин, – деди у энтиккан, ютоққан куйи. – Сал кейинроқ сенинг номингга машина оламыз. Айтдим-ку, ҳамма воқеани унутаман. Энди... Энди, жонгинам, сен ҳам унут. Бирор ерда гапириб юрма, қариндошлар эшитмасин.

– Хотиржам бўл, – деб истеҳзоли илжайди Розия.

Ғани яна уни қучишга уринди. Аёл тагин ўзини олиб қочди.

– Қўлингни торт, даюс. Энди менга ҳеч қачон яқинлашма. Шунинг эвазига қилмишларинг ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайман. Бошқа нарсанг ўзингга сийлов. Сени Худого солдим, яратганнинг Ўзи жазоингни берсин.

Розия туйқус асабий, телбавор тарзда банк дафт-тарчасини юлқиб олиб варақлади. Сўнг хохолаб кулди. Кула-кула дафт-тарчани эрининг юзига улоқтирди. Ғани ҳе-ҳелаб кулди.

\* \* \*

Розия ўз иш ўрнида, вокзал маълумотлар хонасининг каталакдек, ёп-ёруғ хонасида маъюс ва паришон ўтираркан, худди шу воқеаларни изтироб билан эслади.

– Қарғишим тутди сени, Ғани, – дея пичирлади у ўз-ўзига. – Ит эдинг, ит ўлимини топдинг.

Шу чоғ вокзал ичкарисига кирган икки нафар милиция ходими теваракни синчиклаб кўздан кечирди, сўнг маълумотлар хонаси томон юришди.

– Кечирасиз, синглим, – деди улардан бири туйнукдан мўралаб. – Мабодо, мана бу нусхага кўзингиз тушмадимми?

Милиция ходими Розияга кичик бир суратни узатди. Розия суратдаги Латифни дарров таниди. Ўтган тундаги унинг кулимсираб турган чехраси лоп этиб кўз ўнгида жонланди. Бироқ аёл эҳтиёт йўлини тутди.

– Билмадим, – деди елка учуриб. – Бу ердан қанча одам ўтиб-қайтади, ҳаммасини эслаб қолиш қийин.

– Мабодо кўзингиз тушса дарҳол бизга хабар қилинг.

– Намунча, жуда зарурми?

Икки милиционер ўзаро кўз уриштириб олишди.

– Ҳа, зарур, жуда зарур, – деди ўша сурат узатгани. – У хавфли жиноятчи. Балки сиз ҳам эшитгандирсиз, учинчи микрорайонда қотиллик содир бўлган. Бир киши хотинини жазмани билан тутиб олган. Сўнг хотинини пичоқлаб, жазман эркакни балкондан улоқтириб юборган, ўзи эса қочиб кетган. Ўша қотил суратдаги мана шу нусха. Латиф Мирзаев.

– У узоқни кўзлаб йўлга чиққан бўлиши мумкин, – дея гапга аралашди иккинчи милиция ходими, – шунинг учун сизга тайинлаяпмиз, синглим. Бунақа одамлар довдираб, гангиб тез кўзга ташланади. Сиздан илтимос, теваракка озгина эътиборли бўлиб турсангиз.

– Яхши. Албатта, эътиборли бўламан, – деди Розия суратни қайтиб узатаркан. – Мабодо кўзим тушса вокзал милицияхонасига хабар бераман.

Милиция ходими кулди.

– Нега суратни қайтиб беряпсиз. Усиз қандай танийсиз. Бу сурат сизга, бизга ўзимизники етарли.

Посбонлар кетишди. Розия Латифнинг суратига яна ўғринча кўз ташлади. Ўтган тунда туйнук олдида ўралашиб турган Латиф, унинг кулишлари, қилиқлари яна бир-бир хаёлидан ўтди.

– Демак, Ғани шунинг хотини билан юраркан-да... – дея ўз-ўзига пичирлади аёл. – Латифнинг сафарга чиққанини эшитиб дарров етиб борган. Сўнг Латиф ака поездга улгурмай қайтиб боргану...

Розия гўё чинқириб юборишдан кўрққандай кафти билан оғзини беркитди. Кўзлари катта-катта очилди.

Айни пайтда аёл Наби, Рустам деган қиморбозлар “мумиё” топиш илинжида унинг ҳовлисига девор ошиб киришганини, бироқ орган ходимлари томонидан кўйилган пистирмага дуч келиб, кўлга тушишганини билмасди.

\* \* \*

Латиф тункезар арвоҳлардек изғиб-изғиб шаҳар жанубидаги истироҳат боғларидан бирининг ҳудудига кириб қолди. У тунаш илинжида қулайроқ жой ахтариб юрарди. Назарида, ҳануз дов-дарахтдан иборат бу маскан унинг учун бошпана бўладигандек туюлди.

Баланд-баланд дарахтлар гўё йигитнинг аҳволига ачингандай шамолда энгил чайқалиб, шитирлаган шивирлаган товуш чиқаради. Қайлардадир тун ҳашаротлари чириллайди.

Латиф куюққина буталар панасини кўзлаб ўша томонга юрди. Лекин етган жойда илкис тўхтади. Чунки буталар тагига ястанган аллақандай йигит ва қиз бир-бирини ялаб-юлқашарди. Латиф қаён юрарини билмай, бир зум уларга анграйиб қолди.

– Ўв, брат, – дея туйқус ўшқирди бута тагидан йигит, – намунча бақрайиб қолдингиз, гап борми?

Кўрқиб кетган Латиф ғудранганча у ердан узоқлашди.

Қиз ҳиринглаб кулди.

Қочоқ эр яна анча пайт боғ аро ивирсиб юргач, қулайгина ёғоч ўриндиқ топди. Аввал бироз ўтириб, теваракни томоша қилди. Сўнг оёқларини йиғиштириб ўриндиқ устига ётди. Шу чоғ қай гўрдандир қари дайди ҳассасини дўқиллатиб келиб қолди.

– Эй, бола, – деди у хирилдоқ товушда, – бу жой банд. Қани, бўшат.

Латиф шоша-пиша ўриндикдан турди. Ихраб-ихраб жойига чўзилаётган дайдини анқайганча кузатди.

– Янгимисан дейман, а, болам? – деди қари дайди минғирлаб. – Бу атрофда ҳамма жойлар банд, овора бўлиб юрмагин. Сен яхшиси вокзалга бор. Ҳали уст-бошинг тузуккина экан, мелиса шубҳа қилмайди, йўловчи бўлса керак деб ўйлайди. У ерда маза қилиб ётасан.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат, ота, – деб пўнғиллади Латиф.

Аммо қари дайди ҳеч қандай жавоб бермади. Зум ўтмай унинг баралла хурраги теваракни тутди.

\* \* \*

Вокзал маълумот бериш бўлмасида Розия Латифнинг суратига мамнун ва масрур кайфиятда тикилиб ўтирарди.

– Менинг халоскорим, – деб пичирлади у.

Шу пайт бўлмага хизматдош қиз Барно кириб келди. Розия шоша-пиша суратни яширди.

– Роз, вуй, қанақа зерикмай ўтирибсан? – деди Барно чимирилиб. – Ман роса сиқилиб кетдим.

– Мен ҳам диққинафас бўлиб кетдим. Эндигина олдинга чиқмоқчи бўлиб тургандим.

Шу пайт Розиянинг кўзи вокзалнинг ойнабанд йўлаги ортида минг бир саросима билан гангиб турган Латифга тушди.

– Барнош, – дея зўраки илжайди Розия, – жойимда бироз ўтириб тургин. Жа кўнглим айнипти, бирров очик ҳавога чиқиб келай.

– Бора қол, мен одамларни томоша қилиб ўтириб тураман.

Розия ўрнидан турди. Юраги дук-дук урганича вокзал ташқарисига чиқди. Кўзи билан зимдан Латифни излади. Латиф бош эгиб, елка қисиб вокзал яқинидаги дарахтзор оралаб борарди. Розия тез-тез юриб унга етиб олди. Атроф кимсасиз, қоронғу. Вокзал чароқларининг ғира-шира ёғдуларигина теваракни ола-чалпоқ ёритиб турарди.

– Латиф ака! – деб чақирди Розия, бироз ҳаяжонли товушда.

Қочоқ эркак чўчиб ортига бурилди. Юз-кўзлари тўла таҳлика, ваҳима. Сўнг аёлни таниб, зўраки илжайди.

– Розияхон, сизми?

Улар бир-бирига яқинлашдилар. Розиянинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

– Латиф ака, – деди у беихтиёр эркакнинг кўзларидан тутиб, – сиз менинг халоскоримсиз.

Латиф нега аёл бундай деётганини тушунмай, бир зум каловланиб қолди.

...Айни пайтда ёш изкувар Шербек Узоқов ўз бошлиғи подполковник Манзура Ҳамидовнага ҳеч каловланмай, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб ахборот берарди.

– Манзура Ҳамидовна, сизнинг кўрсатмангиз бўйича Мавлонов Абдуғанининг ҳовлиси атрофига қўйилган пистирма иш берди. Мавлоновнинг ҳам-товоқлари қўлга олинди. Хўш-ш... Мавлоновга тегишли “Москвич”ни ҳам яхшилаб текширдик. Машина салонидан тўрт ярим килограмм наркотик модда топилди.

– Яшанглар, йигитлар. Айтганча, анови қочоқ эр ҳали топилмадимми? Ишхонасини аниқлаб, суриштирдиларингми?

– Суриштирдик, Манзура Ҳамидовна. Айни пайтда у меҳнат таътилида экан. Умуман, уни қидириш давом этаяпти. Эртагача дараги чиқиб қолар.

– Яхши, бўшашманглар, – деб қўйди подполковник аёл, аллақандай қоғозларни титкилашга тушаркан. Шербек Узоқов тура бошлади.

– Айтганча, Манзура Ҳамидовна, Абдуғанининг ҳовлиси ёнида қўлга олинганлар дастлабки терговдан ўтишди. Калаванинг учи Абрай лочинга қараб кетяпти.

– Шунақами? – деди бошлиқ ўйчан.

Улар маъноли кўз уриштириб олишди.

\* \* \*

Латиф ва Розия дарахтлар панасидаги ёғоч ўриндикқа ёнма-ён ўтиришди. Аёл шўлқ-шўлқ йиғлаб, аҳён-аҳён синиқ илжайганча Латифга кўз ташлаб кўяди. Латиф ҳануз ҳангу манг, катта-катта очилган кўзлари пир-пир учади, оғзи ним очик.

– Демак, ўша чўчка сизнинг эрингиз экан-да?!

– Ҳа, ҳа, – деди Розия титроқ тўла товушда. – Сиз ўша исқиртни ўлдириб мен шўрликка қанчалар яхшилик қилганингизни билмайсиз, Латиф ака! Мени балолардан кутқардингиз. Яратганга шукур, дунёда сиздек мард, номусли эркаклар ҳам бор.

Латиф ҳануз аңқовланиб турган куйи ўзича эътироз билдиришга, “уни мен ўлдирганим йўқ” дейишга чоғланди-ю, бироқ тағин ботина олмади.

– Розияхон, мен... мен...

Аёл ошқора меҳр билан эркакнинг титраётган кўзларини кафтига олди.

– Биламан, Латиф ака, сиз ҳам қаттиқ изтиробдасиз. Бир... бир беномус суюқоёқнинг иснодига қолдингиз. Лекин... лекин, унутманг, келажак ҳали олдинда. Сиздай оққўнгил, ориятли инсоннинг қадрига етадиган аёл ҳамиша топилади. Ишонинг, ўша аёл бир умр чўрингиз бўлишга ҳам рози.

Латиф Розиянинг кўлидан кўлини оҳиста бўшатиб оларкан, теваракка аланг-жаланг қараб олди.

– Розияхон, биласиз, мен... мен қочиб юрибман.

Унинг гапи тугамасдан аёл алланима эсига тушгандай сапчиб туриб кетди. Унинг туйқус ҳаракатидан чўчиб тушган Латиф ҳам ирғиб турди. Розиянинг боя ёлвориб турган кўзлари катта-катта очик, гўё қичқириб юборишдан қўрққандай бир кафти билан оғзини тўсган.

– Айтганча сизни... – деб ваҳимали пичирлади у, – сизни излаб юришибди-ку?! Вой, энди нима қилдиг-а?!

– Тўғриси, бошим қотиб қолди. Россия томонларга қочиб кетсамми деб турибман.

Розия бир зум ўйланиб тургач, туйқус жонланди.

– Яхши фикр, Латиф ака, жуда тўғри. Мен Новосибирск поездига чипта ундираман.

– Поезд қачон бўлади?

– Эртага кечқурун.

Латиф ҳафсаласи пир кайфиятда минғирлади:

– Уф-ф, унғача-чи, унғача қаерда жон сақлайман.

– Унғача меникида яшириниб тура қоласиз, ҳеч ким шубҳаланмайди. Мен ҳозир сумкамдан уй калитларини опкеламан, ҳозир. Сиз жиндек кутиб туринг.

Аёл ҳовлиққанича кета бошлади.

– Розияхон, – деди Латиф титроқли бир товушда.

Аёл таққа тўхтаб, ортига қайрилди.

– Лаббай, ака.

– Розияхон, овора бўлманг, – деди Латиф аёлга яқин бориб, – мен ўзимни органга топширишга қарор қилдим. Бу ёғи пешонамдан, бир бошга бир ўлим, дегандай.

Розия туйқус ўзини эркакнинг қучоғига урди.

– Йўқ, Латиф ака, йўқ!

Аёлнинг чинқирганнамо товуши бироз наридан ўтиб кетаётган икки милиция патрулининг диққатини тортди. Улар ғўнғир-ғўнғир гаплашиб боришаётган жойида таққа тўхташди. Ўзаро маъноли-маъноли кўз уриштиришди. Чинқирдики “Йўқ! Йўқ!” келган томон аланглашди.

– Аёлни зўрлашмоқчи шекилли, а? – деди новчароқ милиция ходими дарахтлар орасига сергаклик билан тикилиб.

Шериги қизиқсинди.

– Юр-чи, нима гап, суриштирамиз.

Улар эҳтиёткорлик билан бир-бирининг пинжига тикилган эркак ва аёлга яқинлашдилар.

– Эй, аёлни қўйвор! – деди новча милиция ходими.

Шериги гўёки ёнидан тўппонча чиқармоқчи бўлди.

– Қилиқ чиқарсанг, отаман.

Розияни шоша-пиша қучоғидан бўшатиб, қочишга шайланган Латиф қалт-қалт титраганича қўлларини кўтарди. Розия жиққа ёш кўзлари билан гоҳ милиция ходимларига, гоҳ Латифга илтижоли термулди.

\* \* \*

Вақтинчалик ҳибсхонанинг қулфлари шарақлаб очилди. Соч-соқоли ўсиқ, кир-чир Латифни икки милиция ходими етаклаб чиқишди. Ва узун йўлак бўйлаб тергов бўлимига бошлаб кетишди.

Латиф изтироб ва таҳликада. Кўз ўнгида Абрай лочин, хаёлида унинг танбеҳли сўзлари: “Тоғанга тортмабсан, ўв, бола... Ўзинг мен ўлдирдим деб боришинг керак эди”.

– Йўқ, тоғамга тортганман, – беихтиёр димоғида пичирлади Латиф. – Ҳа, ўлдирдим дейман.

Маҳбусни ўртада олиб кетаётган кўриқчилар унинг афтига ажабсиниб кўз ташлашди.

– Эй, нима деб тўнғиллаяпсан, – деди бири. – Ким билан гаплашяпсан?

– Жин билан.

Орқадаги кўриқчи у ён-бу ён жиддий қиёфада аланглади.

– Бу ерда гаплашиш мумкин эмас.

Улар яна пича юришгач, қора дермантин қопланган эшикка кўндаланг бўлишди. Олдинда бораётган кўриқчи ичкарига бош суқиб ахборот берди.

– Олиб киринг, – деди темирдек жаранглаган бир овоз.

Кўриқчилар Латифни ичкарига киритиб юбориб, ўзлари йўлакда қолишди.

Хона торгина эди. Оддий жиҳозланган. Тўрдаги жигартус стол ортида катта лейтенант Шербек Узоқов жиддий бир қиёфада ўтирибди.

– Марҳамат, ўтиринг, Мирзаев.

Латиф саросима билан кўрсатилган жойга чўкди. Узоқов унга синчков-синчков тикилди.

– Нега қочиб юрибсиз, Мирзаев?

– Қочганим йўқ, – дея тўнғиллади Латиф.

Шербек худди тарсаки туширмоқчидай у томон илкис энгашди.

– Ёлғон, ўз хонадонингизда Тўлаева Амирани ва Мавлонов Абдуғанини ўлдириб, сўнг жуфтакни ростлагансиз. Бунга бизда етарли далиллар бор.

Латиф терговчига катта-катта очилган кўзларини пирпиратганча термулди. Бир зум Узоқов ўрнида Абрай лочин жонланди, унинг сўзлари қулоқлари остида жаранглади. “Тоғанга тортмабсан, ўв, бола. Мен ўлдирдим деб ўзинг боришинг керак эди...”

– Йўқ, асло... – беихтиёр минғирлаб юборди Латиф.

Шербек ажабланди:

– Тушунмадим. Нима деб ғўлдирадингиз?

– А? – деди Латиф туйқус уйқудан чўчиб уйғонгандай, терговчига анқаяр экан, – нима?

Шербек истеҳзоли кулимсиради.

– Йўқ! – деди Латиф жон ҳолатда. – Ҳаммаси ёлғон. Уларни мен ўлдирганим йўқ.

– Хўш, буни қандай исботлайсиз.

– Исботим йўқ, – деди Латиф бўшашиб. – Лекин мен ўлдирмаганман.

– Хўп, унда воқеа қандай содир бўлганини айтиб беринг.

Латиф бир чеккага хомуш тикилиб чуқур тин олди...

Чамаси бир соатлардан сўнг Шербек Узоқов подполковник Манзура Ҳамидовнанинг ҳузурига тантанавор кириб борди.

– Манзура Ҳамидовна, Мирзаев Латифнинг кўрсатмалари диктофондаги ёзувларга тўла-тўқис тўғри келди. Мана, – катта лейтенант қоғоз тахламини бошлиғи томон суриб қўйди, – ёзма ҳисоботда ўша воқеа жараёни тўла баён қилинган.

– Шунақами, – деди подполковник аёл бироз ўйчан, сўнг жилмайди, – у ҳолда яхши. Биринчи чигал ишни муваффақиятли ҳал қилганингиз билан табриклайман. Хўш, иккинчи масала нима бўляпти?

– Бу иш ҳам тезда ҳал бўлади.

– Раҳмат, укажон. Ғайрат қилинг.

Улар бир-бирига мамнун жилмайиб қўйишди.

\* \* \*

Тушга яқин ички ишлар идорасининг кириш йўлагида Розия пайдо бўлди.

– Хўш, хизмат? – деб сўради навбатчи.

Аёл чақирув қоғозини узатди.

– Мени катта лейтенант Шербек Узоқов чақиртирган эди.

– Марҳамат, ўтинг.

Айни пайтда Шербек Узоқов ўз хонасида аллақандай қоғозларни узоқ қоралади-да, қаршисида бош эгган куйи хомуш ўтирган Латифга юзланди.

– Мирзаев, умуман, сиз озодсиз. Аммо чақиртирилган вақтда тағин бир-икки келиб кетишингизга тўғри келади. Баъзи бир расмиятчиликларни ўтказишимиз шарт.

Латиф ҳангу манг қотди. Юз-кўзларига қувонч ва ҳаяжон қалқиб чиқди.

Кўп ўтмай уни бошқа хонага ўтказишди. Бу ерда Розия хаёлчан ўтирарди. У Латифни кўриб бир қалқиб тушди.

– Учрашган жойимизни қаранг-а, – деди қочоқ эркак илжайиб, – сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?

Розия пичирлади.

– Ҳали кейин айтаман. Сиз-чи? Сизни озод қи-  
лишдимми?

– Ҳа, – деди Латиф томоқ қириб, унинг овози ал-  
ланечук тантанавор чиқди, – далиллари йўқ экан.

– Вой, қандай яхши!

– Тиш-ш... – деди Латиф лабига бармоқ босиб.

Бироздан сўнг хонага Шербек Узоқов икки мили-  
ция ходими билан кирди.

– Ҳозир иккинги... жасадларни таниб-тасдиқ-  
лашингиз керак. Сўнг бу кўнгилсиз машмашага чек  
кўямиз.

Гўё бегоналардай хурпайишиб ўтирган Розия ва  
Латиф ўзаро маъноли кўз уриштириб олишди.

Терговчи айтган расмиятчилик анча давом этгач,  
ниҳоят, улар идора ҳовлисига чиқишди. Розия ва Ла-  
тиф ёнма-ён, мамнун қиёфада одимлашар эди. Шу  
чоғ ҳовлига кириб келган, милицияга тегишли машина  
эшиклари очилиб, кўриқчилар қуршовида Абрай лочин  
тушди. Қўллари кишанланган. У Латиф ва Розиянинг  
ёнидан ўта-ўта бир зум тўхтади. Кинояли илжайганча  
бош чайқади.

– Роса топишибсизлар-ку, а...

Кўриқчилар Абрай лочинни юришга ундашди. Ла-  
тиф ва Розия унинг гапларига тушунмагандай, орти-  
дан таажжубланиб қараб қолишди.

\* \* \*

Пешин пайти. Боғнинг овлоқ бир чеккасида кимни-  
дир бетоқат кутиб турган, пўримгина кийинган Латиф  
соатига тез-тез қараб кўярди. Дарахтдан-дарахтга па-  
налаб, қувонч ва ҳаяжонда ял-ял яшнаб Розия унинг  
орқа томонидан яқинлашди.

– Яхши йигит, йўл бўлсин?

Латиф чўчиб ортга бурилди. Розияни кўриб мам-  
нун илжайди.

– Фарғарага.

– Фарғаранинг поезди аллақачон кетиб бўлди-ю?!

– Наҳотки?! – деди Латиф аёлнинг қўлидан тутиб.

– У ҳолда Новосибирска!

Улар баб-баравар қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Бир-  
бирларига сирли, ишвали тикилишди. Ногоҳ Розия  
жиддий ва маънос тортиб Латифнинг кўксига бош қўй-  
ди. Сўнг ўйчан пичирлади:

– Аёлга эркак севгисидан, пок муҳаббатидан  
бошқа нарса керак эмас.

Латиф нўноқлик билан унинг сочларини силаган  
бўлди.

– Юрагимнинг тўри сизники, Розияхон.

Улар шу ҳолатда узоқ туриб қолишди. Сўнг Розия  
яна секин пичирлади:

– Кетдикми?

– Кетдик.

\* \* \*

Розиянинг уйи анча кенг ва шином эди. Латиф  
дахлизда чой хўплаб, мамнун ва масрур ўтираркан,  
бунга икром бўлди. Розия суратлар альбомини топиб  
келтириш учун ичкарида куймаланиб юрарди. Ногоҳ  
у собиқ эри яшириб кетган банк дафтарчасини топиб  
олди. Ғазаб ва нафратдан ранги ўзгарди.

– Латиф ака, – деди у дахлизга чиқиб, – ёнингизда  
гугурт борми?

– Зажигалка бор, – деди Латиф чўнтак кавлаб, –  
нимага керак эди?

Розия банк дафтарчасини жирканганнамо кўр-  
сатди.

– Бу ўша пуллар. Ҳали сизга айтиб бергандим-ку,  
ўша ифлоснинг жамғармаси.

Аёл “зажигалка”ни ўт олди. Банк дафтарчаси-  
ни ёқиб юборишга чоғланди. Латиф ҳангу манг, ваҳима  
билан кузатиб турарди.

– Бахтимиз учун, Латиф ака!

Эркак бир интилиб аёл қўлидан банк дафтарчаси-  
ни юлқиб олди.

– Нима қиляпсан, аҳмоқ?!

– Нима?! – Розия бир лаҳза донг қотиб қолди. –  
Бу... анови махлуқдан қолган! Кўрарга кўзим йўқ. Наф-  
ратланаман.

Латиф банк дафтарчасини бамайлихотир чўн-  
тагига тикди.

– Қўйсангиз-чи, ит теккан билан дарё ҳаром бўл-  
майди.

Розия унга ҳангу манг, кўзлари катта-катта очил-  
ган куйи анча пайт тикилиб қолди. Сўнг, хувв, бир пайт-  
лардагидек қаҳ-қаҳ отиб кулди. Латиф ҳиринглаб унга  
қўшилди.





Чемпионлар фарзандлари  
Чемпионлар фарзандлари  
Чемпионлар фарзандлари

Бегойим ХОЛБЕКОВА



Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси йўлланмаси билан

## ЧЕМПИОННИНГ ТУҒИЛИШИ

### ёхуд кенжа ўғил қиссаси

1991 йилнинг 24 ноябрида сўлим Хонобод шаҳридаги Абдурауф Фитрат номидаги кўчанинг 148-уйида қувончли воқеа содир бўлди. Гулчеҳра опа икки ўғилдан кейин яна битта паҳлавондек ўғил кўрди. Юзидан нур таралган чақалоққа Руслан деб исм қўйишди. Чақалоқ нафақат акалари ва ота-онасига, балки кўни-қўшниларига, бутун маҳаллага севинч улашди, боиси уни эркалаган ҳар бир одам ўзида ажойиб бир шукуҳни ҳис этарди...

Руслан Хонободнинг гўзал табиати, тоза ҳавоси, қаймоқ таъмли зилол сувларидан баҳра олиб вояга етди. Отаси Шомил ака кўп йиллардан буён ҳайдовчилик касбини улуғлаб келади. Онаси Гулчеҳра опа ҳамшира. Катта ва ўртанча ўғиллари Хонободдаги "Андижонкабель" заводида компьютер бўйича мутахассис. Руслан, аввало, отаси туфайли спортга меҳр кўйди. Шомил ака ишдан уйга қайтгач, айрим пайтларда чигил ёзиш учун тош кўтаришни машқ қиларди. Уч-тўрт ёшли болакай отаси бажараётган машқларни ҳайрат билан кузатар, унга тақлид қиларди.

"Руслан тўрт ёшидаёқ беш-ўн килограммлик тошни кўтаришга ҳаракат қиларди, кўпинча бунинг уддасидан чиқарди, – дейди биз билан суҳбатда унинг онаси. – Катта ўғилларим ҳам меҳнатсевар, жасур йигитлар, аммо Русланим бошқача. Унинг туғилиши ҳам бошқача бўлган. Чақалоқ қорнимда тўққиз ойлик пайтида ғаройиб бир туш кўрдим. Ту-

шимда Амир Темур бобомиз менга битта оппоқ куш берди. Кушни бағримга маҳкам босиб уйғониб кетдим... Ўшанда ўзимни биринчи марта дунёда тенги

йўқ даражада бахтиёр ҳис этганман. Уч кун ўша ғаройиб туш таъсирида юрдим, тўртинчи кун кенжатоийм Руслан дунёга келган".

Ҳа, бўлажак чемпион ҳали туғилмай туриб, онасининг руҳий-маънавий оламини илоҳий хилқатга кўтарган бўлса, бугунги кунда у онадек муқаддас, азиз ватаннинг довуғини дунёга ёйган чемпион бўлиб етишди.

Руслан 2006-2009 йиллари Андижон Олимпия заҳиралари коллежида ўқиб юрган кезларидан бошлаб, юксак марраларга эришди. Спортнинг оғир атлетика тури бўйича Ўзбекистон чем-

пиони бўлди ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетига имтиёзли равишда талабалikka қабул қилинди. У нуфузли мусобақаларда ўзининг фаол иштироки билан Тошкент Олимпия заҳиралари коллежида ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий (марҳум) Александр Павлович Кимнинг назарига тушди. Александр Павлович Русландаги истеъдод ва ички имкониятларнинг бор бўйи билан юзага чиқишига кўмаклашган меҳрибон мураббий эди. У Русландек қатъиятли шогирдга ишонч билдириб, уни 2007-2012 йилларда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоасида мураббийлик қилган



**Бегойим ХОЛБЕКОВА**

1962 йилда Андижон вилоятида туғилган. Андижон Давлат университетида таҳсил олган. Айни пайтда ушбу олий ўқув юртида талабаларга таржима назарияси ва инглиз филологиясидан сабоқ беради. Моҳир таржимон. Кўпгина чет эллик адибларнинг асарларини ўзбек тилига ағдарган.



туркиялик мутахассис, халқаро тоифадаги спорт устаси ЖеферТўпчуга бириктирди. Руслан Жефер Тўпчудан оғир атлетиканинг назарий ва амалий жиҳатларини, беллашувларда унга асқотадиган сир-асрорларни қунт билан ўрганди. 2009 йилдан шу кунгача унга Халқаро тоифадаги спорт устаси, ҳозирда Андижон Олимпия заҳиралари колледжиди оғир атлетика бўйича қизлар терма жамоаси бош мураббийи Ойбек Турғунов мураббийлик қилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ойбек Турғуновнинг доимий назорати, тинимсиз меҳнати натижасида Руслан Нуриддинов улкан зафарларга эришди. 2009 йилда Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида олтин медаль соҳиби бўлди. Францияда ўтказилган жаҳон биринчилигида штангани силтаб кўтаришда кумуш медалга сазовор бўлиб, 2012 йилда Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё биринчилигида олтин медални қўлга киритди. 2012 йил Лондон Олимпиадасида совриндор, Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган XXVII Бутунжаҳон талабалари универсиадасида ғолиб бўлиш билан бирга универсиада рекордини 2 марта янгиледи. Яқиндагина Польшанинг Вроцлав шаҳри мезбонлик қилган оғир атлетика бўйича 80-жаҳон чемпионатида дунёнинг 59 мамлакатидан 300 нафардан зиёд оғир атлетикачилар орасида 105 килограмм вазн тоифасида кечган баҳсда 425 килограмм натижа билан мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

– Мураббийим Ойбек Турғунов билан пухта тайёргарлик кўрганимиз туфайли Президентимиз

ва халқимизнинг менга билдирган ишончини оқлаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдим. Бутунжаҳон универсиадасидан ғолиб бўлиб қайтганимдан сўнг, энди жаҳон чемпионатида ҳам фақат олтин медаль учун майдонга чиқаман, деб ваъда берган эдим, ваъдамни бажарганимдан хурсандман. Шоҳсупада турган пайтимда давлатимиз байроғи юқори кўтарилиб, мадҳиямиз янграгандаги қувончимни айтмайсизми. Илоҳим, бундай бахтиёр дамлар бутун халқимизга, жумладан, ёш спортчиларга ҳам эш бўлсин, – деди оғир-босиқлик билан Руслан Нуриддинов телефон орқали суҳбатда.

Юртимизда истеъдодларни топиб тарбиялаш билан бирга уларнинг камолга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Биргина Руслан мисолида айтадиган бўлсак, унинг жаҳон спорт майдонида ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишида унга оталарча ғамхўрлик қилган, ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаган беназир инсон – Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош қотиби Шоҳрулла Маҳмудовнинг, Руслан Нуриддинов таҳсил олаётган Андижон давлат университетининг раҳбари профессор Толибжон Мадумаровнинг ёш спортчига яратиб берган шароити, доимий эътибори ва бошқа кўплаб саховатли инсонларнинг меҳр-муҳаббатлари муҳим омиллардан бири бўлди десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

*Оққуш қанот ёйди, қанотлари кенг,  
Парвозга чоғланди, зафарлар қуч денг.  
У учса, доимо ғолиб учади,  
Ватанни кўксига олиб учади.*



*Миср макқоли*

\* *Ушиқ дарди узуми каби тотлидир.*

*Низер макқоли*

\* *Кўлик ғамлар гапирадилар, катта дардлар тилсиздир*

*Амайка макқоли*

\* *Эркак ёшини яшириб, аёл эса яширмай кўйган пайтда қарилгани боилайди.*





## Элга саодатни, дўст, дуоларингда сўра

\* \* \*

Бошига гам тушган куни инсонга инсон кўз тикар,  
Тарк этиблар уйқуни инсонга инсон кўз тикар.

Дардкашим бўлгайми деб, ҳолими сўргайми деб,  
Кўксидан чиқмай уни инсонга инсон кўз тикар.

Бағрима бошин кўйиб йиғлайди неча дўсту ёр,  
Англадим бир маънини – инсонга инсон кўз тикар.

Кўзларим мунгайди гоҳ кўнгилга ҳамдам топмайин,  
Ҳис этурман туйғуни – инсонга инсон кўз тикар.

Шул эрур мардумлиги, шоҳми кул дерсан уни,  
Хоҳи тонгу, хоҳи тун инсонга инсон кўз тикар.

Гоҳи шод бўлганда ҳам, дил обод бўлганда ҳам,  
Шод этай деб кўнглини инсонга инсон кўз тикар.

Тезда бор Чоршамъ сени кутган азизлар ёнига,  
Бузма одоб расмини инсонга инсон кўз тикар.

\* \* \*

Умрдин не хато ўтди – ўзимдин изладим доим,  
Кўнгилдин не бало етди – сўзимдин изладим доим.

Барорим борида билдим муҳаббат жонима аро,  
Фироқдин не нидо етди – кўзимдин изладим доим.

Висол менга маҳол эрди, маҳоллик кўп малол эрди,  
Санамдин не жазо етди – бўзимдин изладим доим.

Кетиб бордим, бошим олиб чўлу саҳро томон ё Раб,  
Йўлимни ким раво этди – изимдин изладим доим.

Ўзимга ёлғиз у равишан нечун Чоршамъга мойилман,  
Тунимни ким қаро этди – рўзимдин изладим доим.

### ЙИҒЛАДИМ

“Бухоро кўчаси тор деб йиғладим”,  
Бағрида бир гўзал бор деб йиғладим.

Сизмайин келгандим бу дунёсига  
У ҳам балки менга зор деб йиғладим.

Кўнглим нофармондур, кўксим бедорман,  
Бу хор ичида ким хор деб йиғладим.

Эл ичра ишқимни ошкор этмайин  
Ошиқни ўлдирар ор деб йиғладим.

Бош олиб кетсамда кенг кўчаларга  
Чоршамъда аламлар бор деб йиғладим.

\* \* \*

Уйқу келмай тунлари дунёсини ўйлайман,  
Еру ҳаво, сув олов, кимёсини ўйлайман.

### ЧОРШАМЪ

1955 йилда Бухоро вилоятида таваллуд топган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Иккинчи нафас”, “Маҳактош”, “Афанди алдамайди”, “Сайланма” сингари шеърий тўпламлари нашр этилган. Ҳозирда “Мозийдан садо” журналида фаолият юритмоқда.

Юлдуз тўла осмонга узоқ-узоқ термулиб  
Зухал, Муштарий, Миррих ,Зухросини ўйлайман.

Ҳаммасига масъулдек биларман ўз-ўзимни  
Одамзоднинг ўтмиши, уқбосини ўйлайман

Қайда эрур ибтидо, қайда бўлур интиҳо,  
Бу борлиқнинг мангули савдосини ўйлайман

Одам бахти нимада бу даври-даврон ичра  
Яшамоқнинг моҳият, маъносини ўйлайман

Ва бир соғинч тўярман муҳаббатга, ҳаётга,  
Руҳи жонимнинг меҳригиёсини ўйлайман.

Чоршамъ, тафаккур этмоқ бахти бор экан шукр,  
Ижод, иштиёқ, назму навосини ўйлайман.

\*\*\*

Биз барибир табиатга тобеъмиз,  
Сирга тўла бу хилқатга тобеъмиз.

Ер устида гавго солиб юрсак ҳам,  
Ер остида сукунатга тобеъмиз.

Муҳаммадга уммат муслим бандалар  
Шариатга, тариқатга тобеъмиз.

Ёлгонларни айтган билан эл аро,  
Охир бир кун ҳақиқатга тобеъмиз.

Бахтимиз бор экан Чоршамъ , дунёда  
Аллоҳ ишиқи – муҳаббатга тобеъмиз.

\*\*\*

Жонимга ҳузур этгувчи жонона газал,  
Кўнглимни олиб ўтгувчи мастона газал.

Ногоҳ келаду нозу таманноси ила  
Оҳанги азал, сўзлари шарқона газал.

Яшнаб кетаду рогоу чаман фасли баҳор  
Булбул туну кун куйласа инсона газал.

Не ташбеҳу, не тилсиму, не жилваси бор  
Оламни асир айласа дурдона газал.

Бўйла, неча даврон ўтибон кўҳна Аруз  
Водийси аро бўлди-ку афсона газал.

Шоир эли дил розини достон этибон  
Бир дона дилин қилгуси минг дона газал.

Тонг огушида ошиғи девона этиб  
Чоршамъни чунон айлади парвона газал.

\*\*\*

Меҳр-мурувватни дўст, дуоларингда сўра,  
Хайру саховатни дўст, дуоларингда сўра.

Мўмин киши хоҳиши охир бўлур ижобат,  
Динга камолотни дўст, дуоларингда сўра.

Бағри бутун, кўкси тик, қўли доим меҳнатда  
Элга саодатни дўст, дуоларингда сўра.

Душманингга душманлик қилиб юргунча зимдан  
Дўстга фароғатни дўст, дуоларингда сўра.

Замон ўтиб, халқ ўтиб қолур фақат яхшилик,  
Яхшига роҳатни дўст, дуоларингда сўра.

Дуоларда ҳикмат кўп, дуоларда давлат мўл,  
Дилга диёнатни дўст, дуоларингда сўра.

Қўл очиб саф ичида тургувчи Чоршамъ учун  
Сўзга садоқатни дўст, дуоларингда сўра.

\*\*\*

Ҳар нима бўлмоғи мумкин бу кеча,  
Ой кулиб тўлмоғи мумкин бу кеча.

Ёр тикиб осмонга ойдин кўзларин,  
Мен томон келмоғи мумкин бу кеча.

Васли ишиқ соғинчи тўлган кўнгил ҳам  
Охири иймоғи мумкин бу кеча.

Икки дунёни унут айлаб чунонан  
Бизга бахт кулмоғи мумкин бу кеча.

Минг кеча кутди бу тунни Чоршамъ эй,  
Ишиқ учун ўлмоғи мумкин бу кеча.





## УЛУҒИМ



Муҳаммад ака ўз шеърларига қуйиб қўйгандек ўхшарди: содда, рост, самимий... Айтганча, самимий дегани нимани англатади, биродари азиз? Кўп ишлатилганидан деҳқоннинг кетмонидек ялтиллаб кетган бу сўзнинг қиёфаси қанақа? “Унинг шеърларидан самимият балқиб туради”, деб ёзишади олимларимиз. Ҳеч тасаввур қилолмайман-да. Ёки бу юракдан чиққан, дўстона айтилган гап деганимикин?

Каминанинг ожиз фикрича, истеъдод қирраларидан бири – самимият. Бу таъриф остида мардоналик, тўғрилиқ, тил ва дил билиш, инсон қалбини теран ҳис қилиш, ҳолатга кира олиш... лар бор.

Муҳаммад аканинг дастлабки шеърларини ўқиганимда қизғалдоқзор адирда почалари шимарилган

ўспирин қуёшга қараб шошмасдан кетаётгандек туюларди. Яна унинг шеърларидан эндигина кўшқулоқ бўлган ялпизнинг ҳидларини туюрдим. Хуллас, ғирт ўзбекча манзара, кайфият эди бу. Тўғри, ҳаммамиз ўзбекча ёзамиз, лекин ҳамма ҳам ўзбекона ёзолмас экан.

*Муҳаббат, эй гўзал изтироб,  
Қоматимни букиб қўйдинг-ку.  
Кўкрагимга қўлингни тираб,  
Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку...*

“Юрагим адо бўлди”, “вайрон бўлди”, “яра бўлди”, ҳатто, “харж бўлди” каби китобий жумлалар кўп. Муҳаммад ака эса росмана халқона қилиб айтади. Юраккинанг тўкилиб кетади.

Ёшлиқдан жуда шеърсевар эдик. Яхши шеърлар ўз-ўзидан ёд бўлиб қоларди. Бир-биримизга айтиб чарчамасдик. Мусобақалашардик ҳам. Севимли шоирининг суратларини альбом қиладиганлар ҳам кўп эди. Қизиқ, газет-журналда чиққан расмига қараб одамнинг яхши-ёмонлигини сезса бўлади. Сизга ҳам шундай кўринадими? Муҳаммад Юсуфнинг “Ёшлик”даги катта сурати деярли ҳамма талабаларнинг ётоқхонасида осиглиқ турарди. Ўша ним табассум, кўз алланечук ёшинқираган. Очиғи, баъзи қизлардан ўша расмларни рашк қилардик. Биз ҳам шоирликка ўзимизча номзод эдик-да.

1988 йил. Биз филология факультетининг иккинчи курс талабасимиз. Замон олағовур, рост-ёлғон аралаш, қизил империя тагига сув кета бошлаган даврларни яхши эсласангиз керак. Ижтимоий дард деганда, албатта, унга малҳамдек бўлиб Муҳаммад аканинг шеърлари ёдингизга тушар. “Бободоҳқон”, “Ўзбек иши”, “Нега йиғламайсан”, “Уруш бўлмасин”, “Пахта”, “Биринчи синф болалари”, “Сўроқ”... ҳар бири жамоатчилик томонидан катта воқеа сифатида қабул қилиниб, қизғин муҳокама-мунозараларга сабаб бўлганди. Ўша йили ёз бошида Фарғонадаги Марказий стадионда катта концерт ташкил қилинди. Сизга ёлғон, менга чин, футбол томошасигаам бунча

мухлис тушмайди: ўтиргани жой йўқ, тумонат одам. Сабаби бор-да, кимсан Таваккал Қодиров бошчилигида буёғи Охунжон Мадалиев торини созлаб турган бўлса, буёғда эса Анвар Обиджону Муҳаммад Юсуфлар чиқиши кутилаётган бўлса... Концерт ўз йўлига, Анвар аканинг олтиариқча ҳазилга йўғрилган шеърлари томошабинларни бир қийқиратиб олди. Устоздан сўнг навбат “ёшларнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфга” берилди. Муҳаммад ака, ўзига хос сал қийрихонроқ одим отиб, минбарга кўтарилди. Стадион сув куйгандек жим. Халқ ўз дардкаш шоирдан ҳар доимгидек кутилмаган бир шеър кутяпти. Шоир бироз бўғиқ, узук овозда “Дўппи” шеърини ўқий бошлади. Мен атрофга қарайман: минглаб мухлис нафас ютиб, саратонда чўллаган йўлчидек ютоқиб тинглаяпти. Ниҳоят шеър якунида фикр портлади: “Бошга лойиқ дўппи йўқми ё, Бош қолмади дўппига лойиқ!” Стадион ларзага тушди. Одамлар жон-жаҳди билан қарсак урарди, ёшларнинг олқишлаб қийқиршидан қулоқлар батанг бўлди. Ёнимда ўтирган Абдулла дўстим кўли билан ишора қилиб бир нарсалар деди. Қарасам, бир киши майдонни кўндаланг кесиб шоирга қараб шитоб боряпти. Минбарга енгил кўтарилдию кўйнидан яп-янги Марғилон дўппини олиб, совринни кўз-кўз қилаётгандек боши узра кўтариб намоиш этди-да, меҳр билан, эҳтиром билан шоирнинг бошига кийгазди. Яна қарсак, яна олқиш. Бу ўзига хос совринда ўзбекона тимсоқ бор эди назаримда.

Ўша кун оқшом Водилга – Турсунали полвонни кига зиёфатга жўнадик. Муҳаммад акалар алоҳида енгил машинада, биз полвоннинг томоша машинасида. Полвон акани биласиз, яхши шеърнинг, ҳақиқий шоирнинг қули. Эҳ-хе, бу дарёдил инсон туфайли қанчадан-қанча ижодкорлар бир-бирини таниган, топган, кўнгли ўсган. Аканинг саховати ҳам ўшанча бор. Шу кеча ҳақиқий назм ва наво кечаси бўлди. Асосий қахрамон, албатта, Муҳаммад Юсуф. Табиийки, даврадагилар шоирдан янги шеър сўрашди. Муҳаммад ака шошмасдан чўнтагидан тўрт букланган қоғозни олди-да, “тандирдан янги узилган, ҳали ўзим ҳам ёд олганим йўқ, сизлар биринчи эшитувчисизлар. Турсунали полвон ўқишга миллий кийимда борса, ректор бу Маданият институти бўлса, тўн кийиб юриш мумкин эмас, деганмиш”, деди-да машхур “Тўн”ини ўқий бошлади.

*Ўзбекнинг тўнини енглари узун,  
Ўзбекнинг жўнини енглари узун.  
Енги узун кўйлак кийманглар сизлар,  
Маданият даргоҳида ўқисангизлар...*

Хизмат қилиб юрган мезбон болакай ҳам шеърга маҳлиё бўлиб кўлида чойнак билан эшикка суйанганча қотиб турарди. Шеър ниҳоятда равон, куйма, табиий, худди Водилсойнинг кумуш сувидек роҳатижон эди. Бир пасдан кейин Полвон ака мени таърифлаб даврага таништиради ва Муҳаммад акадан изн сўраб, каминага навбат берди. Ёшлик экан-да, хотира тиниқ, қон қайноқ, қойил қолдириш, таассурот уйғотиш истаги жўш урган... Шоир менга ёнидан жой

бериб, “ана энди ўқи”, деб буюрди. Полвон ака давранинг у ёқ-бу ёғида гаплашаётганларни “тшш” деб кўрсаткич бармоғи билан ёлғондакам пўписа қилиб тинчитишга киришди. Шеър айта бошладим. Гап-сўз аста-секин тинчиб, даврадагилар таажжубланиб бир-бирига қараб, қош кўтариб имо-ишорага тушди. Мен ҳозиргина Муҳаммад ака ўқиган “тандирдан янги узилган” шеърни тутилмасдан, бамайлихотир ёддан айтиб бермоқда эдим. Шеър тугади. Шоир менга бироз ажабланиб, ҳам иккиланиб қаради. Кейин гап ни мадалигини тушуниб, “Қойил! Икковимиз битта шеърни ёзиб кўйибмиз-а”, деб ҳазиллашди-да, сочимдан ғижимлаб, пешонамга пешонасини дўстона уриб кўйди. Шоирнинг илтифотидан даврага янада файз киргандай бўлди...

\*\*\*

“Мен жумла жаҳонни севаман, бутун инсониятга жоним садаға”, деб айтиш осон. “Бутун дунё оналарига гулдан хайкал қўяман”, деб ҳаммаям айтолади. Лекин биттагина одамни яхши кўриш, қадрлаш, унга яхшилик қилиш анча мушкул иш. Ён кўшнисига керак пайтда ёрдам беролмаган одам жаҳонга нима қилиб берарди дейсиз. Буюк Навоий бежиз “Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай...” деб ёзмаган.

1994 йили Набижон Боқий раҳбарлигида Шоҳимардонга борадиган бўлдик. Набижон ака “Муҳаммад бир зиёрат қилиб келайлик деяпти, йиғиштиринг майда-чуйда ишларни, кетдик”, деди. Хўп, дедик. Кўнмай кўринг-чи! Набижон Боқийни биласизу... Эртаси оқшом Андижон поездига Мусулмон Намоз, Салим Ашур, Муҳаммад Шариф... чиқдик. Азонгача уйқу тугул, ёнбошлаб ётиш ҳам бўлмади. Муҳаммад Юсуфнинг суҳбати, мушоира, улфатчилик (айтганча, у даврларда Набижон ака ажабтовур ичарди). Тонгда Бағдод тумани марказидаги Фурқат станциясида бизни шахсан Абдуқаҳҳор Абдусаматов кутиб олди. Муҳаммад аканинг оёғига кўй сўйилди, мезбонликнинг расм-русумлари бажарилди. Ҳозир “Тоҳир-Бағдод” ижод уйи жойлашган толзорда юзлаб одам йиғилган, байрамона шукуҳ ҳукмрон эди. Ростдан ҳам Муҳаммад Юсуфдек шоир билан юзма-юз учрашиш, шеърларини ўзидан эшитиш қадрини билган одамга тўйдаё гап эмасми? Ахир халқнинг ўз шоири оила аъзосидек қадрдон бўлиб қолади, асарларини ҳар бир одам мен учун ёзилган, менинг ичимдагини ёзган, деб ўйлайди. Салим Ашур иккимиз ҳам шеър ўқидик, олачалоқ қарсак бўлди. Муҳаммад ака кўнглимизни кўтариб, халқдан дуо олиб берди. Сўнг Бағдоддан Шоҳимардонга йўлга чиқдик, ҳоким бува бекаму кўст кузатди. Кўли Қуббон, Ёрдан азиз каби кутлуғ манзилларда уч кун истироҳат қилдик. “Ёз фасли, ёр васли, дўстлар суҳбати” бир умрга эсдалик бўлди. Гаплашилмаган мавзу, тегилмаган масала қолмади. Бироқ ғийбатлашмадик. Қайси шахс ҳақида мундайроқ гап кўзғолса, Муҳаммад ака оғизга урарди: “Ҳеч бўлмаса, Шоҳимардондан уялинглар. Ўша одамнинг ўрнига ўзингизни кўйиб кўринг-чи! Уларга ҳам осон эмас...” Мен аканинг бағрикенглиги, олижаноблигига яна бир бор беш кетдим.

Шоҳимардон марказидаги томоша майдонида иттифоқо устоз Йўлдош Сулаймонни учратиб қолдик. У киши уч-тўрт марғилонлик ижодкорлар билан дам олишга чиққан экан. Узоқдан тўлиб-тошиб, қувончдан чарақлаб, қучоғини очганча Муҳаммад акага пешвоз юрди. Шоирни азамат қучоғига оларкан, тинмай “Улуғим, улуғим-а”, дерди. Йўлдош ака тушлик чоғи чўғара гуручига ош дамлатиб, бизни сийлади. Муҳаммад Юсуф аҳён-аҳён адибга жавобан аския қилмоқчи бўлар, ўхшаса-ўхшамаса, Йўлдош ака тиззасига шаппатлаб, осмонга қараб, силкиниб куларди...

Қайтишда яна Бағдодда кўноқ бўлдик. Устоз маҳаллий полвонларни суриштирди: “Тўра полвон бўларди, тирикми? Рустам полвон ваҳли кетибди-да, атанг... Ёш полвонлар ҳам борми?” Кейин Марҳаматда сайлларда кураш бўлишини, Қозоғистону Татаристондан полвонлар келиб белолиш курашида қатнашган пайтларни эслади. “Аммо ҳаммасидан бағдодликлар зўр чиқарди, Ҳожимуқониниям чалпак қиларди Рустам полвон”, деди.

Меҳмонларга харидор кўп, айниқса, шоирга “бир пиёла чой” таклиф қилганлар сон-саноксиз. Мен қишлоғимга ўтиб, уйдагилар билан хайрлашиб келадиган, кейин Тошкентга қайтадиган бўлдик. Бирдан Муҳаммад ака, “мен ҳам сен билан қишлоғингга бораман”, деб машинага чиқволди. Ҳолатимни тушуниб турибсиз, менга ноқулай, шундай шоирни ҳеч бир тайёргарликсиз ҳовлига олиб бораманми? Гап эшитишим аниқ. Айниқса, Илёс акамдан: “Бир оғиз хабар бериб кўймайсанми, кўй-пўй ёнбошлатиб кутиб олмаимизми? Ҳа, бола ёш!” деган даққини эшитишим тайин. Йўл-йўлакай устоз оилавий шароитни суриштирди. Мен шунчаки гап орасида дадам “Тошкентда одам бўлишингизга кўзим етмайроқ турибди, ундан кўра туманимиз газетасида ишлаганингиз маъқул, Абдуқаҳҳор ўзимизники”, деганини, ўзим ҳам иккиланиб турганимни айтдим. Муҳаммад ака муносабат билдирмади.

Ҳозиргидек эсимда, сўрида ўтирибмиз. Тепамизда ранг ола бошлаган узумлар август шабадасида сокин чайқалади. Акага ҳовлимиз маъқул тушди. “Кенг, саришта экан, ўзбекнинг ҳақиқий ҳовлиси шу-да”, деди тандирга ишора қилиб. Дадам ишда экан, аям дарров чой дамлаб келди. Муҳаммад ака кутилмаганда аямга юзланиб: “Ая, мен қанақа шоирман”, деб сўраб қолди. Аям: “Вой Муҳаммаджон,

сиз энг зўр шоирсиз-да, буни ҳамма билади-ю”, деди чой қайтариб. Шунда устоз бошқача бир овози товланиб, “аяжон, ўғлингиз мenden ўн марта зўр шоир, ҳали кўрасиз, мени айтди дейсиз, фақат буни жойи Тошкентда, менинг ёнимда”, деди. Аям кўзларига ёш олди. Мен билиб турибман, бу гаплар онанинг кўнгли учун, менинг келажаким учун бўрттириб айтилганди. Муҳаммад аканинг шўхратига яқинлашишга мендақаларга йўл бўлсин. Устоз одамни, айниқса, онани мана шундай қадрлар эди.

\* \* \*

Муҳаммад ака турмушнинг майда икир-чикирларига берилмади, ўткинчи туйғуларга ўралашиб қолмади. Куйлаганда бор овози билан, рўй-рост, баланд пардаларда куйлади. Ҳаётини, ижодини буюк мақсадларга бағишлади. У ўз халқини, тупроғини, Ўзбекистонини беғараз яхши кўрарди. Ишончим комилки, агар керак бўлса, Ватан учун ҳеч иккиланмай жонидан кечишга тайёр эди. “Ўзбекистон менинг онам, кимки унга қўл кўтарса, қўлларини уриб синдираман”, деганда ҳақиқий фарзанднинг, ориятли йигитнинг икрорини, яъни ўзининг чин сўзини айтганди.

Аканинг Ватан ҳақидаги қўшиқлари минглаб ёшларни тарбиялади, тўғри йўлга солди. “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” деб ҳайқирганда юракларга ларза тушди, Ватан қадрини, озодлик бахтини англади. “Иддаолар қилмай” халқини севган, Истиқлол куйчисига айланган шоир ўз навбатида Юртбошидан, юртдан меҳр кўрди, ардоқланди. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида халққа, Ватанга “Муҳаммад Юсуфдек шоирлар зарур”лиги алоҳида таъкидлангани шоир ижоди ва шахсиятининг моҳиятини яққол кўрсатган. Ижодкорга кўйилган мезондан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак: “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаясан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилаясан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олди. Чунки бундай саволни кўйишга унинг маънавий ҳуқуқи бор эди. Муҳаммад Юсуф катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга, шу билан бирга, кучли ирода ҳамда фидоий юрак соҳиби эди. Айни сифатлари билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф бизга унутилмас сабоқлар бериб кетди.





# КАТТА ОИЛА

Ҳикоя



Арафа куни шом пайти эсимни танигимдан бери хонадонини ҳеч йўқламаганим, дўстим ва узоқроқ қариндошим Ҳабибнинг уйига бордим. Мен салом бериб кириб борганимда эскича қурилган катта хонада бир уй одам – барча оила аъзолари дастурхон атрофида жам экан.

Хона тўрида ёш боладай бўлиб қолган Ойнахоломо оппоқ ипак кўйлак кийиб ўтирибди. У йигирма йил аввал фоний дунёдан боқий дунёга кўчган эрининг саргайиб увадаси чиқиб кетган чопонини тизза-

сига ёлган. Ўзидан ҳам қариб кетган, азбаройи кексаликдан тишлари тўкилгани учун нонини чойга ивитиб еб ўтирган ўғли Далли чолнинг таъбирича, момо бир юз ўн саккизга кирган. Лекин невараси Салмон отанинг айтишича, момо бир юз ўн олти ёшни қоралаб кўйибди. Момога яқинроқ жойда ўтирган чевараси ҳам оқсоқоллик ёшига етган бўлиб, назаримда отаси ва бобосидан уялиб соқол қўймаганга ўхшайди. Хуллас, даврада етти авлод вакиллари – момо, ўғил, невара, чевара, звара, дувара... Эринмасдан санаб чиқдим,

## Шукур ЖАББОР

1975 йилда Чортоқ туманида таваллуд топган. ЎзМУ журналистика факультетини татомлаган. “Ошиқман”, “Мансур Ҳалложнинг сирини”, “Герменевтика – тушунтириш илми” ҳаммуаллифликда “Глобаллашув ва ёшлар тарбияси”, “Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий тарбия”, “Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари” сингари китоблари чоп этилган.

дастурхон теграсида каттаю кичикни ҳисоблаганда ўтиз уч нафар одам бор.

Мени турткилаб ҳаммага танитган, ўз навбатида шивирлаб уларни менга аста-секин таништираётган дўстим Ҳабиб эса момога эвара эди. Агар у ҳам истиҳолага бормай соқол қўядиган бўлса, бинойидек “чол” бўларди. Фотиҳа тортиб, танишиб, чой ичиб томоғимизни ҳўллаб олганимиздан кейин Ҳабиб овозини кўтариб момога юзланди.

– Момо, меҳмон келган! Мана, ёнимда ўтирибди!

Ҳабибнинг гапини эшитдимикин деб ҳамма Момога қаради. Момо эса бу сўзни яхши эшитмаган шекилли жавобан “Ҳа, янги кўйлак кийдим!” деди. Ҳамма кулиб юборди. Момо кулаётганларга қараб ўзини оқладими, ё ҳамма олқишлаб хурсанд бўляпти, деб ўйладими билмайман ҳар ҳолда “Бугун арафа-да, арафа! Эртага байрам!” деди. Шунда ёнида ўтирган невараси Салмон ота момога баландроқ овозда тушунтирди.

– Меҳмон келди, дейди! Меҳмон келган!

– Ким дейсан? – Момо қулоғига танғилган оқ шойи рўмолини сал очиб неварасига тутди.

– Кўрғонлик қариндошингизни ўғли! Беш оғайни деган уруғингиздан!

Момо бу сафар бошини силкиб қўйди. Кейин ҳозиргина фотиҳа қилганимиз эсидан чиқиб, қўлини фотиҳага очди. Яна кулгу кўтарилаётган эди, Салмон ота “Жим бўлинглар, майли, майли, яна бир марта илоҳи омин!” деб фотиҳага қўл очиб отаси Далли бобога қаради. Бобо эса мен гапиролмайман ўзинг айт-вер дегандай Салмон отанинг ўзига ишора қилди. Хуллас, юзимизга яна фотиҳа торганимиздан сўнг, Ҳабиб боянгдан баландроқ овозда:

– Момо, меҳмонга тарихингизни айтиб беринг! – деб бақирди. Салмон ота бу гапларни яна қайтармоқчи эди, момо эшитдим дегандай қилиб бошини силкиб қўйди. Момо худди устозлар ҳузурида ўз қарашларини баён қилаётган ёш олимдай гапини дона-дона қилиб, баъзи сўзларга урғу бериб, кўзларини юмиб олиб, юз йиллик саргузаштларини сўзлай кетди. Мен момони тинглаш асносида оила вакилларини аста кузатаман. Бу ҳангомалар момо томонидан жуда кўп такрорлангани учун баъзи оила вакиллари зерикиб бир-бирларига бошқа нарсалар ҳақида шивирлаб қўйишади. Биз ўтирган уйга ташқаридаги ўчоқ яқинроқ эди, шекилли, виқирлаб қумғон қайнагани дейилади. Бу орада ёш келинчақлар ҳаммага мастава ташиб бўлгач, мендан ийманишди шекилли, бошқа хонада бемалол ўтириш учун ўзлари ичадиган маставаларини олиб, болабақраларини етаклаб қўшни хонага чиқиб кетишди. Бу катта дастурхонга қизикқан баъзи болалар хархаша ҳам қилиб қўйишди. Катта оналардан кимдир “Тўғри қилдинглар. Нариги хонага чиқа қолинглар. Эмаса бу зумрашлар гапни гапга қўшмайди. Бошинг ҳам айланиб кетади” деб қўйди. Шу орада дуваралардан бўлса керак, бир болакай дастурхоннинг ҳар ерига сочиб қўйилган печак қандлардан бирига, қўл чўзди. Шу пайт унинг онаси боланинг қўлига оҳиста шапатилади. Қарасам, боланинг қовоғи осилиб, лаб-лунжи йиғлашга тайёргарлик кўраётгандай чўччаяётган эди, дарров бир жуфт печак қандни қўлига тутқазиб қўйдим. Онаси эса боланинг қўлидан тортқилаб, етаклаб қўшни хонага олиб чиқиб кетди. Момо эса тарихини гапириб бера бошлади:

– Ўрик гуллаган пайти отам раҳматлик салласини пешини тушириб олиб қиблага қараб намоз ўқиётганди, шу пайт бобонгни уйдан совчи бўп келишди...

– Шошманг момо, қизлик пайтингиздан бошланг! – деди жилмайиб Сулаймон отанинг ўғли, Ҳабибнинг отаси – Раҳмон ака.

– Сан жим тур! – деб дакки берди Сулаймон ота. – Ҳа, кегинчи?! – деб Момога қаради. Момо худди кечаги воқеани айтгандай гапида давом этди:

– Бобонг минан ҳув эски боғимизда танишганмиз. Жундор ола сигиримиз борида. Бувихалфа минан сигиримизни жунини тўпладик. Тароқ минан мундоқ- мундоқ қилиб тараб-тараб думалоқлайверса тўп бўлади. Бувихалфа минан бир-биримизга тўп отиб ўйнаясак, бобонг ўғрига ўхшаб боғимизга кириб, бизни томоша қилган экан... Билмай қопман... бўйим етиб қолганакан-да. Роса талаш бўлганман. Уйимиздан совчиларни қадами аримай қолган. Анави Эргаш ўртоғингни отасиям совчи қўйган. Локин онам раҳматлик “Бўзчида барака бўлмайди, қизимни бўзчини боласига бермайман!” деганлар. Кейин бобонгдан совчи бўп келишган. Мандан сўрашганида индамаганман. Қиз бола сукути “Хўп, розиман” деганида! Онам “Бу оила жа бой, бизни оёғи минан кўрсатади, ўзимиз тенгига берамиз!” деб дийдиё қилганлар. Отам раҳматлик қаттиққўл эдилар. Отам онамга “Лафз бериб қўйдим! Ишингни қил!” деб бир дўқлаб берганлар...

– Олинг, болам, бўғирсоқлардан олиб ўтиринг! – деб момонинг гапини бўлиб қўйди чевара келин, Ҳабибнинг онаси менга манзират кўрсатиб. Момо эса кўзини юмиб олиб ҳикоясида давом этарди.

– Қиз бола палаҳмон тошида. Қайга отилса ўша ёққа тушиб, бир умр ўздан тиниб-тинчиб кетади. Бобонг ҳар турлик ишни бошини ушлади. Баззозлик қилди, кўнчилик қилди, эски ҳовлини олти таноб ерга алмаштириб деҳқончилик қилди. Бундан ташқариям еримиз кўпиди. Бобонгни қўли баракалик-да.

Момо ҳар сафар эри ҳақида гапирганда тиззасини ёпиб турган эски чопонни маҳкам ушлаб, баданининг юқори қисмига тортиб-тортиб қўяди. Бу худди шу чопонга ўранишни истаётгандай тасаввур туғдиради.

– Кейин бизни янги укумат “Бойсан!” деб кўчирворди. Боғимиз, еримиз шундоқ қолиб кетди. Янги укумат еримизни, ҳовлимизни хатлаб олиб қўйди. Ўша воқти заб одамла бўлганакан-да. Еримизни, ҳовлимизни маҳалладагиларга берсаям бобонгни ҳурматидан ҳеч ким олиб ишлатмаган. Шундоқлиғича анча ётган. Ахийри ҳовлимизни бузиб, еримизни кенгайтириб калхозга берворган. Кейин бизни “Бойсан!” деб кўчирворди. Бизни қозоққа, Қарағандага кўчиришган. Бобонг кўнчилик қилди, от боқди, ўша ерлик қозокларга деҳқончиликни ўргатди. Кейин бир пасда бойиб кетдик. Бобонгни қўли баракали-да! Момо бу сафар ҳам эрининг чопонини тиззасига яхшилаб ёпди. Кейин укумат ўзинг минан тилла олиб келгансанлар деб, ҳамма еримизни обис қилиб, текшириб, отларимизни, сигирларимизни олиб қўйган. Кейин уёқданам кўчирворди. Қора қирғиз томонга. Қўй, сигир, товуқ қилдик. Деҳқончилик қилдик. Ундан кейин Ўшга қарашлик Тошқўмирга жўнатишган. Қайга кўчирган бўлса шип-шийдон бўлиб кўчиб борганмиз. Идишларимни олишгаям улгурмасдим. Мани қалинимга



қўшилган қайнанамни мис лагани бўларди. Қайга кўч-сак шуни олволардим. Бобонг яхши кўрарди-да. Тошкўмиргаям олволанман.

Гап шу ерга келганда Ҳабиб қулоғимга шивирлади: “Ўша мис лаган йўқолган. Момом билиб қолмасин, деб айтмаймиз...”

– Локин бобонг у ерда шопирлик қилиб, кўп пул топган, – дея онахон кўзини юмиб олиб ҳикоясида давом этаётган эди: – Шериклари ишни тугатиб бўлгач, яширинча ўзларига ажратилган бензинни, саларкани тўкиб ташларкан. Бензинни тўкмаса, бошлиғи бакинг тўла турибди, демак ишламагансан деб сўхаркан. Бобонг бўлса бензинини тўкишга кўзи қиймай ярим кеч-гача одамларни хизматини қилиб кўп пул топиб келарди. Шунақа қиб бойиб қолаверганмиз-да, бойиб...

– Ҳадича! Ҳувв Ҳадича, ошни тагини қараб қўйинглари! – деб яна момонинг гапини бўлиб, Ҳабибнинг онаси қўшни хонага қаради. Ичкари хона очилиб бир келинчак шошилганича чиқиб ташқаридаги ўчоқ томон кетди. Хола яна менга юзланиб “Олинг, болам, олиб ўтиринг!” деди.

Момо чалғиб, туйқус ҳикоясини тагин бошидан бошлади.

– Отам салласини пешини туширволиб қиблага қараб намоз ўқиётган пайт бобонгни уйдан совчи келган. Анави Эргаш ўртоғинини отасидан совчи келганида онам раҳматлик “Бўзчида барака бўлмайди, қизимни бўзчини боласига бермайман!” деганлар...

– Момо, чалғиб кетдингиз! Бойиб қолаверган сизлар! Кейин-чи? – деб бақирди Раҳмон ака.

– Нима дейди? – яхши эшитолмай момо қулоғидаги рўмолни очиб Сулаймон отага тутди. Бу сафар Сулаймон ота баланд овозда тушунтирди.

– Қирғизча ирдаб беринг, дейди.

– Қўй, томоғим оғриб қолади.

– Озгина ирданг.

– Хўп, хўп, – деб Момо томоғини бир қириб олиб, ирдашни бошлади

Ирда десенг, ирдаин,

Жерға қараб турбайин,

Манас, Манас манўғли,

Манас отға кўнғони.

Хи, И-и-и-и, Хи, И-и-и-и...

Момо томоғини эркаклардек хириллатиб анча ирдади. Тўғриси, Момодан бу эшитганларимнинг ҳаммасини қуввайи ҳофизамга жойлолмадим. Бу узундан узун дostonнинг ўртасидан ва охиридан бир-иккита байтни эслаб қолдим.

Қувдаб кеген апчасин

Башини сувға тик деди.

Қувдаб кеген женгесин

Башини қумға тик деди.

Хи, И-и-и-и, Хи, И-и-и-и...

Момо ирдаб бўлгандан кейин яна хотираси панд бериб, бошқа воқеаларга ўтиб кетди. У ҳасрат ва гинахонлик қилиб, қанақадир Гулбуви исмини кўп ёдга олди. Масалан, “Қорақозоним ёғ кўрсин деб нималар қилмадик, Гулбуви! Эрдан куйган битта санми Гулбуви?! Улар одаммас, бетиде туки бор-да, Гулбуви!..”

– Манави маставадан бобонгга олиб қўйдингми?! дея Момо ғалати сўз қотди:

Бу гапни эшитиб ҳамма оила аъзолари кўзини

олиб қочиб ғимирлаб қўйишди. Мен “Яна қанақа бобо?!” деб Ҳабибдан оҳиста сўрадим. Ўз навбатида Ҳабиб менинг қулоғимга пичирлади: “Баъзида момом йигирма йил аввал ўлиб кетган эрларини, оппоқ бобом ҳамон тирик деб гумон қилиб ҳар хил гапларни гапирадилар. Эътибор қилма. Агар биров момомга оппоқ бобомни ўлган деса, йиғлаб-йиғлаб касал бўп қоладилар. Шунинг учун ҳамма жим. Сулаймон бобом бошларини сарак-сарак қилиб ерга қараб қўйишлари “Момом билмасин!” деган ишора бўлади. Ана қара, бошларини қимирлатиб қўйдилар.”

Момонинг сўзини тўғрилаб, аниқроғи чалғитиб, яна Сулаймон ота воқеаларни мантиқий тизимга солиб юборди.

– Бизни Тошкўмирга сургун қилди дедингиз! Бобом яхши пул топганакан, бензинини увол қилмай. Кейин-чи?

– Ҳа Тошкўмирга кўчирган-да... Бобонгни жаҳли тез-да. У ерда бировни уриб қўйди. У Тошкўмирдаги парткомга арз қилиб бобонгни “Бой!” деди. Кейин яна текшир- текшир бўлди. Кейин “Кавантир, қулоқсан!” деб бизни Туркманистонни Дошовузига кўчиришди. Товба, Дошовуздаги кўп одамлар умуман деҳқончиликни билмасакан. Сомонни йилқи қорага беришнияк билмасакан. Сомонни шундоқ ёқиб юборишаркан. Биз сомонни тўплаб, қишда сигирларга терт-сомон қилиб устига кунжара сепиб берардик. Яна тўкин, тўкис бўлдик... Раҳматлик Зебихонга ўша ерда юклик бўлдим... Бобонгни ғўнонлигидан боққан оти бор... Ҳаҳ ўлсин... Бобонг у ерда бир маржага илашиб қолди. Бобонг уни отида олиб қочиб келган. Бобонг мени ўша Райҳон мегажин минан кундош қилиб бир томда сақламоқчи бўлди... Ман бу минан битта томда яшамайман, деб Райҳонни яхшилаб чочини юлдим. Бобонг минан роса уришдик. Ол, чопонингни!... – Момо шундай деб йигирма йил аввал ўлиб кетган эрининг увадаси чиққан чопонини зарда билан тиззасидан суриб, ирғитиб ташлади. Момо худди ёш боладай араз қилиб лабини чуччайтирди. Ҳамма кулимсиради, лекин табассум ва жилмайишларини Момодан яширишга уринишди.

– Раҳмон ота гўё ҳайрон бўлгандай сўради.

– Ҳаҳ, момо, бобом Райҳонни Кўлобда отида олиб қочган дегандингиз-ку!

– Уни момо дема, сани момонгмас!

– Хўп, хўп, мани момоммас. Ҳаҳ, ўшани бобом Кўлобда отида олиб қочган дегандингиз-ку!

– Ҳа, шунақа Кўлобда олиб қочган.

– Ҳаҳ, сиз бизга Дошовуздаги воқеаларни гапираётгандингиз, бир пасда Кўлобга ўтиб кетдингиз!

– Дошовуздан бизни кейин Кўлобга кўчиришди-да! Бойиб қолувдик, болам, бойиб қолувдик. Кўлобда бобонгни Хуррам деган бир ўртоғи бўлгич эди. То биз уй қургунимизча ўша тожик ўртоғи эски ҳовлисини бизга бериб турди. Хотини Гулбувиам яхши жувон... Тавба... минг марта тавба...

– Ҳа, момо?

– Кўлобликлар қурут қилишни билмасакан. – деб Момо рўмолини оғзига тутиб, силкиниб кулди. Бу кулгуга ҳамма қўшилди. Аниқроғи, барча Момонинг кулишига қараб кулишди. Кейин Момо кулиб бўлгач, кўз ёшларини рўмолининг учига артиб сўз бошлади. – Бобонгни ҳалиги ўртоғи бор-ку, ўшани завжаси Гулбу-

вига қурут қилишни ўргатганман. Кувида сарёк, дурда қилишни ўргатганман. Биздаги чеватини Гулбуви чапоти, лочира дерди. Гулбуви тили ширин, пазанда жувон. У билан ўша қишлоқдаги бир тўйга борганмиз. Тўйда кечаги Ғайратнинг неварасига келгандақа артислар бўлмасди. Ким қўшиқ айтишни билса, ўртага чиқиб айтиб берарди, ҳамма “Дўст”, “Ҳаҳ” деб бақириб тургич эди. Қаландар шоирлар ҳам келиб қоларди. Ўша тўй қилган тожикни оти Абдурахмон судхўр бўлиб, навжувон, она сути оғзидан кетмаган ўн уч яшар қизини укуматдан яширинча катта қалин эвазига ёғфуруш бир қари бойга иккинчи хотин қилиб бераётган эди. Тўйда Абдурахмон судхўр ғўддайиб туриб қани мани ҳақимда ким шеър айтади деган. Мана, мундоқ ғўддайиб шунақа деган. Ҳмм. Шундай деган, бир қаландар девона шоир ўртага кириб келиб, тожикчалаб ман қўшиқ айтаман деб қолди. Ҳамма ўртани очиб қўйди. Кейин у баланд овозда:

*Абдурахмони судхўр  
Нафси калонат ба гўр  
Духтарта доде ба шавхар*

Гуфтики нонхўр кам шавад...деса бўладими. Ҳаммаёқ муздек бўлиб кетди. Бир пасда тўй азага айланиб кетай деди. Ана тўполон. Абдурахмон судхўр ўша бечора шоирни росса уриб ҳайдаган. Шоирни шеъри таъсир қилиб ҳамма тўйни ташлаб кетган. Ҳмм. Бу шеърни ҳаммаси эсимда йўқ. Бу шеърни маъноси шунақа. Абдурахмон отли судхўр ҳали норасида қизини битта нонхўр камайсин деб бир қари чолга турмушга берворяпти. Эй халойиқ, кўзингни оч! Нима қиласан, бу тўйга келиб, деган. Ҳмм. Ўша пайти шунақа ростгўй шоирлар бўлгич эди. Бир нотўғри ҳаракат қилсанг шунақа шоир йўлингдан чиқиб қолса шеър айтиб санга тўғри йўл кўрсатгич эди...

Момонинг гапи шу жойга келганида ташқаридан этикнинг тўпиллагани ва қандайдир эски қўшиқни хиргойи қилган эркак овози эшитилди. Ҳабиб менга паст овозда “Оббо, Ғайрат амаким қўшиқ айтиб келишига қараганда кайфи тароқ бўлса керак” деди. Чиндан эшик ҳам чайқалиб, мастона очилиб Ғайрат амаки кириб келди. Ҳамма ёшлар унинг истиқболига ўрниларидан туриб кўриша бошлади. Мен ҳам ўрнимдан тураётганимда Ҳабиб елкамдан тортиб, қулоғимга шивирлади: “Момонинг ҳаракатларини қарагин, қара, қара!..” Момо Ғайрат амаки билан овора бўлиб ҳеч ким унга қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, бояги отиб юборган чопонни худди ёш бола ўртоғининг ўйинчоғини ўғирлагандай, муғомбирона ҳаракат билан пастки лабини тишлаб, аста-секин тиззасига тортиб оёқларини ёпа бошлади...

Ғайрат амакига қўл узатгандим, у мени кучоқлаб: “Ҳа қариндош, қариндошлик шуми, сани кўрмаганимга йигирма қовун пишиғидан ўтди-я” деб белимни оғритиб маҳкам сиқди. Унинг оғзидан ароқ ҳиди гупиллаб келиб турибди. Ғайрат амакининг мастлигидан ҳамма катталарнинг юзи тундлашиб, жаҳллари чиқа бошлади. У ҳамма билан кўришиб бўлгач, ўрnidан турмаган ва туролмаган катталарнинг елкаларига бир-бир қўлини босиб чиқиб, Момога яқинлашди. Момо эса уни таниб, безовталана бошлади.

– Қоч, қоч, соқолинг санчиллади! – деб Момо рўмоли билан бетини яширишга уринди. Ғайрат амаки парво қилмай рўмолни очиб юзини Момонинг юзига ишқай бошлади.

– Бўлди, қийнама! Ўт бу ёққа! – деб дашном берди Сулаймон ота.

– Ғайят, меҳмо бо! Бас қи! – деб ниҳоят овози қалтираб зўрға тилга кирди Далли бобо.

– Ҳаҳ, бу меҳмон, ўзимизни меҳмон, – деб Ғайрат амаки Момони кучоғидан бўшатиб жой қидира бошлади. Уни Момога яқинроқ жойлаштирамаслик мақсадида Сулаймон ота ҳам, Далли бобо ҳам ёнларидан жой бермадилар. Ғайрат амаки Раҳмон аканинг ёнига ўтириб қўлини фотиҳага очди. Фотиҳа тортилди. Ғайрат амаки Раҳмон аканинг укаси бўлади. Ҳабиб яна қулоғимга шивирлади: “Қараб тур, ҳозир Ғайрат амаким маҳкамага тортилади”.

– Сан нима иш қилиб юрибсан? Уялмайсанми, ёшинг бир жойдаги, неварали одам ароқ ичиб гандираклаб юргани? – деди гапини салмоқлаб Сулаймон ота.

– Ҳаҳ, бугун байрам-ку, ота!

– Тўғри байрам! Локин қанақа байрам? Ҳа, арафа ичадиган байраммас. Ҳаҳ, ноинсоф, арафа муқаддас кун! Шундоқ кунда ичасанми?!

– ...

– Қайси гўсхўр миннан ичдинг?

– Ҳаҳ, Йўлдошни бир эригиси келганакан...

– Яна Йўлдош ичирдимми? У бировга шунчаки ичирадиган одаммас. Санга ичириб бўлиб, сув навбатингни ярим кунга бериб тур, ярим кун картошкани суғорволай деган, шундоғми? Ғайрат амаки Сулаймон отанинг тахмин-тусмолини тасдиқлаб, бошини ҳам қилиб “ҳа” ишорасини қилди.

– Йўлдош сандақаларни дарёга оббориб суғормай қайтариб келадиганлардан. Ўзингни картошканг, экинларинг қақраб, сув сўраб турганида сув навбатингни очопат нафсинг учун, битта ароқ учун бервордингми? Қанақа фермерсан? А? Энди санга қачон навбат тегади, биласанми? Ўғлингчалик ақлинг йўқ сани!.. Бор нарсаниям йўқ қиласан! Бўлди, Деҳқонободга ўғлинг чиқади. Сан ўзингни ҳовлингдаги ишларни қилавер, – деб Сулаймон ота Ғайрат амакини уришиб бўлиб ёнимдаги Ғайрат амакининг ўғли Ғофурга қаради:

– Сан эртага Деҳқонободга бориб, отангни хатосини тузатиб қайт! Эртага ҳайит-ку, ўқишинг йўқ, тўғрим, болам?.. Эртагаёқ чиқиб, сувни экинларга бургач, анави Аҳмадалига яхшилаб тайинлаб қўй, сув даҳанини пойлаб ётсин! Артизон битта Йўлдошникимас, ҳамманики, ҳаммани ҳақи бор!..

Бу гаплардан сўнг анча сукунат бўлди. Мен Ҳабиб билан шивирлашиб, бу катта оила фақат байрамда эмас, балки ҳар куни шундай жамланишларини билиб олдим. Ёш келинлар шакароб, яъни ош билан қўшиб ейиладиган ҳазми таом – помидор-бодринглар қирқилган ликобларни таший бошлаганларидан билдимки, ҳозир палов тортилади. Ош солинди, “олинг-олинг” деган сўзлардан ва яна Ғайрат амакининг Момога эркаланишларидан ташқари бирор гап гапирилмади, жимгина едик. Ош еб бўлингач, бу сукунатни яна Сулаймон отанинг ўзи бузиб, ўртадаги филу ғашликни йўқотиш учун Момога юзланди:

– Момо, Дошовузда ўрганган туркманча кўшиқларингиз бўлгичиди-ку, шулардан айтиб беринг, меҳмон зеркиб қолди.

Момо эшитдим дегандай бўлиб бошини сарак-сарак қилди ва бироз сукутга толди. Сўнг бир нарсаларни эслагандай бўлиб хиргойи қилишга тайёрланди:

– Махтумқулидан бор, Махтумқулидан. Дурди шоир минан айтишуви бору эсимга кемаяпти-да...

– Ҳа, унда Махтумқулини ўзидан айтинг.

– Боши нимаиди, ҳа, бибиллим.

*Бибиллим, оҳи-зор чакип,*

*Тоза гулзордан ойрилдим.*

*Гўздан қонли ёшим дўкуп,*

*Бу савар ёрдон ойрилдим.*

*Ёро ёрошор уч муча,*

*Сипотин сўйларам анча.*

*Лағи шакар, овзи гунча,*

*Зулпи қородон ойрилдим...*

Мен яна бир қур бу кенг уйни кузатдим. Бир четда замонавий русумдаги катта япалоқ экранли телевизор турибди. Негадир телевизор устига ёпинчиқ ёпиб қўйибдилар. Тўғри, Момонинг ўзи телевизордай гап, деб ўйладим. Ёшу қари бирдай тикиладиган Момо турганда ким ҳам телевизор кўярди... Момо эса ҳамон куйламоқда:

*Махтумқули ошиқ мастон,*

*Бойладим шанина достон.*

*Манзилгоҳи боғу бўстон,*

*Олмоли ёрдон ойрилдим...*

Тавба, бу катта оила баъзи сирларни Момодан яширар эканлар. Масалан, Момонинг қайнонасида қолган мис лаган йўқолганини, эри, яъни Оппоқ бобо бундан йигирма йил аввал ўлиб кетганини, яна бир қадрдон сопол кўза синганини, қайсидир қариндошлари вафот топганини, Ғайрат амакининг яна бир хотини борлигини... Боя айтганимдай, булар ҳақида гап очиладиган бўлса, Сулаймон ота ерга қараб бошини сарак-сарак қилади. Бу “Момом билмасин!” деган гапидир.

Момога ош ўрнига ҳазми енгилроқ таом берилди. Овқатланиш пайти Момони ҳеч ким саволга тутмагани учун қайлуқа, яъни “қуш уйқу” қилиб бироз кўзи юмилиб пинакка кетди. Кейин бир чўчиб тушиб ўзига гапиргандай деди: “Бир пасда туш кўрибман, дегин. Тавба, бобонг отам билан ҳув эски ҳовлимизда менга

қараб ариқдан ўтишимни кутиб туришибди. Сакрайман деб уйғониб кетдим. Тавба отам раҳматлик ўтиб кетганлар-у, бобонг нима қилади у ерда?! Тавба... Хосият! Хосият қани? Хосиятга айтинглар, бобосини кўйлагини ювиб кўйсин, эртага байрам!..”

Ош ейлаётган пайт Ғайрат амаки “Соқолимни санчаман,” деб Момони бир неча марта кўрқитди. Шу орада ичкари хонадан боя кўлига парварда қанд тутқазиб қўйганим – болакай чиқиб келди. Ғайрат амаки унга бир-икки ҳазил қилди. Кейин “Кел, момонгни оғзидан янги тиш ўсиб чиққан, кўрсатаман!” деди. Сулаймон ота Ғайрат амакига қараб, томоқ қириб, бошини замзама оҳангда энига қимирлатиб “Йўқ!” ишорасини қилди. Сулаймон ота гап ўзанини қанчалик кўшиқ ва ўланга бурмасин, яна Момонинг эсига кундоши тушиб қолди:

– Бу хонага бобонг кирмасин! Этигиниям ташқарига қўй! Ўша этигини тозалама! Райҳон мегажинни уйини чангини кўтариб келган этик обреза, остонада турмасин! Ўша Райҳонни кўрай, чочини юламан! Ол, чопонингни!.. – деб Момо яна ўттиз-йигирма йилдан бери эрининг титилиб, тўкилиб бўлай деган чопонини отиб юборди. Момо худди дугоналарига гапирётгандай лабини буриб, ҳасрат қилиб қолди: – Нима бўлсаям бу эркак зоти қурсин, булар одаммас, Гулбуви! Бетида туки бор-да, бетида туки бор! Бетида туки борки одаммас Гулбуви. Бетида туки бордан кўрқиб керак, Гулбуви!..

Сулаймон ота Момони чалғитиб, бошқа қизиқарли саргузаштларни сўради. Момо ҳам ёш боладай алданиб, тарихининг бошқа пучмоқларига кириб кетди...

Ёшлар ҳам, катталар ҳам бир-бир эснаб қўйишмоқда. Вақт алламаҳал бўлди. Кетгим келмаса-да мен рухсат сўраб фотиҳага қўл очдим. Фотиҳа қилинган, ўрнимдан турдим. Мени кузатиш учун кўпчилик ўрнимдан турди. Шу пайт Момога қарасам, яна боя отиб юборган эски чопонни “ўғринча”, пастки лабини тишлаб олиб, муғомбирона ҳаракат билан тиззасига ёпа бошлади...

Мен шу тариқа, арафа куни, ярим кеча, эсимни таниганимдан бери хонадонини ҳеч йўқламаганим, дўстим ва яқин қариндошим Ҳабибнинг уйдан уларни бот-бот йўқлаб туришни ният қилиб қайтдим. Бу ҳовлидан чиқиб кетаётганимда мени кузатишга чиққанлар хайр-хўшлашишгач, нима ҳақдадир ўзаро гаплашиб бўлиб, биттаси “Момом билмасин!” деб қўйди. Узоқроққа етганим учун эшитолмадим, нимани назарда тутганлари менга қоронғу эди...





Хосият БЕКМИРЗАЕВА



## ГУЛ ВА БУЛБУЛ

Узоқ ўтмишда Нил дарёси бўйларидаги кишилар ва қадимги мисрликлар гулга нисбатан муқаддас гиёҳ сифатида муносабатда бўлганлар. Кейинчалик бу тасаввур ва тушунча Бобил (Вавилон) ва Эронга ўтган. Ўрта асрларда Европада гул номи билан боғлиқ шаҳарлар (Флоренция, Венеция) бунёд этилиб, улар номига муносиб мислсиз даражада гуллаб яшнаган.

Қадимги Хитойда императорлар хонадонидида гул алоҳида эъзозланиб парвариш қилинган, ҳукмдорларнинг тожларини беаган. Хитойликлар турмушида бу ҳолнинг асоратини ҳозирги кунда ҳам кузатиш мумкин.

Халқимизда ҳам ёрни гул, гулни ёр дейдилар. Ёр ким эканлиги бизга маълум. Бинобарин, гул ҳақидаги тушунча илоҳий мазмун касб этган. Халқ оғзаки поэтик ижодида гул ҳақидаги қўшиқлар бутун бир циклни ташкил этади. Фольклоршунос профессор Ҳошимжон Раззоқов бу туркумдаги термаларни йиғиб “Гулёр” китобини нашр эттирган.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида энг кўп қўлланган тимсоллар гул ва булбулдир. Улар воқеаларни таштирувчи боғич сифатида ва фалсафий хулосалар чиқариш воситаси ўрнида такрор-такрор тилга олинади. “Ҳазон бўлмайд боғда гуллар сўлмасин”, “Баҳорда очилган боғнинг гулисан”, “Қайси боғнинг, кўзим, тоза гулисан, Чаманда сайраган сен булбулисан?”

Ёзма адабиётдаги кўпгина поэтик тимсоллар дастлаб халқ оғзаки шеъриятида пайдо бўлган. Гул ва булбул тимсоли бунинг ёрқин далилидир. Албатта, бу тимсолларнинг мумтоз шеъриятимиздан кенг ўрин эгаллашида форс-тожик адабиётининг ҳам таъсири бўлганлигини инкор қилмаслик керак. Айни пайтда ушбу анъанавий поэтик тимсоллардан қайси шоир қандай мақсадларда фойдалангани ва уларни қай тарзда янгилай олганлигига алоҳида диққат қилиш лозимдир. Шунини инобатга олган ҳолда профессор Иброҳим Ҳаққулов мана бундай фикрларни баён этади: “Бобурда ўзига хос бир гулпарастлик завқи бор.

Шоир баъзан гул тимсолини шундай ташхислантирадими, хаёлингизда гулдай нозик, гулдай сеҳрли бир санам жонланиб кетишини сезмай қоласиз. Бобур шеърда гулнинг муаттар бўйи, рангин бўёқлари ва бетакрор жозибасини мужассамлаштирган шоир. Чунки қаламни у қачон фикр, қачон руҳ ва туйғу ёки ҳол ва эҳтирос “қўлига” тутқазини жуда яхши фарқлайди”.

Мумтоз адабиётимизда Навоий, Бобур, Атойи, Саккокий, Гадоий каби шоирлар ҳам ижодларида гул образига тез-тез мурожаат қилганлар. Келинг, бу ўринда Бобур ижодига мурожаат қиламиз.

*Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдурмен.  
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга, вале сенга кулдурмен!*

Устоз Абдуқодир Ҳайитметов Бобурнинг ушбу машҳур рубоийси ҳақида шундай дейди: “Лирик қаҳрамон номидан Бобур ўзини маҳбубаси қошида камситиб, уни гул, ўзини бечора булбул, уни шуъла, ўзини кул деб атайди”.

Бобур ана шу “ҳақир булбул”ликни шоҳликдан ҳам юқори қўяди. Чунки гул – унинг маъбудаси. Бинобарин гул ва булбул Бобурнинг энг севган ва қайта- қайта мурожаат қилган тимсолларидан эди.

Бобур ёрни тўғридан-тўғри “гул” деб атайди ва унга “гул” деб мурожаат қилади. Бинобарин, Бобур ёрни гулга нисбат беради ва дейди:

*То сабо зулфини ул гулнинг паришон айлади,  
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совуруб.*

Байтда “сабо” ва “ел” синонимларини ўз ўрнида қўллаганини таъкидлаш лозим. Пора-пора бўлган кўнгулни шоир гул ғунчасига ўхшатади: “Чок кўнгулм ҳайъати гул ғунчаси андомида” (яъни кўнгулнинг кўриниши гул ғунчаси шаклида)

Хосият БЕКМИРЗАЕВА

1974 йилда Ўш шаҳрида таваллуд топган. Ўш Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Бир неча йиллардан буён “Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеъриятида образ ва тасвир уйғунлиги” мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Мумтоз адабиёт ва бобуршуносликка оид илмий мақолалар ва “Экологик тарбия воситалари” номли илмий қўлланма муаллифи.

Бобурнинг бошқа бир ғазалида ўқиймиз:

*Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,  
Бир "Навое Рост" қил мундоқ мақоминг борида.*

Яъни: Бобур, гулнинг кўйида булбул мақомига эришдинг, шундай даражанг борида бир "Рост" наво-сини айт. "Навойи Рост" – халқ мақомларидаги куйнинг бир шўъбаси. Кўриниб турибдики, шоир Булбул мақомини улуғлапти ва унга ҳавас қияпти.

*Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,  
Киши гулдин айирмас хорларни.*

Шоир бу ўринда ёрга "азизим" дея мурожаат қилиб, ўзини "хор" деяпти. Айрилиқда таҳқирланганини, гулдан тиконни ажратиб бўлмаслигини таъкидлаш билан "хор" сўзининг икки хил маъноси борлигини, шоир уни ўша икки хил маънода қўллаганини унутмаслик лозим. Биринчи мисрада "Сендин айрилиб хор бўлдим" деса, иккинчи мисрада эса гулдан тиконни айирмаслик лозимлигини айтади.

Ёр юзини гулга қиёслаш, ёрни "юзи гул" дея таърифлаш Бобур учун доимий ифодадир:

*Ҳақи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,  
Ҳақи шақкар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.*

Бобур ижодида бус-бутун гулга бағишланган шеърлар ҳам талайгина. "Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай", "Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим", "Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур" мисралари билан бошланувчи ғазаллари ана шундай шеърлардандур.

Шоир лирик қахрамонининг кечираётган ҳаяжонлари, қайғу ва шодлиқлари реал ҳаёт лавҳаларининг унинг қалбидаги аниқ инъикосидир. Шоир ана шу лавҳаларни гўзал, равон, оддий, аммо чуқур ифодалар ёрдами билан тасвирлайди:

*Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чехраи зардим.*

*Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни сарвек ҳаргиз,  
Аёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.*

Ғаройиб манзара тасвири берилган ушбу сатрларда ҳам шоир ёрга қарата, "эй гул" деб мурожаат қилганининг шоҳиди бўламиз.

*Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,  
Мен гарчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.*

Мен бу дунёдан хазон бўлган япроқ каби кетар бўлсам ҳам, сен гўзаллик гулшанида гул каби яшнаб қол. Байтда гул хазон япроғига қарама-қарши кўйилган. Натижада, тазод санъати рўёбга чиқяпти.

*Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,  
Ғунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.*

Бу байтда суратий ташбеҳ – истиоравий ташбеҳ мавжуд. "Гул" сўзлари икки хил маънода қўлланган: биринчисида бевосита ёр назарда тутилган бўлса,

иккинчисида – "гул жамолин" бирикмасида "гул" сифатлаш бўлиб келган. "Ики райҳонидур" деб шоир ёр чехрасининг икки четидаги гажакларини кўзда тутган.

Бобур ўз шеърларида баъзан худди рассом каби манзара чизади:

*Ўқи захмини кўриб ҳар ён танимда, эл дегай  
Ким, бу кўҳи дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.*

Тасаввур этинг: ошиқ танасида маъшуқа ўқларидан жароҳатлар бисёр, халойиқ бу ҳолни кўриб: "Булар – дард тоғининг қип-қизил лолалари-ку", дейди.

"Гул", "булбул" тимсоли Бобурнинг ўз ички дунёси ва изтиробли руҳий ҳолатларини ҳаққоний ва равшан ёритишига илҳомлантирган ва восита бўлган.

*Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,  
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.*

Байтдаги "ғунчадек", сифатлаши "гулзор майли"га рағбатсизлик шоирнинг кўнгили ҳолини шарҳлайди. Чунки уни ғам-ғусса эгаллаб олган (яъни ғам билан кўнгили йўғрилган). Шунинг учун ҳам у ҳеч маҳал "гул гашт ила" очилиб-сочилмайди. Буни кимгадир англатиш ва изҳор айлаш керакми? Ранго-ранг гулетиштирувчи боғбон хаёлга келади. У ҳар кўнгилини гул ва гулзор ошуфта айлайди, деб ўйлайди. Аммо "таҳбатаҳ" "қонлуқ кўнгул"нинг аҳволи ўзгачадир:

*Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,  
Таҳ-батаҳ қонлик кўнгул гул орзусин қилмағай.*

Боғбон, ранг-баранг гулларингни кўп мақтама: лахта-лахта қонли кўнгилига гул ҳаваси сиғармиди?

*Йўқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сари,  
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.*

Лирик қахрамон гулзордаги гулдан юз буриб, ўзининг ҳаёт гулини шарафлайди: "Гул юзингдан кўз олиб, гулга назар солмасман, шунда ғунчадек кўнглимга юзлаб ғам тиконлари санчилмайди", дейди у.

Навбатдаги байтда ўқиймиз:

*Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,  
Эй юзи гул сарвқад, юздин бири айтилмағай.*

Эй юзи гул, сарвқад! Жамолингни, қадду қома-тингни юз йилдан буён таъриф этсалар ҳам, юздан бирини-да ҳали айта олганлари йўқ. Шунинг учун мана шу гулдан ажралмаслик зарур:

*Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,  
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.*

Сендан айрилганимда, насибам ғам тикони бўлди, эй гул, Бобур энди сендан бир зум айрилмайди. Бошқа бир ғазалида шоир:

*Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга мағрур,  
Булбул киби мен ғамзада ҳуснунга ҳайрон.*

"Ғамзадасен" сўзи билан "ғамзадамен" сўзи та-лаффузда ҳам деярли бир хил, фақат бир товуш билан

фарқланади. Бироқ биринчи “ғамзадасен” ноз-финоқ қиялпсан маъносини англатса, иккинчи “ғамзадамен” сўзи эса ғамнокман маъносини билдирипти. Бобур гул ва булбул тимсолини қаерда қўлламасин, маъшуқани ҳаёт бўстонининг тенгсиз гули, ошиқ тақдирини ҳал қилувчи гўзаллик маъбудаси сифатида таърифлайди. Ва унга қўллигини такрор-такрор қайд этиб ўтади. Шак-шубҳа йўқки, қуйидаги сингари сатрлар Бобур шеърининг ўзига хослиги, ҳаётийлиги, вақт ва замонга бўйсунмаслигини намоиш қилади:

*Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек,  
Балким, юзунг олида эрур гул қулдек.*

*Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим,  
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.*

Ушбу рубоиддаги “Балки юзунг олида эрур гул қулдек” қиёсига эътиборингизни тортамыз. Гулни қулдек чоғлаш! Оригинал қиёсий ташбеҳ. Анъанавий Гул билан Булбул тимсоллари Бобур ижодида ана шу тарзда талқин этилган.

## *Биринчи ўқрашув*

*Биринчи ўқрашув*  
*Биринчи ўқрашув*

Дилором РАҲИМОВА




## *Мени кутиб олар порлоқ келажак*

### **ОРЗУ**

*Негадир юрагим дунёга сизмас,  
Нигоҳ самолардан юлдуз термоқда.  
Бугун юрагимни андуҳлар тилмас,  
Ишонч сабрларга руҳин бермоқда.*

*Ободлик кўнглимни яшинатиб турар,  
Меҳрдан покланиб қалб тўлиб-тошди.  
Шодлик садолари янграр, бонг урар,  
Орзуларим титраб гул юзин очди.*

*Ҳаёт йўлларидан кетяпман, мана,  
Оламнинг негизи – орзу бўлажак.  
Бахтларнинг эшигин қоқарман яна,  
Мени кутиб олар порлоқ келажак.*



### **ВАҚТ**

*Болаликнинг кошонасидан,  
Омонатдай ўтиб борар вақт.*

*Қара, йиллар қучоғларига,  
Қуёш бўлиб ботиб борар вақт.*

*Фурсатларнинг изларин излаб,  
Чопиб юрар соат миллари.  
Айланади нимани кўзлаб,  
Сувдай оқиб кетар кунлари.*

*Орзуларим этагин тутиб,  
Чўққиларни кўзлар нигоҳим.  
Ўтган онлар самарин кутиб,  
Эзгуликка юзланган роҳим.*

*Тобланмаган нозик жисмимни,  
Ҳаёт курашларга тўзғилаб қўйди.  
Алам қиладики, болалигимни  
Вақт билдирмай ўғирлаб қўйди.*

Дилором РАҲИМОВА

Бўз туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси



*Назми*  
Нази Назми Назми

Мадина БАХШИЛЛОЕВА



## *Кўксингда кўнглингнинг изи бор*

\*\*\*

*Кўксингда осмоннинг гули бор,  
Осмонлар нақадар бетакрор.  
Кўксимда кўнглингнинг изи бор,  
Юрагим бахтиёр...  
Бахтиёр!  
Қорларнинг ҳиди бор дардингда,  
Дардларинг қордан-да безубор.  
Азизим, хаёлим  
Хаёлинг –  
Жимгина ўйлайди беозор...  
Ёруғ кун!  
Улуғ кун!  
Тўлиқ кун!  
Ташласак қадамлар бирга ёр.  
Қандайин бахт эрур...  
Иккимиз,  
Бир ишққа,  
Ишқ бизга гирифтор!*

### НИЯТ

*Лабларингда қуёш ёмгири,  
Кўзларингдан тўкилар гурур.  
Кел, Ишқ учун, Матонат учун,  
Бу оламни бироз яшаб тур!  
Согинчларнинг барисиди қалб,  
Умид ила бўлак бўляпти.  
Ёнаётган у ёрқин шафақ  
Умидлардан дарак беряпти.  
Учаяпти кўнгилдан ғамлар,  
Орзу қилмоқ қанчалар тотли!  
Эсингда тут! Дўстим, бу дамлар  
Бир умрга татирли... ёдли...  
Ҳар бир куннинг завқини асраб,  
Осмонингдан гиналарни от.*



*Юрагингни эрталаблари,  
Ўзинг суйган Умид-ла уйғот!*

### СЕН ИШҚ БЎЛДИНГ

*Сен Ишқ бўлдинг,  
Мен эса Китоб.  
Юракларга кўприк бўлдик биз.  
Хаёлимни чулғади хитоб,  
"Севаман", деб йиғлаб юрган сўз!  
Кўкка учиб ўйинлар қилдим,  
Орзу эдим сен учун ҳали.  
Ва тун-у кун устингдан қулдим,  
Мени китоб қилган маҳалинг...  
Бирдан тушдим осмонларимдан,  
Рухим менга этмасди итоб.  
Кетиб қолдинг жон-ла танамдан,  
Мен Ишқ бўлдим,  
Сен эса Китоб!*

\*\*\*

*Сен кўзимга беркиндиг  
Мен изма-из юрибман  
Соянгда қарздор бўлиб.*

\*\*\*

*Мен кулишни ўргандим,  
Суратим чизди Ҳаёт  
Қулгичларим сап-сарик.*

### Мадина БАХШИЛЛОЕВА

1991 йилда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилган. "Дўрмон-2013" семинари иштирокчиси. Ҳозирда Навоий Давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультети талабаси.



Ҳерманн ХЕССЕ



## СОЯЛАР ҲИЙИНИ

Ҳикоя



Кенг саҳнига ярқироқ тош ётқизилган қасрнинг улкан деразалари Райн дарёси ва қамишзор ботқоқликлар ҳамда қўғазорлар, ўтлоқлар ва сувли баҳаво бир маскан тарафга қараган, муаллақ эгик нафис тоқи янглиғ чўзилиб кетган кўкимтир ўрмон тоғлари узра булутлар карвони сузиб юрар, олисдан катта-кичик қасрлар ва қўғонлар фён\* шамолида гўё енгил тебрангандек, оқаринқираб кўзга ташланади. Улкан бинонинг олд қисми оҳишта оқаётган сув юзида худди шўх жувондек ўйноқлаб, товусдай товланади. Атрофдаги турли хил манзарали буталарнинг оч яшил тусдаги шохлари сувга тегиб осилиб ётар, қаср девори теварагида эса оқ рангга бўялган кўнгилочар гондола (Венеция қайиғи – тарж.)лар енгил чайқалиб турарди. Қасрнинг ана шу очиқ кунгай тарафида ҳозир ҳеч ким яшамасди. Баронесса кетиб қолганидан буён хоналар ҳувиллаб ётар, фақатгина энг кичик ҳужрада ҳамон

шоир Флориберт истиқомат қиларди. Хоним ўз эри ва сарой шаънига доғ тушириб ғойиб бўлган, энди унинг илгариги кўп сонли қувноқ аҳли-аъёнларидан, оқ рангли гондолалар-у камгап, камсуқум шоирни ҳисобга олмаганда, деярли ҳеч қандай ном-нишон қолмаганди.

Қаср соҳиби ўша бахтсизлик содир бўлган пайтдан бери бинонинг орқа томонида яшарди. Бу ерда қадимги римликлар замонидан қолган ёлғиз, улкан минора торгина ҳовлига соя ташлаб турар, девор қорайиб, нам тортган, деразалар паст ва энсиз, серқўланка, рутубатли ҳовли кекса заранг дарахтлари, азим тераклар ва қорақайинлар ўсиб ётган қоронғи хиёбонга туташиб кетганди.

Шоир кунгай тарафда, сокин танҳоликда осойишта умр кечирарди. У қаср ошхонасида тамадди қилар, баронни баъзан бир неча кун давомида ҳам кўрмас эди.

– Биз бу қасрда худди соялардек умргузаронлик қиламиз, – деди шоир бир куни уни кўргани келган ёшлиқдаги дўстига. Дўсти эса ўлик чиққан уйдек бефайз, ёқимсиз бу хонадонда аранг бир кун туриб, жўнаб кетди. Флориберт бир маҳаллар баронессанинг улфат-жўралари учун масаллар тўқиган ва ошиқона қофиялар битган, бироқ бу қувноқ хонадонга кўз тегиб, путур етгач, энди ҳеч кимга керак бўлмади қолганди, шундай бўлса-да, ундаги камтарона қалб, камсуқум кўнгил дунё кезиб, тирриклик кўчаларида сарсон-саргардон тентирашдан кўра мана шу ғамгин,

Ҳерманн ХЕССЕ

*Улуғ олмон адиби, жаҳон адабиётининг йирик намоёндаларидан бири, Нобель мукофоти соҳиби. “Чўл бўриси”, “Маржонлар ўйини”, “Филдираклар остида”, “Демиян” каби асарлари дунё китобхонлари орасида машҳурдир.*



файзсиз саройдаги тинчгина ёлғизликни афзал деб биларди. У анчадан бери шеър ҳам ёзмай кўйган. Дарё бўйлаб кунботиш тарафдан шамол эсган пайтлар, сарғайган қамишзорлар орасидан кўзга ташланаётган олис кўкиш тоғлар тизмаси ҳамда булутлар карвонини кўздан кечирган ва кечалари қадимий хиёбондаги кекса, дароз дарахтлар алласини тинглаган чоғларида у беихтиёр узун шеърлар тўқир, бироқ уларда ҳеч қанақанги сўз бўлмас ва ҳеч қачон қоғозга ҳам туширолмас эди. Ана шундай шеърлардан бири “Тангри нафаси” деб аталиб, жанубнинг илиқ шамоли ҳақида сўйларди, яна бошқасининг номи эса “Рухий далда” деб аталган ва ранг-баранг кўклам чечакларига бағишланган эди. Афсуски, Флориберт бу ашъорларни на ўқий ва на куйлай оларди, чунки улар сўзсиз эди, бироқ муттасил хаёлан ўйлар, айниқса, кеч кириши билан уларни чуқур ҳис эта бошларди. Қолган пайтларда эса унинг кунлари кўпинча қишлоқда ўтар, у ерда сарғиш-оқ сариқ сочли болачалар билан ўйнаб-кулишар ё бўлмасам ёш аёллар ёки бокира қизлар олдида уларни худди сарой хонимларига ўхшатиб, бошидан шляпасини олар, таъзим қилиб, кўпчиликни кулдирадди. Агнес хоним, ҳа, гўзал Агнес хоним, соҳибжамол, машхур Агнес хоним учраган кунлар эса унинг учун энг бахтиёр дамлар ҳисобланарди. Унга дуч келиб қолса борми, таъзим бажо айлаб, қуюқ салом берар, гўзал аёл эса алик олиб, унинг хомуш ва паришон юз-кўзларига бирров назар ташлаб, жилмайганича ёнидан бамисоли қуёш нуридай “лип” этиб ўтиб кетарди.

Агнес хоним бир пайтлар кавалер (ошиқ, хуштор – тарж.) баронларга қарашли бўлган, ўт босиб, қаровсиз ётган қаср хиёбонига туташ уйда ёлғиз ўзи яшарди. Унинг отаси ўрмончи бўлган ва бу уйни унга маълум бир хизматлари эвазига ҳозирги хўжайиннинг падари бузруквори ҳадя этган эди. Жуда эрта эрга тегиб, турмуши бузилиб, ёш бева сифатида уйга қайтгач, отасининг вафотидан сўнг у бир чўри хотин ва кўзи ожиз холаси билан бирга ана шу ҳувиллаган уйда истиқомат қиларди.

Агнес хоним одми бўлса-да, бироқ ҳар доим янги, нафис рангли, чиройли кўйлақлар кийиб юргучи эди. Юз-кўзлари ҳам худди қизларникидек ҳамон ёш ва гўзал кўринар, тўқ жигарранг патила сочлари илондай тўлғаниб, кетворган қадди-қоматига ўзгача ҳусн бағишларди. Барон уни ўз хотини иснодга қолдириб, ташлаб кетмасидан бурун зимдан яхши кўрар, мана энди у соҳибжамол ишқида оташ бўлиб ёнарди. Эрта-лаб уни ўрмонда учратди-ю, тинчи йўқолди, кеч тушиши билан қўярда-қўймай қайиққа ўтқазиб, ўзи билан тўқайзордаги қамиш қапага олиб кетди. Ниҳоят, эрта оқараётган дағал соч-соқол дўндик чехрага суйкалиб, овчига хос қаттиқ ва бераҳм қўллар нозик-нафис бармоқлар билан ўйнашди...

Агнес хоним дам олиш кунлари мунтазам черковга борар, тоат-ибодатдан сўнг гадойларга садақа улашарди. Шу куни у қишлоқдаги камбағал, бева-бе-

\*Фён – тоғли мамлакатларда эсадиган илиқ қуруқ шамол (тарж.).

чора хотин-халаж ҳолидан ҳам хабар олар, уларга пойафзаллар инъом қилар, бичиш-тикиш ишларида ёрдамлашар, набираларининг сочларини тараб кўяр ва кетаётиб шу зайл кулбаларда Худонинг суйган бандаси янглиғ, азиз-авлиё каби ўзидан ёқимли таассуротлар қолдирадди.

Яшириб нима қилдик, гўзал Агнес хонимга барча эркакларнинг ҳам кўнгли султ кетарди. Кимки агар ўзига ёқса ва белгиланган вақтда келса, унга наинки кўлини ўпишга, балки ақиқ лабларидан қайноқ бўса олишига ҳам изн берарди, қайсики йигитнинг қадди-қомати келишган, омади чопган бўлса, тунда сездирмай ойимчанинг олдига дераза ошиб тушишга ҳам ҳадди сифарди.

Буни ҳамма, ҳатто барон ҳам биларди, бироқ гўзал аёл парвойи палак, бокира қизларга хос иболи нигоҳ-ла ўз йўлида давом этар, кўринишдан уни ҳеч қандай эркак зоти йўлдан оздира олишга қодир эмас-дек туюларди гўё. Гоҳо йўлида ногоҳ янги маъшук пайдо бўлар, худди эришиб бўлмайдиган гўзаллик янглиғ эҳтиёткорлик билан кўнглини овлар, уни ўзига мафтун эта олганидан масъуд ғурурга тўлиб, бошқа эркаклар олдида ўзида йўқ шодланарди. Аёл яшайдиган уй маъюс, ғамгин, ғира-шира хиёбоннинг бир чеккасида жойлашган, худди ўрмон эртаги каби танҳо бу макон ҳаминша ям-яшил бўлиб ўсадиган атиргул билан қопланган эди. У бу уйга бамисоли ёзда тонг маҳал очилган қирмизи атиргулдай яшнаб кириб-чиқаркан, болаларга хос юз-кўзларидаги соф гўзаллик янада тиниқроқ жилва қилар, чамбар қилиб ўрилган сочлари ҳар қадамда товланиб, кўзларни қувнатарди. Қари-қартанг, бева-бечора хотинлар унинг кўллларини ўпиб, дуо қилишар, эркаклар бўлса қуюқ саломлашиб, кетидан жилмайиб қараб қолишар, болалар унинг ортидан чопиб, тиланчилик қилишар, у эса меҳрибонлик билан уларнинг юзларини сийпарди.

– Ҳой, менга қара, нега сен бунақасан-а? – сўрарди барон баъзан, унга қаҳрли кўзлари билан таҳдид қилиб.

– Мен билан ишинг нима? – дерди аёл унга ҳайронлик билан боқиб, тўқ жигарранг сочларини ўришда давом этаркан.

Шоир Флориберт уни ҳаммадан ортиқ севарди. Унга кўзи тушди дегунча, юраги потирлаб ура бошларди. Агар унинг ҳақида бирон ёмон гап эшитгудек бўлса, бирдан маъюс бўлиб қолар, бош чайқаб, ишонгиси келмасди. Болалар уни тилга олишганда, худди қўшиқ тинглаётгандек очилиб, яйраб кетарди. Унинг хаёлот оламидаги энг гўзал ўй, ҳис-туйғулар фақат Агнес хонимга тегишли бўларди. Бунда у севган ва унга гўзал туюлган барча нарсалар, Мағриб шамолидан тортиб, олис мовий кенгликлар-у ярқираган кўклам чечакларигача, барча-барчаси мадад берар, ҳаммаси бир бўлиб, болаларга хос бесамар ҳаётининг бутун соғинчлари-ю бемаъни дилкашликларини мана шу биргина суратга жо этарди.

Ёз эндигина бошланган кезлар эди. Узоқ давом этган жимжитликдан сўнг, ниҳоят, бир куни оқшом жонсиз қасрга бир озгина янги ҳаёт нафаси кириб

келди. Қулоқларни қоматга келтириб горн овози янграгач, ҳовлида ҳашаматли арава жаранг-журинг қилиб тўхтади. Қаср соҳибининг туғишган акаси хос хизматкори билан меҳмон бўлиб келганди. Эчки соқолли, аскарый кўзлари ғазабнок чақнаб турадиган, келишган, барваста бўйли бу одам ҳар куни Райн дарёсида сузар, шунчаки эрмак, кўнгилхушлик учун кумушранг балиқчи қушлар – чайкаларга қаратиб ўқ узар, шаҳарга отда сайр қилиб, у ердан кайфи ошиб, маст ҳолда қайтарди. Уйга келгач, беозор шоирни мазах қилиб, жиғига тегар, кечаю кундуз шовқин солиб, укаси билан суришгани-суришган эди. Уни қил, буни қил, у ёқ-бу ёғингни тузатиб, яхшироқ яшасангчи, дея унга ўзича минг хил “маслаҳатлар” берарди. Албатта, унга гапириш осон, чунки ўзи бадавлат хонадонга кўев бўлиб, бойиб кетган, укаси – қаср эгаси эса камбағал эди, бунинг устига умри кўпинча дарду ҳасрат, ғам-алам билан ўтган.

Меҳмоннинг ташрифидан мақсади кўпроқ кўнгил хуши бўлган чамаси, биринчи ҳафтадаёқ келганига пушаймон бўла бошлади. Ука акасининг оғзини пойлар, бироқ у кетиш ҳақида сўз ҳам очмасди. Бунинг боиси бор эди – у Агнес хонимни кўриб қолиб, оромини йўқотганди.

Орадан кўп ўтмай, гўзал аёл хизматкорининг эғнида янги кўйлак пайдо бўлди, буни унга албатта, меҳмон барон туҳфа қилган эди. Яна ҳаял вақт ўтмасдан, чўри хотин хиёбон девори ёнида меҳмоннинг шахсий хизматкори қўлидан гулдаста билан мактубларни қабул қилиб олди. Бир-икки кун ўтиб-ўтмай, меҳмон барон ўрмондаги уйчада Агнес хоним билан учрашиб, унинг нозик қўлидан, юпқа лабларидан ва оппоқ бўйнидан ўпа бошлади... Шундан кейин қишлоқ йўлида соҳибжамол аёлни ҳар гал учратганида бошидан қалпоғини олиб саломлашадиган, у эса ўн етти яшар қиз каби уялиб, раҳмат айтadиган бўлди.

Орадан кўп вақт ўтмади, бир куни оқшом меҳмон барон ўзи ёлғиз хаёл суриб ўтирганди, қутилмаганда дарё бўйлаб сузиб бораётган қайиқни кўриб қолди. Унда эшакчи билан бир аёл ҳам бор эди. Улар ким бўлдийкин? Афсуски, ғира-ширада аниқ таниёлмади. Бир-икки кун ўтиб, сир ошкор бўлди-қўйди. Қорамтиртус Райн дарёси бўйлаб сузиб бориб, соҳилдаги қамишзор ортида кўздан ғойиб бўлганлар... унинг ўз укаси билан ўша ... гўзал аёл экан.

Меҳмон барон бундан дарғазаб бўлиб, бадбин хаёлларга берилди. У Агнес хонимни қонундан ташқари деб эълон қилинган беғам, беор шахс эмас, балки азиз ва қимматли маъшуқа сифатида севиб қолган эди. Ундан ҳар гал бўса олганида қувонч ва ҳайратдан ўзида йўқ шодланар, унинг хушомади олдида соф нафосат сўзсиз таслим бўларди. Шунинг учун ҳам унга бошқа аёлларга қараганда кўпроқ меҳр берган, уни миннатдорлик, ҳурмат-эътибор ва илтифот ила оғушига олган пайтлари бўз йигитлик чоғларини эсланган бўлса не ажаб. У нобакор бўлса... Бароннинг ғазабдан кўзлари ёнди, бир тутам соқолини ямлаб, тишларини ғижирлатди.

Бўлиб ўтган бу воқеалардан, саройда юзага кел-

ган хавф-хатардан бутунлай беҳабар шоир Флориберт эса тинч-осойишта ҳаёт кечиришда давом этарди. Тўғри, унга меҳмон жанобларининг гоҳо жиғига тегиб, қийнашлари ёқмасди, лекин у бунақанги нарсаларга илгаритдан кўникиб қолган эди. Шоир меҳмонга иложи борича кўринмасликка ҳаракат қилар, бутун кун бўйи қишлоқда ёки Райн дарёси бўйида – балиқчилар хузурида бўлар, оқшомларни эса хушбўй ҳарорат оғушида бетизгин хаёллар суриш билан ўтказарди.

Бир куни эрталаб туриб қараса, сарой ҳовлиси деворидаги чойгул(атиргулнинг бир тури – тарж.)нинг илк ғунчалари очила бошлабди. У сўнгги уч йилдан буён ҳар ёз фаслида қанда қилмай ана шу ноёб атиргул очилди дегунча, ундан гулдаста ясаб, Агнес хонимнинг уйи остонасига билдирмай қўйиб келарди. Мана энди бу йил ҳам тўртинчи бор ушбу камтарона номсиз саломдан хоним хурсанд бўладиган бўлди-да...

Худди шу куни туш пайти азим қорақайинлар ўсиб ётган ўрмон ичида меҳмон барон ва гўзал аёл бир-бири билан учрашишди. Барон маъшуқасидан кеча ва ундан олдинги куни кеч оқшом қаерда бўлганини сўраб-суриштириб ўтирмади. Аёлнинг хотиржам, беозор қулиб турган кўзларига қаттиқ тикиларкан, унга пўписа оҳангида деди:

– Бугун кечқурун қоронғи тушгач, олдинга келмоқчиман. Деразангни очиб қўй!

– Бугун эмас, – деди аёл майин овозда, – йўқ, бугун эмас.

– Мен шуни хоҳлайман, сени қара-ю.

– Бошқа сафар, майлими? Фақат бугун эмас, иложим йўқ.

– Бугун оқшом келаман дедимми, гап тамом. Бугун оқшом ёки бошқа ҳеч қачон, билганингни қил.

Аёл индамади, ортига бурилди-да, кетди.

Кеч бўлиши билан барон дарё ёқасига келиб, қоронғи тушишини кутди. Соҳилда қайиқ кўринмади. Шундан сўнг у маҳбубасининг уйига яқинлашди, бутазор орасига яшириниб, кесма милтиғини тиззаси устига қўйди.

Атроф сукунатга чўмган, ҳаво иссиқ. Оқ гулли хушбўй ўсимлик – ясминнинг муаттар ҳиди димоққа уради, осмонда муаллақ сузиб юрган булутлар орасидан юлдузлар хира милтираб кўринади. Хиёбон ичида қандайдир қуш дам-бадам маҳзун сайрайди.

Ҳаммаёқ қоронғилик чодирига бурканди. Шу пайт уй бурчагида ногоҳ соя кўринди, кимдир оёқ учиди аста юриб кела бошлади. Бошидаги шляпасини пешонасигача тушириб олган, нега бундай қилдийкин, ахир ўзи шундоғам қоп-қоронғи, бунга ҳожат йўқ эди-ку. Ўнг қўлида гулдаста кўтарволган, оқ атиргуллар хира йилтирарди. Пойлоқчи хушёр тортиб, милтиқ тепкисини кўтарди.

Номаълум киши тўхтаб, ҳадиксирагандай юқорига қаради. Унинг ҳеч қаерида чироқ кўринмасди. Сўнг у эшикка яқин борди-да, энгашди ва темир тутқични ўпиб қўйди.

Худди шу лаҳзада гумбурлаб ўқ овози янгради, у то хиёбон ичкарасига қадар акс-садо берди. Қўлида атиргул тутган киши беҳосдан тиззалаб, шағал устига

чалқанчасига қулади, ётган жойида хиёл типирчилаб, сўнг қимирламай қолди.

Мерган яширинган жойидан жилмай, бир оз кутди, ҳеч зоғ кўринмади. Чор-атрофга яна сукунат чўмди. У ёқ-бу ёққа аланглаб, аста ерда ётган кимсага яқинлашди, унинг шляпаси сал нарига учиб тушганди. Эгилиб қараган эди, шоир Флорибертни таниб қолди.

– Эҳ, буни қара, ана холос! – ихраб юборди у беихтиёр.

Чойгуллар ҳар томонга сочилиб кетган, бир дона атиргул марҳумнинг қонига булғаниб ётарди. Қишлоқ томонда кўнғироқ бонг чалди. Осмонни оқиш булутлар тўдаси қоплади. Қасрдаги баҳайбат минора гўё тик туриб уйқуга кетган дароз паҳлавондай кўкка буй чўзиб турар, Райн дарёси аста мавж уриб, доимий кўшиғини куйларди. Қоп-қора хиёбон ичидаги ёлғиз куш эса то тун ярмидан оққунга қадар тинмай сайраб чиқди.

Немис тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.



## Биринги уғрашув

Биринги уғрашув  
Биринги уғрашув

Нодира ЛАПАСОВА

## Сени англолмагайман Мўъжизага бой дунё



### ҚУЁШ

Эй қуёш, неча йилки,  
Заминга нур тўқасан.  
Кеч тушгач ётогингга  
Аста, ҳоргин чўқасан.

Тириклик бор, сен борсан,  
Тиним билмайсан ҳамон.  
Неча асрлар ўтди,  
Сен ҳамон ёш, навқирон.

Қара, қуёш нурини  
Тенг сочар қари, ёшга.  
Дунёда энг бахтлидир,  
Ким ўхшаса қуёшга.

### БОҒ

Богда ўсар турли-туман  
Меваси бол дарахтлар.  
Шохлардаги гуж-гуж мева  
Кун нурида ярақлар.



Ям-яшил бог қандай кўркам,  
Кўриб кўзинг қувонар.  
Юракларда ухлаб ётган  
Туйгуларинг уйғонар.

### ДУНЁ

Сени англолмагайман  
Мўъжизага бой дунё.  
Гоҳ саҳро, гоҳи тошқин  
Дарё дунё, сой дунё.

Яралдинги тўхтамай  
Шамолдек елаяпсан.  
Одамзодга бағриндан  
Жой бериб келаяпсан.

Сенинг оташ бағрингда,  
Дуч келарман гоҳ зовга.  
Фақат умримни мангу  
Қолдирмагин синовга.



## ШАКЛГА ЯШИРИНГАН МАЪНИ

*“Юрагинг бир парча гўштга айланиб қолмасин!”*  
**“Алхимик”дан**

Бундан етти аср муқаддам моҳият кашшофи Мавлоно Жалолоддин Румий “инсон бир ишни қилиш учун дунёга келади”, яъни “ҳар ким ўз эҳтиёжи ёнида яшайди” дейди. Шундай экан, ҳар бир даврнинг ўз ижодкори бўладик, ўша ижодкорлар бутун миллат ҳақида аниқ мантиққа қулоқ тугиб, тўғрироғи, инсон ҳақида билганларини тарих зарварақларига вақтида муҳрлаб боради. Бундан йигирма йиллар илгари Лотин Америкасининг сўз сеҳргари, ёзувчи Пауло Коэлонинг “Алхимик” романи дунёга келган эди. Орадан ўн икки йил вақт ўтиб ушбу асар ўзбек тилига таржима қилинди. Ва, бир неча йил ичида “Алхимик”нинг учта таржима варианты юзага келди. Булар мунаққид О.Шарафиддинов, шоир А.Саид, адабиётшунос А.Отабоев каби таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, минглаб нусхаларда ўзбек ўқувчилари қўлига етиб борди. Роман сюжетини кўпчилик адабиётшунос ва мунаққидлар Румийнинг “Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур” фалсафий ҳикмати асосида қурилган, деган фикрларни илгари суришади. Бу айни ҳақиқатдир. Бинобарин, П.Коэло бир ижодкор сифатида шарқ халқлари, хусусан, тасаввуф адабиёти намуналари билан танишган бўлиши мумкин. Унинг ютуғи шундаки, романда юқорида айтганимиздек Румий “инсон бу дунёга бир иш ва сафар қилгани келади” дейди. Ҳақиқатдан ҳам Румийнинг фикрлари П.Коэло романида асос вазифасини ўтаган. Роман қаҳрамони ҳам хазина излаб сафарга чиқади. Сафар давомида турли-туман “оқ-қора”

йўлларни босиб ўтади. Гоҳо зулмат кўчаларида адашса, гоҳо ёруғ кундузларда азият чекади. Бу инсоннинг ўз тақдири олдида ожизлиги ва ҳаёт аталмиш сирли жумбоқнинг моҳиятини тўла билмаслигидан шаҳодат беради. Румийнинг ҳикояти ва ҳикмати асосида яратилган ушбу роман кунимизга келиб, бир юз йигирмадан ортиқ мамлакатга етиб бориб, бутун дунёни кезиб юрибди. Демак, гап шаклда эмас, мазмунда. Мазмунни шакллантира олган П.Коэло турли хил тақдирларга рўбарў қилган Сантьяго “ҳаёт аталмиш” синов майдонида тоблаб кўради. Сафар давомида иродаси охиригача бардош бера олган Сантьяго хазинани ўз юртидан ахтариш лозимлигини англаб етади. Бу ерда инсон-миллат-қадрият-табиат-жамият муносабатларига рамзий ишора берилган. Негаки, ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида турфа хил кўчаларга бош уради, турфа хил тақдирларга рўбарў келади, ана шу жиҳатлар учрашган жойда – инсон моҳиятига, ўзлигини англашга сафар бошланади. “Агар ўзлигида янги нарсалар топган зот ақлйдир, куллийдир” дейди Румий. Яъни, инсон ўзидаги бор билим ва тафаккури билан ҳаёт аталмиш мўъжаз жумбоқнинг асрорини англашга киришади. П.Коэлонинг қаҳрамони Сантьяго ҳам хазина учун бир неча шаҳару қишлоқларда сарсон-саргардон кезинади. Ёзувчи “ҳаётга келишдан муддао не?” деган саволни қаҳрамонига беради-да, уни сафар қилишга жўнатади. Демак, романнинг моҳиятида умрнинг бебақолигини, ҳар бир нарса омонат эканлигини, у қайси давр фарзанди бўлишидан қатъи назар шарафига монанд ўрин эгаллаши лозимлигини зукко китобхонга рамз ва ишоралар орқали таништиради. Сантьягога ҳеч ким ачинмайди. Ҳатто

### Замира ҚАБУЛОВА

1970 йилда Қўнғирот туманида туғилган. Ҳозирда Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг ўзбек филологияси кафедрасида хизмат қилади. 30 га яқин илмий мақолалари республика матбуотида нашр қилинган.

уни ўлим хавфи бостириб келаётганида ҳам. Чунки китобхон Сантягонинг ўлимидан таҳликага тушмайди, унинг излаётган хазинаси қаерда эканлиги ҳақида ўй суриб, алапоқибат хазинани кўлига кирита оладими ёки йўқ деган тасаввур оқимида яшайди. Бу ерда кўринадики, адиб бадий маҳорати англаган ва англамаган тасаввурларга ойдинлик киритиш, инсоннинг билим ва тафаккур қудратини чамалаш, кучли ва ожиз жиҳатларини урғулашга қаратилгани қабариб кўринади. Адиб роман сўз бошисида таъкидлашча: “Модомики, бизнинг бошқаларга қараганда кўпроқ азият чекишимизга тўғри келар экан, Ўз Тақдир йўлимиздан юришимиз шартми, деб сўрашингиз мумкин. Бу шунинг учун ҳам зарурки, омадсизликлар ва мағлубиятлар ортда қолгач – улар охир-оқибат барибир ортда қолади, – биз тўла-тўқис бахт туйғусини англаб етамиз ва ўзимизга ишончимиз янада ортади. Қалбимизнинг туб-тубида бошимиздан кечирган ғаройиб ҳодисаларга муносиб эканимизга ишонч ҳосил етамиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир соати – бу Шарафли Жанг дақиқаларидир”. Инсоннинг асл ўзаги – моҳияти ҳақида мушоҳада юритган адиб “Юрагингда Ўз Тақдирингда” қалбингда ишонч ва мустаҳкам ирода туйиш лозимлигига мантикий урғу беради. Бу теран тушунча ҳаёт жумбоғини англашга замин ҳозирлаётгани шубҳасиздир.

Мунаққид У.Ҳамдам “Инсон – мантиқ фарзанди” мақоласида шундай ёзади: “Асар сюжет қурилишига, тасвирига кўра романтик, асарга юклатилган мазмунни ифода қилиш принципига кўра символистик, услубига кўра модернистик ва ниҳоят, ундан уқиладиган маъно ҳақиқатига кўра реали-

стикдир. Эҳтимол, бу гапларни ҳали анча тарашлаш керакдир. Лекин бундан қатъи назар, илк таассуротлар “Алхимик” тўғрисида умумийроқ бўлса-да, ана шундай мулоҳазаларга ундайди”. Дарҳақиқат, романнинг табиатида турли “изм”ларнинг синкретик ҳолати тажассум топган. Роман жанрининг ўша 1988 йил “Алхимик” дунёга келган кунлардаги ҳолати уммон орти давлатларида жуда бошқача, постмодерн намуналар деб саналаётган жиҳатлар акс эттирилгани аёнлашади. Чунки бизнинг адабиётимизга кириб келгунга қадар, бизда ҳам бу борада “анча-мунча” катта-кичик тажрибалар қилишга уринаётган ёзувчиларимиз бор эди. Демак, дунёдаги мавжуд “изм”лар давр ва кайфият маҳсули сифатида юзага келиши юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Алхимик”да муайян давр ва уни ифода қилиш ёки давр ва муҳит зиддияти кўзга ташланмайди. Чунки роман битта жамият ҳаёти билан боғлиқ эмас. У эврилаётган дунё сарҳадларининг барча бурчакларида ўқилишининг ҳам ўзи буни тасдиқлаб турибди. Роман – рамз ва ишоралар йиғиндисидан иборат. Сантяго инсон аталмиш сирли жумбоқнинг бир қирраси, холос. Зотан, барча замонларда руҳий борлиқ ҳақида мушоҳада юритган инсон ўзига жозиб бир маъно ахтариб келади. Уммон орқасидаги халқларнинг кайфияти бундан йигирма йиллар илгари бу каби “изм”лар маҳсулига эҳтиёж сезган экан, бунинг серқирра кўринишлари ўзбек адабиётида “энди” ривожланиш палласига кириб келмоқда десак, асло муболаға қилмаган бўлаемиз.



### *Толланд мақоли*

\* *Бир узур эшакка мингидан бир йил отга минги ахшидир.*

### *Урланд мақоли*

\* *Одам энг кўп севги.исини, энг ахши шаклда оиласини, энг узун муддат онасини севади.*

### *Амайка мақоли*

\* *Инсонлар яшаб қаридик дейдилар, холбуки яшамасдан қарийдилар.*





## Замин ~ онасидир бор мавжудотнинг

\*\*\*

Ғамлар ўстиради бўйимни,  
ғам чексам  
бошимни эгиб юрарман  
булутларга тегиб кетмасин дея.

\*\*\*

“Букрини гўр тўғрилар” дердилар  
Букри ҳам ўлди.  
Букри бўлиб қолдилар қабри.

\*\*\*

Замин – онасидир  
бор мавжудотнинг.  
Пахта эса заминнинг  
эрка боласи.  
Соқоли оқариб кетса ҳам  
ётибди тўхтамай  
онасин эмиб.  
Сийнасин қонатиб шўрликнинг,  
эмабер, эркатой.  
Онанг энди тугмайди  
боладан қолган.  
Отанг ҳам бепушит.

\*\*\*

Сулувгина, сулувим  
Висолингга етмасам  
Қизил гулдай сўламан.  
Сулувгина, сулувим  
Васлингга етган куним  
Қувончимдан ўламан.  
Шунинг учун васлингга  
Етиш билан етмаслик  
Ўртасинда юраман.



\*\*\*

Ит билан мушук чиқиша олур,  
Ўт билан сув ҳам.  
Агар улар эр-хотин бўлса,  
Ўртада бўлса болалар.

\*\*\*

Аёлларни камситишдилар  
сочи узун,  
ақли калта деб.  
энди улар сочларини  
ақлига мослаб олдилар.

### СОҒИНЧ

Мен онамни соғинсам,  
Опаларим излайман.  
Мен онамни соғинсам,  
Сингилларим сизлайман.  
Бирисидан топаман  
Меҳрибонимнинг кўзларини.  
Бирисидан топаман  
Меҳрибонининг юзларини.  
Ҳаммасини жамласам  
Онам бўлар бус-бутун...

\*\*\*

Ухлаганимизда гафлат оғушидамиз  
уйғоқлигимиз  
аслида мудроқлик.  
Биз фақат  
абადий уйқумиздан  
бир дақиқа илгари уйғонамиз.  
Нақадар даҳшатли  
ўша уйғоқлик...



□□□□□□□ □ □□□□□□□  
□□ □□□□□□□□

### Ҳажвиялар

#### БИР СИҚИМ СЎЗ БОШИ

...Устоз ҳажвчилар ёзишга хамиртуруш тополмай қолган кезларида, албатта, бозорга... ошиқишаркан.

Аллома адиб Ғафур Ғулумни Бешёғоч бозорида бот-бот кўрганлар, бу ҳақда ёзилган ҳикоялар қанчадан-қанча.

Ҳажвчилар сардори Саид Аҳмад домла эса ўз “қахрамонлари”ни олдин бозорда, сўнг тушида кўриб, алқисса, Дўрмондаги боғида боқарканлар.

Халқ ёзувчиси Неъмат Аминни айтинг. Неча бор унга холироқ жойни “таклиф” қилишди. Аммо ул зот “Фарҳод бозори” дан нари кетишни истамайди. Сабаби сўралди: “Маънавият ва маърифатни аввало, бозордан бошлаш дуруст...” дея лутф қилади.

Яна бир устоз Саъдулла Сиёевни олинг. “Даҳрий”-ликлари тутиб қолса, яқкаш “Бозор кўрмаган йигит”... асло, йигит эмас дея оёқ тираб оладилар. Айрим “ғийбат”ларга қараганда Анвар Обиджонни ҳам бозорда “Безгакшамол” чалиб кетгандан буён, эл орасида машҳури олам бўлиб қолибди.

Шу тарзда аниқ “факт”лардан сўнг хулоса шулки, демак бозор даврида бозори чаққон бўлишни истаган қаламкашлар тез-тез бозорга тушиб туришса, нафақат тўрхалталари, балки қўйин дафтарлари ҳам қаппаярди. Боиси, мол-матохларни мижозларга манзур қилишда бу манзилгоҳдагилардан ҳар қанча ўргансак арзийди.

Шундай қилиб, бозор дарвозаси даҳлизидамиш. Чўчимай, остона ҳатлайверинг. Лоақал тишнинг оқини кўрсатсангиз ҳам сиздан асло “патта” олинмайди. Кулсангиз кулгиси сизга, савоби эса бизга.

#### “МАНГУ ЖАНГ”

– Майиз қанча бўлди?  
– Ҳеч қанча! Олдин татиб кўринг, ака... Пажалиска!  
– Йўқ, раҳмат. Аллергиям бор. Нарҳини айтинг.  
– Нарҳи арзон... Энди қўл қайтмасин, сухан синмасин... Мана шу биттагинасини... Шошманг, думчасини олиб... Ана энди “самка” бўлди! Қалай, ширинми? Ёқмаса, пулингиз ўзингизга сийлов...

– Яхши, яхши... Баҳосини айтмайсизми?  
– Айтаман... Мабодо чўнтагингизга тўғри келмаса... Ками бор, конечно... Айтаман!

– Хўш-ш, неча пул?  
– Ўзи бебаҳо, бироқ сизга почти бепул! Лекин, майиз эмас, мураббо... мисоли мўмиё – минг дардга даво! Қани халтани очинг... Ёки, яна бир кафтгина ейсизми?

– Йўқ, олдин нарҳини эшитайлик-чи?!  
– Нарҳи сув текин... Обруйингизга, мана бу савлатингизга мос келадиган майиз. Қани тортайми?  
– Сиз майизфурушми ё масхарабозми? Савлатнинг майизга нима алоқаси бор! Нарҳини...

– Нима десангиз, ака... Биз рози! Харидор ҳамиша ҳақ. Шу майизгинани еб, эртага яна қўмсаб, қидириб келмасангиз мен беноват! Бўлди энди, очинг тўрвани... Бошланишига ўн киломи, ўттиз кило?

– Уф-ф! Олдин чўнтакка қараб фол очишим керакми, ахир? Килоси неча пул деяпман?

– Мен ҳам арзон деяпман-ку! Тупроқбаҳо, сув текин... Ажойиб хосияти бор, бу меванинг... Лекин, акахон, бунинг учун майизнинг ёнига ёнғоқ қўшиб, майиз билан мағизни иккаласини “бхай-бхай” қилиб қовуштириб, сўнг “сангам” қилиб есангиз...

– Хў-ў, биродар! Мен маъруза эшитгани эмас, майиз олгани келганман. Мана, келинингиз тузиб берган “рўйхат”да яна етти-саккиз хил масаллиқ турибди... Со-тиш ният борми, ўзи? Нарҳи...

– Нарҳи... ничево! Туриш-тароватингиздан уч-тўрт сўлкавойнинг бетиға қарамайдиган марди майдонга ўхшайсиз-да. Яна нарҳни сўрайсиз. Ҳа, от билан туя бўлармиди... Гўсала бўлар, бўталоқ бўлар... Бўлди, қопни очинг... Тоға!

– Тоға?! Соқолингиз киндикка тушиб, олдин мени “ака” дедингиз, ҳай... Энди “тоға” бўлдикми?! Бу нарҳини...

– Хў-ў, ука... Тоға нима?! Агар молимнинг нарҳини тош босадиган қилиб берсангиз, “почча” десак ҳам тилимизга тирсак тошмайди! Билдингиз... Қани, сумкани...

– Йў-ўқ! Шохида юрсангиз, мен баргида... Нарҳини айтинг?!

– Нарҳи, арзон... Тўрвани...

– Йўқ, нарҳи...

#### ГҶШТ СУЯКСИЗ БЎЛМАС

Қассоблик растаси. Қўлтиғида папка, оҳори тўкилганроқ бўлса-да шляпа кийган киши гўшт илин-

ган чангакка яқинлашади. Халатининг устидан қора лас чопон кийган, қўш белқарс боғлаган қассоб уни кўриб қайроқ-пичоғини четга итқитади. Қўлларини икки биқинига артади, сўнг кўксига қўяди.

– Келсинлар, катта... Келсинлар!

– Ҳа, шу озгинагина лаҳм...

– Тушундим. Озгина-ю, созгина... демоқчисиз-да!

Қани олдин ўша чучвара ейдиган қўлларингизни тутиб... Э-э, бу қон юқидан бурунни жийирманг! Кеча сўйган тача сал шўхроқ экан. Бўғзига пичоқни мана шундай тортиб... Қўрқманг, қўрқманг! Мен хув, анови Қўзи қассобга ўхшаб шишиб ўлган, ҳаром қотган, тўғри келган... Кечирасиз, катта... Сиз молиядансиз-а?!

– Йўқ, молияданмас. Менга гўшт...

– Ҳозир, ҳозир... Лекинчи, катта, гўшт учун менга келиб тўғри қилибсиз. Мен ҳалиги, айрим... Сиз-чи, анови Қўзи қассобдан гўшт тугул, чандир ҳам ола кўрманг! Нега дейсизми? Э-э, у қаллоб қўй сўйса, қорнини дам билан дўппайтириш учун, оғзи билан пуфламайди... Беномус, валасепед насоси билан ел уради. Ана кўрдингиз?! Бу лаби жириқни тартибга оладиганлар ҳам бордир... Катта, сиз налогдан-а?!

– Йўғ-е?! Мен...

– Ҳа, майли, майли... Аттанг! Агар налогдан бўлсангиз ана ўша Қўзи қассоб устидан бир бўҳча факт тўплагандим-да! Афсус... Сизга сон гўшти, менга ҳеч бўлмаса қайроқ-кундаси тегарди... Сабаби, Қўзи қассоб эмас, қаллоб, шайтонга қариндош! Олибсотар... Ҳа, ҳа... Кулманг. Исбот керакми? Мана свежий факт. Кеча жума бозордан танаси терисига ёпишган ғунажин сотиб олганини ўзим кўрганман. Ўша жониворгинани жума оқшом, шанба кун бўйи соғринига ковуш билан шапатилаб “семиртириб” яқшанба бозор бир ярим бараварига сотса бўладими? Икки килогина кунжараси кетсаям одамга алам қилмасди... Катта, сиз, ҳалиги типографияда ишлайсиз-а? Келинг, шу ковушбардорнинг ковушини тўғрилашга менга ёрдам...

– Йўқ. Мен мухбир эмасман. Менга гўшт...

– Шошманг, катта! Шошманг. Гўшт ҳам бўлади, тўш ҳам... Шошган пишак, кўр туғар, кўр одамгина Қўзи қассобдан гўшт олади. Мен уни, энаси этагини кўтариб, тўғнағич қадаб қўйган маҳалдан бери биламан. Ёшлигида товўқни капгир билан уриб сўярди, бемаза. Энди эса гап бермайди, боди... Мақтанишларига куяйми? “Қўзи эмас, қассобларнинг “қўчқори” эмиш!”. Қўчқор-а? Биламиз, бебилиска пул бобовлатаётганини... Катта, сиз органдан-а? Шу бетовфиқнинг тарози тошини бир текширинг... Эгов билан ишқалаб ғозини қочирган. Ҳам тошдан, ҳам тарозидан, ҳам палладан, ҳам “калла” дан уради... Орган бўлсангиз бундай...

– Йўғ-е, органдаям ишламайман! Нима танимаяпсизми? Гўшдан...

– Танияпман, катта, танияпман! Таниганим учун дардимни дастурхон қилаяпман-да! Сиз... телевидениедан... Топдимми? Лекин-чи, шу Қўзининг башарасини қоп-қора қилиб... Йўқ деманг... Шу Қўзини гўштини менга майдалаб...

– Оббо, барибир танимадингиз! Наҳотки, эслотмасангиз... Ўн йилча олдин шу шаҳардаги институтда

ўқиганда, сизникида ижарага турардим. Ҳозир қишлоқда мактабда... Қани эски танишлик ҳурмати, ошга тош босадиган қилиб...

– Ҳм-м... Ошнинг гўшти суякли бўлади-да, иноға! Мен сизни чучвара... Тавба, қассобхонага ҳам папка қўлтиқлаб... Ҳм-м, хайр... хайр... Ҳой, шляпа! Шошма, сен ахир ўшанда икки ойлик квартира ҳақини бермай... Ҳў-ў, Қўзига ўхшамай...

## ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Икки ошна – Салим ва Ҳалим бозорлигини қилишмоқда. Салим сомон тиқилган қопдек юм-юмалоқ. Ҳалим эса “ем тегмагандек” озгин ва новча. Салимнинг икки қўлтиғида харид қилинган маҳсулот-масаллиқлар. Ҳалимнинг қўлида эса бор-йўғи бир варақ қоғоз. Салим юз кўзидан шаррос қуйилаётган терни қийшайганча елкасига артаркан, толиққан товушда деди:

– Қўлингидеги рўйхатга қара-чи... Яна нималар қолибди... Уф-ф!

Ҳалим ярим ғижимланган қоғознинг тахини ёзиб ҳижжалайди:

– Олма... олинди. Сабзи... солинди. Шолғом, турп, кўкат... Демак, ша-а... бўялиб кетибди. Ша-а-ф...

Салим бетоқатланди.

– Шап-шап демай, шафтоли демайсанми, найнов! Қўл толди-ку...

– Шошма... ша-а... Қара, ҳақиқатан шафтоли билан анжир қолибди...

– Анжир билан шафтоли?! Халтада ахир, жой қолмади-ку! Ҳаммол қилиб ўлдираркансан-да мени...

Ҳалим “рўйхат” билан оғзини беркитиб хомуза тортди.

– Бошида келишдик-а? Савдолашиш мендан, бозорликни кўтариб юриш сендан... Лекин, яна бир қоғоз-халта олсак, қандай қилиб кўтараркансан...

Салим ҳансираганча оғирлигини бир оёғидан иккинчисига солади.

– Шошма... шу, каллага бир фикр келди.

Ҳалим эснаганча қўл силтайди.

– Хўш? Халтанинг биттасини кўтарасан демоқчимисан?! Бекорларнинг бештасига бештош ўйнабсан! Қани юр! Олдин анжир, сўнг шафтоли оламин.

– Йў-ўқ, – Салим қашингиси келди шекилли, қий-шанглаганча елка учирди. – Шу айтмоқчиман-ки...

Шундай дея Салим мева-чевалар растасига бир муддат тикилиб қолди.

– Шу айтмоқчиманки... Анжир, шафтоли... деб майда-чуйда қилиб юрамизми! Ундан кейин халтада ҳам жой оз қолган. Ке, шунинг учун биратўласига анжиршафтоли харид қилиб қўя қоламиз! Нима дединг?! Ана, хув момода бор экан...

“Халта кўтариш хавфи” дан чўчиб турган Ҳалимга бу таклиф Ҳалимдек ёқдимни бармоғини осмонга нуқиди.

– Во-о! Қойил... Қорнинг семиз десам, калланг ҳам қолишмаскан. Ана топқирлик... Ҳам ҳамён тежалади, ҳам халта... Қани кетдик жўражон! Иқтисод қилган пулга эса... майли яримта биздан!